



КУРЬОН ва ўзбек адабиёти

ҲАМИДУЛЛА
КАРОМАТОВ

Мазкур китобчани доимо халқ үа этти-
код учун жөн күйдирған падары бүзрукво-
рим Сабдуллоҳ Кароматовнинг хотирасига
багшишлайман.

Муаллиф

КУРЪОН ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

ҲАМИДУЛЛА КАРОМАТОВ

Preparations
for
Hogback
Blanket
9.11.2023

ТОШКЕНТ
УЗБЕҚИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
«ФАН» НАШРИЕТИ

Рисолада Қуръон ва ўзбек ислом адабиёти, Амир Темурнинг
Қуръонда фол очиши, «Юсуф» сураси ва Дурбекниңг «Юсуф ва
Зулайҳо» достони, «Қутадғу билик»да қуръоний мавзулар талқини,
Пир Яссавий ҳикматлари каби мавзулар аслият ва тарихий вөкөлини
асосида теран ёритилади.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул мұхаррир
филология фанлари доктори ФАЙБУЛЛА САЛОМОВ

Тақризчиляр:

филология фанлари доктори Э. КАРИМОВ,
филология фанлари номзоди, Ўзбекистон халқ шоиръ
ЖАМОЛ ҚАМОЛ

К 4602020400—925
М 355 (94)—93 43—93

© Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриёти, 1993
ISBN 5—648—01934—3

Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳийм

КИРИШ ҮРНИДА

Қуръоний мавзуларнинг жаҳон ва хусусан ўзбек адабиётига сингиб кетишини ўрганиш фақат диний нуқтаи назардангина ибратли бўлиб қолмай, балки Шарқ адабиётининг, хусусан ўзбек адабиётининг ҳам биз учун мавҳум қирраларини ойдинлаштириб, ҳозирги ўзбек адабиётининг шажараравий, мозийдан узилмас алоқаларини тиклашга ҳам мадад беради. Чунки шоирларимиз Ҳожа Аҳмад Яссавийдан Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳирiddин Муҳаммад Бобур, Машраб, Сўғи Оллоёргача ва бошқа кўплаб қалам аҳли ижодида Қуръоннинг катта таъсири бор.

Ҳамидулла Кароматовнинг рисоласида айнан шу, дикқатдан чётда қолган ўзбек адабиётининг улкан қатламига назар ташланган. Ўзбек ва туркий халқлар адабиётининг бобокалоилари ижодида Қуръоний мавзулар барҳаётлнги ва акс этиши Қуръони карим маъноларининг тафсирлари билан муқобил равишда олиб борилгани ўринниди. Диний ва дуиёвий адабиётлар муштараклиги борасида айтилган мулоҳазалар мозий меросимизнинг янги қирраларини ёритади. Ҳожа Аҳмад Яссавий ижодига оид мақолада тасаввуф ибтидолари тўғри ёритилиб, ҳақиқий ишқ инсоннинг Аллоҳга интилиши деб тушунилади. Қуръон ва ўзбек адабиёти бобида ўзбек адилларининг бутун Ислом дунёсига ўтказган таъсири тўғри қайд этилган.

Рисола нашр этишга лойиқ. Асосий тушунчалари Ислом руқнлари ва Қуръони карим маъноларига хилоф бўлмаган равишда талқин этилган.

Шамсуддин Бобохонов.

ҚУРЬОН ВА ЎЗБЕК ИСЛОМ АДАБИЁТИ

Ислом маданиятиниң Маккаси ва барча мустаслам халқларниң нурафшон рамзи Қуръони карим ўзининг 14 асрлик тарихи давомида қанчадан-қаинча мамлакатлар ва алломалар тақдирида тутган ўрни, бадний таъсир сарчашмалари ва нуфузи туфайли чуқур илмий ва диний таҳлил ва тадқиқотларга сазовордир. Қуръон мавзулари ислом динини қабул этган халқлар адабиётига сингиб, маҳаллий диний ва адабий ақидаю аиъанаалар билан узвий развища боғланди. Ислом дини ва маҳаллий урф-одатлар тўқимаси асосида ўзбек адабиёти ва илмининг шоҳ асарлари яратилди.

Ўзбек адабиётининг тараққиёти ва унга таъсир кўрсатган омилларни аниқлаш учун Шарқ адабий жараёни назарда тутиш лозим. Мазкур жараён эса исломий мавзулар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, Қуръон калималари ва ибораларини чуқур тушунишни тақозо этади. Ҳозиргача ўзбек адабиёти тазкираларида адиларниң ҳаёти ва битган асарлари помланганинг бўлиб, уларни юзага келтирган диний гоялар эса назардан четда қолган. Бу ҳол ўзбек адабиётшунослари адабий жараёни тушуммаганидан эмас, балки совет даврида ҳукмрон бўлган машъум мафкура тазиикни остида қолганлигининг оқибатидир. Айрим ўзбек адабиётшунослари ҳақиқат ва шахсий хавфсизлик орасида ўртаниши натижасида ҳаётлари ҳам барбод бўлди. Не-не истеъоддлар зое кетди, афсус. Ҳақиқатни айтишга журъат этган адиларниң тақдири эса ҳаммамизга аён.

Ўзбек адабиётининг жонбахш илдизлари қирқилиб, шарқона услугга ёт сунъий япроқлар ясалди. Ўзбек адабиётининг сарчашмалари, шажарасини ўрганимай турив, унга янги ҳаёт бағишлиб бўлмайди.

Шу сабаб ўзбек ислом адабиёти ҳақида сўз юритиш ўринилди.

Оlam-олам диний, фалсафий ва умуминсоний ҳақиқатларни ифодалаган қуръоний мавзулар ва диний мафкура рамзларининг Алишер Навоий ижодидан муҳим ўрин олгани бунга ёрқин далиллар. Афсус ва надоматлар бўлсинким, бу рамзлар совет даврида чол этилган асарларда қораланди ва марксча-ленинча мафкура афюни ортида порлоқ юлдуз бўлиб қолаверди. Ваҳолонки, бу рамзлар ўзбек адабиётининг асоси бўлиб, уни тўғри тушуниш учун омилдир.

Бундан бехабар ўзбек китобхони эса ўз она адабиётининг бой дунёсида ғафлат ичра адашиб, сохта сиймонар ва санамлар оғушида сарсон-саргардан бўлди. Улкан диний ва маданий меросимиздан айрилиб, илдизи йўқ, шамол зайлига тобеъ саҳровий ўт-ўланга муташабиқ бўлдик.

Ўзбек адабиёти дурдоналарининг таржималарида эса диний сюнглар янада заифлашиб, буюк адилари миз ижоди «маҳбубасининг васфини куйлаандай иборат», деган иоўрин тушунча юзага келди. Мисраларнинг чукур ички маъноси саёз фикрловчи китобхони диққатига сунгмасди, ажойиб, гўзал бир олам сеҳрлангандек ўз сир-асорларини очавермасди.

Бу оламнинг кажити — Ислом дини руҳлари ва Куръони карим қаломи. Куръоний мавзуларининг жаҳон ва алалхусус ўзбек адабиётига сингиб ўтиши фақат диний нуқтани назардангина ибратли бўлйиб қолмай, балки Шарқ адабиётининг биз учун мавҳум қирраларини оидикланишириб, турли адабий мавзуларниң сарчашмаларини очган ва ҳозирги замон ўзбек адабиётининг ислом адабиёти билан шажаравий, мозийдан узилемас алоқаларини тикилашга ҳам мадад берган бўларди. Натижада Куръон кўзгусининг нурида ўзбек адабиётига хос тарихий-адабий қатламларининг вужудга келиши ва ривожи тўғри тушунилган бўларди.

Шарқ миллий анъаналарининг ўзига хослиги ислом адабиётининг аввал араб, кейин форс ва ниҳоят турк, жумладан ўзбек тилидаги ривожида намоён бўлади.

Араб ва исараб (асосан форсий ва туркӣ забон) адабий оқимларининг тўқиашуви, ўзаро сингиб борини ва ўзаро таъсири жараённида мусулмон адабиётлараро муштараклик вужудга келади ва жаҳон адабиёти матнида ўзига хос ва Гарб адабиётига ҳам таъсир ўтказувчи мавқеъини шакллантиради.

Араб, форс ва туркий тилларда яратилган ислом адабиётидаги қай бири устун деган савол иоўнидир. Ҳар бир тилда яратилган миллий адабиёт ўзига хос қирраларга молик бўлиб, муайян даврда юксалиши давлат тили мақомига кўтарилишига ҳам боғлиқ бўлган. Аммо бу адабиётлар учун умумислом бўлмиш Куръони карим тилида ижод этиш ва Куръон мавзуларидан кенг фойдаланиш хосdir.

Мусулмон адиллари қай миллат вакили бўлишидан қатъи назар, аввалимбор ягона уммат аъзолари эди. Шу нуқтани назардан уларнинг ижодида миллий хусусиятлар Куръонда ўз ифодасини топган умумислом ва

умуминсоний башоратлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Ҳасрда араб ҳалифалиги ҳудудларида барпо этилган турли тилдаги адабиётларда миллӣ оҳанглар кучайши табиий ҳол эди. Аммо мазкур давлатлар ислом байробини тубан тутмаганилиги ва диний эътиқод ҳалқ орасига сингиб бўлгани туфайли ислом йўналишин саёзлашмади, аксинча тўсиқларни енгиб, кучайиб борди. Ҳозирги кун интилишлари бунга ёқин мисол. Шу сабаб араб ҳалифалиги емирила бошлагандан кейин ҳам ягона ислом маданияти ва адабиёти ниҳоясига ётмади, балки янги тармоқлар сари ривожланиб, қуръоний оҳанглар кучайиб борди. Алоҳида олинган миллӣ адабиётлар равнақи ислом адабиётининг ҳаётбахшигини таъминлади.

Шарқ ва кенг кўламда жаҳон адабиёти таркибида ўзбек адабиёти ҳам Қуръонни асрлар давомида турлича ўзлаштирган ва унинг мавзулари асосида туҳфа асарлар яратилган. Қуръоннинг матни 14 аср давомида ўзгаргани йўқ. Аксинча, ундаги иборалар турли тилларга сингиб ўтиб, ўзига хос қуръоний иборалар сифатида турли ҳалқларнинг мақол ва маталларига асос соляни. Бир сўз билангина олам-олам маънони ифодаловчи иборалар жилоланиб, тарих нафаси жонланди. Қуръоний ибораларнинг ўзбек адабиёти, мақол ва маталларидаги салмоқли ўрнини кўрсатувчи қомус яратиш ҳали олдинизда турган савобли ва баракали ишлардан бири бўлиб келмоқда.

Дарҳақиқат, Қуръон матни ўзгармаган, ислом динини қабуяжетган ҳалқлар тарихи замон зайлни билан ўзгариб борган. Қуръон матни замон ва маконда маҳаллий тарихий муҳит билан мутаассир бўлиб, ҳар бир ҳалқ тараққиётининг муайян даврида ўзига тегишли хulosалар чиқарган, қуръоний мавзуларни адабий асарларга киритган. Мазкур жараён натижасида миллӣ адабиётининг Қуръон матни билан синтези асосида байдий ва диний-дидактик асарлар яратилган.

Мисол тариқасида Абу Али иби Синонинг икки руబойсини таҳлил этайлик:

Шул жоки сибҳдин то авжи Зуҳал,
Ҳар пеҳаки мушкулот эрур, этдим ҳал.
Очдим неча занжир занжирни макру ҳиял,
Ечдим неча бир тугун, магар қолди ажал...

Рубоийнинг сўнгги мисрасидаги тугунни ечиш учун Қуръони карим 113-сурасининг қўйидаги 4-оятини билишимиз лозим:

وَمِنْ شَرِّ النَّفَاثَاتِ فِي الْعُقْدِ

Тугунларга дам солгувчи (жодугар)ларнинг ёмонлигидан (Алоуддин Мансур таржимаси).

Куръони карим тафсирларида айтилишича, Мухаммад алайхиссалом ишлари юришмай қолиб, касал бўладилар. Шунда маълум бўладики, бир яхудийнинг икки қизи арқонга ўй битта тугун бойлаб, пайғамбарга қарши жоду — сеҳр қилиб қудуққа ташлаган экан. Пайғамбар 113-сурани ўн бир маротаба ўқийдилар ва ҳар бир ўқиганларида биттадан тугун ечилади. Ниҳоятда ўни биринчи тугун ечилиб, ишлари ўнгланади. Уз робоийсида Ибн Сино ўша тугунларга ишорә қилмоқда: «Ечдим неча бир тугун, магар қолди ажал...»

Яна бир робоийсида Ибн Сино айнан шу сурага ишора қиласди:

Пир ўлдинг, ишингни оиҷуони этмассен,
Соч оқи-ла пирлижниг ниҳои этмассен.
Тун зулматида ҳар иеки қилдинг-қилдинг,
Төнг равшанида бўлди аён — этмассен.

Тагига чизилган «Тун зулмати» ва «тонг равшанида» ибораларининг ойдиилашуви учун мазкур 113-сурани тўла келтирамиз:

١— قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ الْفَلَقِ

٢— مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ

٣— وَمِنْ شَرِّ عَاسِقٍ إِذَا وَقَبَ

٤— وَمِنْ شَرِّ النَّفَاثَاتِ فِي الْعُقْدِ

٥— وَمِنْ شَرِّ حَاسِدٍ إِذَا حَسَدَ

Алоуддин Мансур таржимасида Ибн Сино робоийсига тааллуқли сўзларни тагига чизиб кўрсатамиз:

«Эй Мухаммад», айтинг: «Мен Тонг Парвардигоридан (менга) Узи яратган нарсаларнинг ёмонлигидан; зулматга чўмган кечанинг ёмонлигидан; тугунларга дам солгувчи (жодугар)ларнинг ёмонлигидан ва Ҳасад қи-

лаётган ҳасадгўйининг ёмонлигидан паноҳ беришини «ў-
раб илтижо қилурман».

«Тонг» ва «зулматга чўмган кеча» сўзларини Ибн Сино рубоийсидаги «тун зулмати» ва «тонг равшанида» иборалари билан солиштиришингиз маъкулдир. Рубоий-
нинг ички мазмуни Оллоҳдан паноҳ тилашдан иборат,
Ёмон кўздан, ёмонликдан, ёвуз кучлардан сақлову — уо
сифатида ўқиладиган мазкур сурани барча мусулманлар
ёд билиб, унинг маъносини тушунишган. Ибн Сино ўз
рубоийларида айнан шу маъноларга ишора қилган.

Афсуски таржимада аслиятнинг гўзал саъж қофияси-
ни ифодалашга имкон бўлмаган. Ваҳдолонки, Күркөв-
нинг оҳаираболиги ва қироат қилганда одамни сеҳр-
лаб қўйиш қобилияти саъж билен боғлиқ. Йил оятлар
ваҳй этилиб, Мухаммад алайхи-с-салом қироат қила
бошлиганиларида мушрик қурайшиликлар дидоят сўзла-
рига қулоқ солмагани, ва ҳатто пайғамбарни масхара
қилганлари тарихдан маълум. Шунда пайғамбар улар-
га ўзлари қироат қилаётган сурага ўхшашини ижод
етишни таклиф қиласидар. Ҳеч бир инсон бунга курбн
етмайди. Араб алифбосидан бехабар ўқувчи учун сий-
ларик ўзимизга таниш ҳарфлар ёрдамида ифодалаш-
кифом қиласди;

1. Кул аъзуу бирабби-л-фалақи
2. Мин шарри ме халақа
3. Ва мин шарри ғосиқин изо вақаба
4. Ва мин шарри-н-наффосоти фи-л-ъуқади
5. Ва мин шарри хосидин изо хасада.

2—5-оятларда қайтарилувчи «шаррун» сўзидаги «р»
ҳарфининг иккйланиб (ташдид) талаффуз этилиниң
«ёмонликнинг» ҳис этиларли даражада аниқ тасаввурни
беради. Гўзал саъжда чуқур ички маъно теранди-
шиб, хотирага нақшланади.

Совет даврида Ибн Сино меросида биз тушуна ол-
маган ҳақиқатларни тўқиз аср илгари фаранг шоирлар-
лари англаб, ўз ижодига сингдирган ва ажойиб хулоса-
лар чиқарган. Хусусан, йирик гарб шарқшуноси
Г. Э. фон Грюнебаум фикрича, 1100 йили Фарангистон-
нинг жанубида юзага келган олижаноб муҳаббат (кур-
туазная лирика, куртуазная любовь) шеърий оқимининг
мавзулари Ибн Синонинг «Рисола фи-л-ишқ» асаридаи
келиб чиқкан¹.

¹ Г. Э. фон Грюнебаум. «Рисола фи-л-ишқ» Ибн Сины и куртуазная любовь.—Арабская средневековая культура и литература. М., 1978. С. 191.

Фарб олимларининг фикрича, Ибн Сино тиисоний мұхабbat, жинслар мұхаббатига ижобий бақо беріб, рух-
ниң илоҳий севги даражасига күтарилиши ва илоҳият
билаң тавхидга келишини қайд этган. Биз бу ҳақиқат-
ни ҳали тушуныб етишимиз, жоғайллик тугунини ечиши-
миз лозим.

Шарқ ва Гарб ўртасидаги бундай муштараклик иш-
соният учун ягона бўлган умумбашарий ғоялардан ке-
либ чиқиши ўз-ўзидан аёни.

Бу ҳолни гарб олимлари тан олган тақдирда ислом дунёси ичидаги узвий алоқалардан кўз юмиш биз учун ноўрин бўлди совет даврида. Мовароуннаҳр ва араб халифалиги орасидаги алоқалар маданият ва адабиётнинг ўзаро алоқаларига ҳам албатта ўз таъсирини ўтказган. Масалан, IX асрда ал-Жоҳиз араблар ва фатҳ этилган ўлкалар орасидаги сиёсий маданий ва адабий алоқаларни аниқлашга ҳаракат қилган. Ибн Надим таъкидича, ал-Жоҳиз ҳалифа ҳокимиятининг таяничи сифатида мовароуннаҳрлик туркӣ ёлланма аскарларни жалб этишини тавсия қилган².

Бу тарихий жараёнда асил араблар ва мустаслам халқлар орасида сиёсий ва маданий соҳаларда рақобат авж олади. Фатҳ этилган мамлакатлар вакиллари ислом дунёсининг маданий ва адабий ҳаётига тобора кучли таъсир ўтказа бошлайди. Бу ҳолат арабларниң ҳукмронлик мавзенини сўсайтириши турган гап эди. Бу кураш шуъубия номини олиб, Қуръоннинг 13-оятига асосланганди:

يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّا جَعَلْنَاكُم مِن ذَكْرِنَا إِنَّمَا يَعْلَمُ
شَعُورَكُمْ وَقِبَائِلَ لِتَعْلَمُونَ إِنَّ أَكْثَرَ مَكْمُونَاتِ اللَّهِ أَنْ تَقَوْلُوهُ
إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ خَبِيرٌ

А. Мансур таржимаси: Эй инсонлар, дарҳақиқат, Биз сизларни бир әркак (Одам) ва бир аёл (Хавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишингизлар (дуст-биродар бўлишинглар) учун сизларни (турли-туман) ҳалклар ва кабила-элатлар килиб кўйдик. Албатта

^٢ ابن النديم : الفهرست . القاهرة ، ١٩٥٠ .

сизларнинг Оллоҳ наздидаги энг ҳурматлироғингиз тақ-водорроғингиздир. Албатта Оллоҳ билгувчи ва огоҳдир».

Алоуддин Мансур оятга берилган изоҳда тўғри қайд этадикий, Оллоҳ таоло ҳузурида барча қавмлар тенгдир. Инсонларнинг юксалиши учун мол-дунё ёки олий насабли бўлиши эмас, балки тақводор бўлиши шарт. Бу оятга барча миллатларнинг тенглиги ва адолат ғояларининг тарғиб этилиши яна бир бор Қуръони каримнинг умуминсоний қадриятларини таъкидлайди.

Қуръоннинг инглизча тилга ўғирган Абдулло Юсуф Али бу оят барча халқларга тегишли деб изоҳ беради³. Алоуддин Мансур таржимасидаги Одам ва Ҳавво исмлари Жалолайн тафсирининг изоҳи билан тушунтирилиши ҳам мумкин⁴.

Аслиятда «шуъубан — халқлар» дейилган. Айнан шу сўздан арабларнинг устун туриш мавқеига қарини бошланган кураш шуъубия номини олган. А. Мансур бу сўзни «халқлар» деб ўғириши тўғри, чунки ўзбекларда ҳозирги пайтда «шуъуб» сўзи йўқ. 1955 йили араб алифбосида нашр этилган Олтинхон тўранинг ўзбекча таржимасида «жамоъатлар» деб олинган. Алоуддин Мансур оятга берилган изоҳда Оллоҳ ҳузурида барча қавмлар тенг деб тўғри айтади.

Шуъубия ҳаракати адабиётда ҳам ўз аксини топди. Янгиланиш руҳила суғорилган асарлар анъанавий ҳисобланган оқим билан рақобатга киришади. Араб тилинда ҳам баҳслар бошланади. Аммо Қуръон тилининг мавқеи юксаклигича қолади. Беруний араб тилини илмий асарлар учун ягона монанд тил деб тан олган. Араб алифбосининг асосий нуқсони, Беруний фикрича, ҳарфларнинг устига қўйиладиган нуқталардир. Агар улар бўлмаса, матнни англаш қийин. VIII асрда ундошларнинг тепа ва настига қўйиладиган ҳаракатларнинг киритилиши (сурия ҳатига тақлид қилиб) бу муаммони ҳал этмади.

Қуръон тилини соғ сақлаш мақсадида VIII—X асрларда араб тилига ўзга тиллардан сўзлар киритилишига қарши кураш ҳам олиб борилган.

Шеъриятга ўша даврда қўйилган асосий мезон — Қуръон тилини тушунишга фойдаси борми-йўқми, бўл-

³ The Glorious Kur'an. Translation and commentary by Abdal-Lah Yousuf Ali. 1973.

القرآن الكريم . تفسير لا مامين الجليلين .
کرائشی — پاکستان ۱۹۸۵ .

ган. Бу нүктай назардан ҳар қандай четдан келган асарлар танқидга учраши олдиңдан муқаррар әди. Мазкур танқидий мұхитда жами мусулмон ўлкаларига сингиб ўтиш учун туркій адабларнинг асарлари ўта юксак маҳорат ва нафосат ила битилиши лозим әди. Бундай шароит миллий адабиёт равнақи йўлида тўсик қўйган, аммо уни бартараф қилиш йўлидаги жаҳду ҳаракатлар натижасида миллий (шу жумладан ўзбек адабиёти) адабиётлар мукаммаллашган.

Ислом динининг йирик мутафаккирлари она юртимиздан чиққани бунга исбот. Мовароуннаҳр уламолари-нинг илмий ва маданий мероси фақат мусулмон дунёсининг мулки бўлигина қолмай, балки Фарб ва бутун олам маданияти ва илм ҳазинасини бойитган.

Бутун мусулмон дунёси тан олган муфассирлар — Замаҳшарий, ат-Термизий, ал-Бухорий ҳам она элимиз фарзандлариридир. Ибн Синонинг «Қонун ат-Тибб» асари Шарқу Фарбнинг энг асосий тиббий қўлланмаларидан ҳисобланади. Ал-Хоразмийнинг алгебра ва арифметика бўйича ёзган асарлари ва математик жуғрофия асарлари XVI асргача Оврупода асосий манбалар сифатида ишлатилган. Шуяр қатори IX асрда яна бир ватандошимиз — фарғоналик Аҳмад ал-Фарғоний ҳам донг таратган. Астрономия ва математика, физика ва минералогия, тарих ва жуғрофия, этнография соҳаларида қалам тебратган Берунийнинг «Ҳиндистон» ва бошқа қатор асарлари ўша давр барча илмларини ўз ичига қамраб олган қомус бўлиб, афсуски, бизгача етиб келганилари орасида фикҳ ва калом бўйича ёзилган асарлари сақланиб қолмаган.

Буюк алломаларимиз Мовароуннаҳрда Уйғониш даврига оид юксалышга туртки бериб, шаҳарларимизнинг бутун дунёга Бухорои шариф ва Самарқанд — рўи замин деб машҳур бўлишига асос солган.

Улкамизда яратилган барча асарлар ўзбек маданиятининг ва ислом дунёсининг маъниавий бойлигидир. Куръони карим оятининг каромати шу тариқа амалга ошади. Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло наздида барча халқлар баробардир ва энг тақводори таҳсинга сазовордир. Ал-Асқарий айтганидек: «Шеъриятда энг мұхими — зинги шеърий мавзу топиш эмас, чунки бунга араб ҳам, ўзга юртлик ҳам, шаҳарлик ҳам, кўчманчи ҳам бир хилда қодир. Қай тариқа ифодаланиши мұхим»⁵.

العسكري . كتاب الصناعتين . القاھرہ . ص : ٣٣٠

Овруполик олимлар доим Ҳётенинг бу борада айтган сўзларини қайтаришади: «Энг муҳими «нима» эмас, балким «қандай». Гап турли адиблар томонидан бир хил мавзуларнинг ишлатилиши ҳақида кётмоқда. Сюжет бир хил бўлиши муҳим эмас, энг муҳими — унинг қай дара жада маҳорат билан ифодаланишида. Кўриб турибмизки, бу фикрни Ҳётедан илгари мусулмон мутафаккири аниқ ифодалаб берган.

Ўзбек адабиёти турли оқим ва мағкураларни тўлиқ ўзлаштириб, ўзига хос анъаналар яратишга қодир бўлди.

Мовароуннаҳр сатҳида ислом қурол кучи билан киритила бошлаган VIII асрдаги тарихий муҳит билан Соҳибқирон Темур қудратли давлат барпо этган XIV аср адабиёти орасида албатта ер билан осмон каби фарқ бор. Амир Темур ислом ва Қуръонни давлат руҳни қилиб, ўз ҳукмини кенг масофага ва жумладан араблар ерига ҳам ёяди. Шу тариқа исломнинг нуфузини кучайтириб, дин равнақига ривож беради. Марказдан, Арабистондан тарқалган тўлқин чекка ўлкадан яна марказга кучайиб қайтади. Бу ҳаракатда адабиётлар аро жараён ўзининг тўлқинисимон ҳаракатини рўёбга чиқариб, Мовароуннаҳр ва шу жумладан ўзбек адабиёти ривожига ўз ҳиссасини қўшади. Ва айни пайтда Мовароуннаҳр адабий оқими араб ва кенг кўламда мусулмон адабиёти ва маданиятига ўз улушкини қўшади. Амир Темурнинг ислом дини равнақи йўлида кўрсатган жонбозлигини ислом олимлари шундай таърифлайдилар: «Тангри таоло ҳар юз йилда Мұҳаммад, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, динига ривож бериш ва янгилаш учун бир кишини ислом динининг ёйуечиси ва янгиловчиси сифатида ихтиёр этади. Бу саккизинчи юз йилликда Амир Темур ислом динини жаҳон аҳлига тарқатди. Шунинг учун бу юз йилликда Мұҳаммад динининг янгиловчиси шу киши бўлрай»— деб фатво бердилар⁶.

Бобоси шаҳрисабзлик, асли барлос, яъни Амир Темур уругидан бўлмиш Мирзо Абдулқодир Бедил Шарқ адабиётида Шоири Абу Маоний (Матънолар отаси) деб танилган бўлиб, унинг қуйидаги рубойиси ўзбек адабиётининг мозий сарчашмалардан келиб чиққанлигини яққол кўрсатади:

Шеърим менга ича юз забондин келадир,
Кўпдан бери, кўп вақту замондин келадир.
Тазрот эмаски ул, то тахмни этсан:
Бир йўла магарки осмондин келадир...

⁶ Темур тузукларни. Тошкент. 1991, 58-бет.

Бу рубоийда Тавротнинг осмондан келишини таъкидлаш бежиз эмас, чунки Қуръонда Таврот ва Инижил ҳурмат ила номланади, ва Қуръон билан бир қаторда осмондаги «Китоблар онаси — Масҳафдан» ерга нозил этилганлиги таъкйидланади.

Дарҳақиқат, ўзбек адабиёти «юз забоидин» «кўп вақту замондин келадир». Ва у осмондан эмас, буюк сиймоларимиз қалб қўри ва тафаккур кучи ила битилган. Бизнинг вазифамиз она адабиётимизни тўғри тушуниб талқин этишдан иборатдир, холос.

Бу борада Ислом ва ўзбек адабиётиниг узвий алоқаларини ўрганиш барча мавжуд назиралардан фойдаланган равишда содир бўлиши мақсадга мувофиқ. Динларнинг узлуксизлиги, ҳар бир дин доирасида миллий адабиётларнинг ривожи ва уларнинг ўзга дин доираларидаи адабиётлар билан ўзаро таъсири фақат мажмуавий равишда ҳал этилиши мумкин.

Афсуски, совет шарқшунослиги ва адабиётшунослигига Ислом ва Қуръоннинг келиб чиқиши ва унинг Шарқ адабиётига таъсири ҳукмрон марксча-ленинча ғоялар замирида сохта талқин этилиб, мазмуни бузиб кўрсатилган. Табиий ва илоҳий шарт-шароитларга асосланган жараён қотиб қолган уйдирма категориялар билан алмаштирилган.

Таъбир жоиз бўлса, совет марксча-ленинча таълимоти тарихий ҳодисани тарихий жараённинг муайян шароитларидан суғуриб олган ва уни вульгар-ижтимоий жиҳатдан талқин этишга уринган. Европосентризм ғояси Қуръонга жуғрофий нуқтаи назардан ёндошган бўлса, марксча-ленинча ғоязий калтабинлик мафкураси эътиқодни умуман рад этган. Яъни, мазкур иккала талқин ҳам сохта бўлиб, тарихий ҳодисанинг моҳиятини назардан четда қолдирган, ва бу ҳам етмаганидек, ўтмишимизни ўзимизга ҳаром деб эълон қилган.

Ўзбек адабиётининг сарчашмаларини ислом муҳитидан излаш янгича оқим эмас, балки ҳалқимизнинг ҳақиқий ўзанига қайтишдир. Совет давридаги адабиётшунослик назарияларини қайта кўриб чиқиш ва ижобий нуқталарини қабул қилиб, сохталарини улоқтириб ташлаш пайти етиб келди.

Совет даври адабиётшунослиги мозий адабиётимизни ўрганиш бобида ҳозирги замон сохта мустабид мафкуравий тушунчалари ва терминларига асосланиб, миллий хатога йўл қўйди. Шу алфоз биз ўтмишни ҳозирги кун талаби асосида ўрганиб, ўша ўтмишда асли йўқ бўлган мезонлар билан маданий меросимизни ўлчашга урин-

дик. Ваҳолонки, ўтмиш адабиётини ўтмиш мезонлари ёрдамида тушуниб, ҳозирги кун муаммоларига қиёслаб, келажакка андоза солиш тўғри бўларди.

Яқин ўтмишда адабиётшуносликда ва анъанавий компаратавистика (қиёсий адабиётшунослик)да адабий ўзаро таъсир назарияси ҳукмрон эди. Мазкур қарашларнинг негизи компаратавистика тараққиётининг таҳлили борасида кўзга ташланади. Ўтган аср рус олими А. Н. Веселовский тарихий поэтика ҳақида таълимот бериб, унинг асосий мақсади — адабиётда мифларнинг таъсирини аниқлашдан иборат деган эди⁷. Ахир барча сюжетлар ўз илдизлари билан кўхна мифологияга бориб тақалади-да. Дарҳақиқат, адабиётшуносликнинг мазкур жабҳаси энг кам ўрганилган бўлиб, ўз тадқиқотчиларига мунтазирдир. Мафкуравий таҳлилдан сўз таҳлилига яқинлашув бундай тадқиқот калитидир.

Турли ҳалқларнинг адабиётини таҳлил қилиш улар замиридаги мифологиянинг муштараклигини намоён этади. Олимлар турли адабиётларда учрайдиган ўхшаш мавзуларни «сайёҳ сюжетлар» деб номлади. Сюжетлар адабий жараёнда силжиб, «муқобил оқимларни» вужудга келтирди. Бу жараённи шарҳлаш учун адабиётшуносликда «генетик-контакт» («шажаравий — воситали») алоқалар ҳақидаги ғоя юзага келди. Яъни, адабий ўзлаштирув бевосита танишув, ёки таржима орқали вужудга келади. Аммо бундай талқин жуғрофий жиҳатдан бир-биридан узоқ бўлмаган, чегарадош ҳалқлар адабиёти орасидаги алоқаларни тушунтиришга мақбул. Аммо бир-биридан узоқ жойлашган, лисоний ва диний узлуклиги туфайли бир-бири билан бевосита ришталари бўлмаган ҳалқлар адабиётида бир хил сюжетларни нима билан тушунтириш мумкин? Бу борада совет олими В. М. Жирмунский ҳалқларнинг тарихи шартланган ва бир хил тараққиётга асосланган системали-типологик контакtlар ғоясини илгари сурди. Ўзидан олдинги тажрибани мужассамлаштирган ҳолда мазкур ғоя адабий таъсир тушунчасига асосланди ва натижада аксарият равишда кўп қиррали миллий адабиётлараро алоқаларни сиёсий-иқтисодий ривожнинг ўхшашлигидан келтириб чиқаришга уринди⁸.

Адабиётшуносликнинг янги жараёнида И. Г. Неупокоева жаҳон адабиётини «алоҳида олинган ҳалқлар

⁷ Веселовский А. Н. Историческая поэтика. М., 1989.

⁸ Жирмунский В. М. Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. Л., 1979.

адабиётларининг системаси сифатида эмас, балки кичикроқ миқёсдаги тарихан ҳаракатчан системалардан ташкил топувчи мураккаб ва динамик макросистема сифатида тушунишга даъват этди⁹. Бу борада янги назария чехословак олими Диониз Дюришиннинг адабиётлараро жараён, адабиётлараро муштаракликлар назарияси бўлиб, бир нечта миллий адабиётларнинг ривожигни адабий жараён давомида яхлит, замон ва маконда ҳаракатчан бирикмалар сифатида талқин этиб, улар ўз навбатида жаҳон адабиётини ташкил этишини тарғиб қилидади¹⁰.

Н. И. Конрад Уйғониш даври аввал Шарқда зоҳир бўлиб, кейинчалик Farbga силжиган деб ҳисобладиди¹¹.

Ўзбек адабиётининг мозий саҳифаларини ўтмишда содир бўлган тарихий-адабий жараён мантиқи билан асослаш лозим. Акс ҳолда адабий жараённи сохта-ҳәслий «адабиётшунослик назариялари» ёрдамида боши берк кўчага олиб кириш ҳеч гапмас.

Қуръоннинг жаҳон ва алалхусус ўзбек адабиётига ўтказган таъсирини муайян тарихий муҳитдаги адабий жараёндан келтириб чиқиши лозим. Тарих (айрим мамлакатнинг фатҳ этилиши) ва адабиёт (мазкур жараённинг миллий адабиётда акс этиши) шажараси замирида ўзбек ислом адабиётининг тарихий-адабий анъаналарини ўрганиш лозим.

Мазкур жараён 1917 йили узилиб, ўзбек адабиёти ўзининг ҳаётбахш сарчашмаларидан маҳрум этилди. Натижада юзага келган чанқоқлик ўзбек адабиёти ва маданиятини қашшоқлаштириди. Адабий жараён сохта ва сунъий ўзанга зўрма-эўраки бурилиб, борган сари саёзлашиб ўз мавқенини йўқотиб борди. На фақат Оролимиз, балки Эътиқодимиз ҳам қуриб, саҳрого айланishiiga сал қолди.

Энг мудҳиш ҳақиқат шундан иборатки, мустамлака бўлганимиз бир тараф, уни ўзимиз мадҳ қилганимиз ор. Таңқид сўзи арабча «нақд»дан олинган. Яъни, сохта тангани ҳақиқий тангадан ажрата олиш. Биз сохта нарсаларга учеб, ўз аслиятимизни йўқотаёздиқ. Нақдимизни қўлдан бой бермайлик.

Қуръоннинг моҳияти умуминсоний қадр-қимматлар

⁹ Неупокоева И. Г. История всемирной литературы. Проблемы системного сравнительного анализа. М., 1976.

¹⁰ Дюришин Д. Систематика межлитературного процесса. Братислава, 1988.

¹¹ Конрад Н. И. Запад и Восток. М., 1972.

билин йўғрилган бўлиб, ўзбек адабиётининг жаҳон адабиёти матнида тутган ўринни аниқлашга имкон беради.

Хозирги замон тараққиётининг барча маҳсулу мева-лари ўтмиши халқлар яратган маданиятни йўққа чиқара олмади. Ҳадора (цивилизациянинг) сарчашмалари туб моҳияти билан маданиятдан бошлиланади ва ундан ҳаёт-бахш озуқа олади. Шу сабаб илохий Китобни эҳтиром ила ўрганиб, ўғитларини амалда татбиқ этишимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Ўз ўтмишини қадрламаган кимса, ҳозирги кунда хор бўлиб, ўз келажагидан маҳрум бўлади. Сўнгги юз йил-лик тарихимиз бунга мисол бўла олади. Ийсоният та-раққиёти ўз қонунларига биноан содир бўлади ва улар ичра энг мўътабари ва муҳими — Эътиқод.

АМИР ТЕМУРНИНГ ҚУРЬОНДА ФОЛ ОЧИШИ — ДИНИЙ ВА ДУНЕВИЙ АДАБИЕТЛАР МУШТАРАКЛИГИ

Шарқнинг буюк осори, ислом адабиёти ва маданиятининг сарчашмаси Куръони карим ўз асослари, виво-жи ҳаёт нуфузи нуқтаи назаридан жаҳон динлари қато-ридан муносиб ўрин олган бўлиб, ҳар тарафлама ўрга-нишини тақозо этади.

Жаҳон адабий жараёнига сингиб ўтиш асноида Куръон араб миллий маданиятининг қобифини ёриб, оламишумул маънно касб этди. Куръон таржималари ас-лият билан чамбарчас боғлиқ ҳолатда ислом адабиётининг юксалишига омил бўлди. Диний матн ва жумла-дан Куръон биринчи ўқишидаёқ ўз сир-асрорларини оч-майди. Фақат қайта-қайта ўқиши ва ҳар бир иборанинг маънисини чуқур ўрганиш асосида диний-фалсафий ҳа-қиқатлар жилоланиши муқарарар. Бу борада тафсирнинг аҳамияти катта бўлиб, унинг ўзи ҳам ислом адабиётининг ёрқин саҳифаларидан ҳисобланади.

Куръон тили ўта мураккаб бўлиб, таржималарнинг ўзи бир олам сифатида алоҳида тадқиқотлар мавзудидир. Ҳар бир қуръоний ибора замирида мураккаб диний ва тарихий филологик ва фалсафий тушунчалар ўрин ол-ган. Ҳар иборанинг лисоний жиҳатдан аниқ таржимаси диний ва илмий изоҳларсиз тушуниб бўлмайдиган сирли оламдир. Бу борада тафсир илми ислом адабиётининг сарчашмаларидан бири бўлиб қолди.

Куръон ўз замонасининг нафис адабий усули — саъжда ваҳй этилган бўлиб, таржимон ё саъжни сақ-лаб қолиши, ё маънони тўгри ифодалаш муаммосига дучор бўлади. Сўзма-сўз ёхуд маъновий таржима муам-

моси ички ва ташқи саъжга асосланган оҳанраболикни сақлаб қолиш вазифаси олдида ечими осон туйилган масалага айланади.

Аслида ўзбек китобхони Қуръони карим маъноларининг таржимасига муҳтож бўлмаган ва илоҳий матнни тўғридан-тўғри ёки тафсирлар ёрдамида тушунган. Ҳар бир ибора ва мавзу таниш бўлиб, улар асосида яратилган адабий асарлар инсон таҳаййулини теранлаштирган.

Наср ва назмни қуръоний мавзу ва иборалар билан бойитиш Шарқ адабистига хос анъана бўлиб, алалхусус ўзбек адабистидан ҳам кенг ўрин олган. Диний ва дунёвий мавзулар замирида адабий жараён замон ва макон узра тараққий этиб келган. Совет даврида тўхтатиб қўйилган мазкур жараённинг сўнимаганлиги ва ҳозирги кунда алангаланиб, янги маъно касб этиши азалий қадриятларимизнинг ҳаётбахшлигидан далолат беради.

Қуръоний иборалар Амир Темур тузукларидан ҳам муносиб ўрин олган бўлиб, матнга жило бериб, маънони теранлаштиради.

Муҳим қарор қабул қилишдан олдин Соҳибқирон Амир Темур Қуръонда фол очган ва ояtlар маъносига қараб иш тутган. Бу ҳақда Амир Темурининг сўзлари қўйидагича:

«Лекин бирон ишни қилмоқчи бўлсан, кенгашиб олиб, кейин Қуръондан фол очардим ва Қуръон ҳукми билан иш қилур эдим. Туғлуқ — Темурхон олдига боришдан аввал Қуръондан варақ очсан, «Сурайи Юсуф алайҳи-с-салом» чиқди ва Қуръони мажид ҳукмига амал қилдим»¹².

Мовароуннаҳрни талон-тарож қилиш ниятида лашкар тортиб келган Туғлуқ — Темурхон олдига Амир Темур ноиложликдан, ҳали ўзбеклар кучи мӯғулларга қарши очиқ кураш олиб боришга ожизлик қилганидан боришга қарор қиласди. Шу тариқа мамлакатни ҳалоқатдан сақлаш умидида бўлади.

Темур тузукларида «Юсуф» сурасининг башорати билан Соҳибқирон ўз саъй-ҳаракатига ишонч ҳосил қилгани таъкидланади. Аммо не сабабдан мазкур сура Амир Темурга мадад бергани шарҳланмайди. Бунга ҳожат ҳам йўқ эди, чунки аҳли ислом учун «Юсуф» сурасининг мазмуни равшан бўлиб, Амир Темур тақдирни Юсуф алайҳи-с-салом тақдирига муқояса қилиниши

¹² Темур тузуклари. Форсчадаи Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси. Тошкент, 1991, 17—18-бетлар.

орқали ички чуқур мазмун ва маъно кашф этарди. Ахир, Юсуф ҳам ака-укаларидан таҳқирилар кўриб, қудуққа ташланади, қутқарилиб, арзимаган пулга қулликка Мисрга сотилади. Қамоққа тушиб, анча азиятлар чекади. Аммо охири улуғ мартабага эришиб, акаларини ке-чиради. Эсланг, Соҳибқирон Темур ҳам фаолиятлари-нинг ибтидосида туркманлар элида қудуққа ташланади, асирикка олиниб, саҳрода сарсон-саргардан юради. Аммо барча қийинчиликларга матонат ила дош бериб аста-секин улгая боради. Яъни, Юсуф алайҳи-с-салом ва Соҳибқирон Темур тақдирлари орасидаги ўхшаш-ликлар Куръондан фол очганда келажакда улуғ мар-табага башорат қиласди. Шу сабабдан ҳам Соҳибқирон Туғлуқ-Темурхон олдига тап тортмай йўл олади, ва натижада Мовароунинарда ҳукмрон бўлиб қолади. Шу аснода Амир Темурнинг зафар юлдузи юқорига кўта-рила бошлади.

Амир Темурнинг Куръонда фол очиши Соҳибқирон-ни саводсиз қилиб тасвиrlаган ғанимларга қарши яхши далиллар. Боз устига Алишер Навоий ҳам шундай ёз-ганлар: «Темур Кўрагоний...— агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва нағри андоқ ҳўб маҳал ва мавқеъда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонча бор».

Шу билан бирга Амир Темурни динсиз қилиб кўрса-тишга уринган айрим шахсларга қарши унинг Куръон-да фол очиши нақадар саводли, дин ҳомийси эканлиги-дан далолат беради.

XIV—XV аср рус солномалари¹³, Фома Мецопский¹⁴ баёни Амир Темурни динсизликда айблашади. Бу ҳол Амир Темур уларнинг ўлкаларини фатҳ этгани туфайли юзага келгани аёндир.

Тарихий жараён миллий адабиётнинг вужудга келиши ва ривожланишига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Тарихий воқеа ёки шахс миллий адабиётда ўз аксини топади ва миллий давлат ҳудудларидан ташқарига чиқиб, адабиётлараро жараён оқимига ўз улушини қўшади. Унга мослашади, омухталашади, миллату элатлар орасида тарихий-адабий кўприклар ўрнатади. Тарихий воқелик оқими тахайюл гулларига бурканиб, турфа тилларда афсона яратиб, адабиётлар мулоқотига

¹³ Из Хронографа 1512 года. М., 1984. С. 399—403; Повесть о Темир Аксаке//Памятники литературы древней Руси. XIV—середина XV века. М., 1981. С. 230—244.

¹⁴ Фома Мецопский. История Тимур-ланка и его преемников. Баку, 1957.

асос солади. Тарихий шахслар бадий тимсол даражасига күтарилиб, жаҳон адабиёти хазинаси дурдоналарига айланади.

1402 йили Амир Темур Кўрагон Туркия султони Боязид I Йилдирим (Елдирим)нинг икки юз минглик лашкари устидан қозонган оламшумул ғалаба Оврупо ҳалқларини янги истилодан қутқариб, ўз даврида насроний динининг маркази бўлган Константинополни (Истамбул) таслим бўлишдан сақлаб қўлади. Натижада жаҳонгир Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги тарихий ҳақиқат ҳамда турли-туман афсоналар тарихий-адабий асарлар орқали европаликларнинг ҳам диққатини ўзига тортади. Замон зайлар билан тарихий шахс афсонавий сиймога айланади. Парижда жаҳонни ларзага солган соҳибқирон Темурга ҳайкал ўрнатилиб, пойига «Европа ҳалоскорига» деган ёзув битилади.

Фарбдан Шарққа ўтган сайёҳ ва элчилар, Шарқдан Фарбга қайтган тужжорлар (савдо-сотиқ аҳли) ва асирлар буюк ҳуқмдор ҳақидаги афсонаю ривоятларни оламга ёядилар. Шу зайлда тарихий воқелик баъзан ҳар хил уйдирма ҳамда латифалар билан безалиб, ҳаётдан ҳам, тарихий солномалардан ҳам анча йироқ тимсол яратилади.

Жаҳонгир бутун оламга қулюч ёзган «сайёр сюжет»нинг манбай сифатида дунё ҳалқларининг адабиётларига сингиб боради ва ҳар гал, муайян тарихий шароит тақозосинга кўра, ё ижобий, ё салбий тус олади. Адабиётлараро жараёнда Темур образининг талқинини ўрганиш оламшумул аҳамиятга эга тарихий афсонанинг манбаларини идрок этишга имкон беради.

Шуниси диққатга сазоворки, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишлиланган адабий-тарихий қўллэзмалар асосида 1587—88 йилларда инглиз драматургиясининг йирик номояндаси Кристофер Марло (1564—1593) саҳна учун «Соҳибқирон Темур» («Тамбурлайн зе Грэйт») фожиасини яратади. Жаҳонгир тақдирининг улуғворлиги ва қудратли салтанати буюк инглиз адибининг ижодига туртки беради. Амир Темурнинг жаҳонгирлик сиёсати, ҳокимиятни марказлаштиришга бўлган саъй-ҳаракатлари ўша давр инглиз томошибинларига жуда маъқул тушади. Мустамлакачилик сиёсати бўсағасида турган Англия Шарқ давлатларига нисбатан алоҳида қизиқиш билан қараганини ҳам унутмайлик.

Тарихий сиймо Амир Темур Кўрагон ҳақида кўплаб илмий-тарихий асарлар ёзилгани маълум. Уларнинг катта қисми асосий ғарб тилларига икки-уч аср олдин

ўтирилган. Тарих ва тақдирининг «ўйинйни» кўринингки, бу асарлар биз учун ҳамон лисоний қулф остида. Баъзи сатрлари қон билан битилган деб, бу асарларни қатагон қилиш тарихий мантиққа мутлақо зид эди. Ўтмишини билмаган киши бугунги кунини идроқ эта олмайди ва келажагини ҳам тасаввур этишдан ожиз бўлиб қолади. Тарихга бундай муносабатда бўлиш шаккок манқуртлавни ружулга келтиришининг шоҳиди ва шоҳиди бўлдик Жоҳиллик маънавий инқироз хавфини турдиришини ҳам ёддан чиқармайлик.

Амир Темур ҳақидаги илк маълумотлар араб, форс ва туркий тилларда яратилган. Соҳибқирон ўзи забт этган ўлкалардан фан ва маданият арбобларини ўз пойтахтига кўчириб, Ўйғониш даврига туртки беради. Шуни ҳам унумтайликки, ақл-идрок оқими салтанат марказига йўналтирилган. Пировардида Самарқанд умумадабий, илмий марказга айланган. Мовароуннаҳрда шариатнинг ўзга динилар тақдирига, шунингдек, эркесвар шахсларга нисбатан холис, мўътадил муносабатда бўлган ханафий мазҳаби қонунлаштирилиши ҳам Самарқандга кўзга кўринган одамлар кўчиб келиши учун қенг йўл очиб берган. Бундай марказлашув табиий бир зайлда Мовароуннаҳрда Ўйғониш даври туб аҳолисининг ўз тарихий ва маданий ўтмишидан озиқ олган ҳолда пайдо бўлган. Англияда эса Марло ва Шекспир ижоди гуркираган Ренессанс (Ўйғониш) даври Фарбий Европа ҳамда Шарқ Ўйғониш даври маданиятининг таъсири остида рўёбга келган. Ўйғониш даврига бир ёқлама қараш, уни муайян тарихий, миллий, жуғрофий минтақа ёҳуд давлатларнинг якка ҳокимлиги (монополияси)га айлантириш бир ёқлама, ғайритабии хуросаларга олиб келади. Хуллас, жаҳон Ўйғониш жараённада табиий тарихий зарурият узлуксиз муштарак оқим сифатида баҳоланиши лозим. Шундагина Шарқнинг Farbga таъсири ва акс таъсир ҳеч шубҳасиз, аниқ тарихий-адабий далиллар билан тасдиқланади. Академик В. В. Бартольд фикрича, ислом давлатлари тарихини ўрганишда ҳам Европа мамлакатлари тарихига қўлланадиган усул ва услубларни татбиқ этиш лозим.

Адабий жараён натижасида Амир Темур ҳақидаги афсона ва ёзма асарлар асосида Кристофер Марло ўз трагедиясини яратади. У лотин, юнон, итальян, инглиз, фаранг ва олмон тилларида яратилган тарихий асарлардан фойдаланган. Уларнинг пайдо бўлиш тарихи, мазмуни алоҳида тадқиқотлар учун мавзу бўла олади. Биз баъзи муаллифларнинг номларини айтиб ўтиш би-

лан чекланамиз: Халкон-дили, Хайти, Фрегосо, Мехиа, Примадей, Пирондини, Матиас Пальмериус, Платини, Андреа Камбиниус, Папа Пий II, Паоло Жиаво, Ричер, Мэнстер, Сагандинус, Рамус, Курио, Лоникерус. Бу адиллар Кристофер Марлогача бўлган даврда яшаб ижод этган ва Амир Темур ҳақида маълумот ёзиб қолдирганларнинг бир қисми, холос.

XVI асрнинг ўрталарида ғарб адабиётида Амир Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақида беҳисоб қурама асарлар, мажмуалар тартиб берилган бўлиб, улар аввалги китобларнинг мазманини такрорлаган. Бу жараёнда таржима асарлар катта аҳамият касб этган, албатта.

Умумадабий муштарак жараёнда Ғарб давлатлари қиролларнинг Амир Темур қошига юборган элчилари ёзган асарлар катта аҳамият касб этади. Испания қироли элчиси Рио Гонзалес де Клавихонинг «Темур саройига қилинган саёҳат кунномаси» шулар жумласидандир. Марло Клавихо қайдларини синчиклаб ўргангани яқол сезилиб туради.

Амир Темурнинг Ғарбдаги элчиси архиспископ Иоанин Фаранг қиролига жаҳонгирнинг хатини етказади ва Темур ҳақида асар ёзганини маълум қиласди. Асарнинг номи «Савдо карвонларига йўлланма» деб аталади. Аммо, афсуски унга ғарб тадқиқотчилари деярли эътибор бермаганлар.

Мазкур даврни ўрғангандаги Амир Темурнинг Фаранг қироли Карл IV ва инглиз қироли Генрих VI ларга ёзган мактублари ва улардан олган жавобларини назарда тутиш лозим. Париж Миллий кутубхонасида Темур ёзган хатнинг асл нусхаси сақланмоқда. Амир Темурнинг муҳри хатнинг асл нусхалигига шубҳа қолдирмайди.

Европалик муаллифлар Амир Темурнинг ҳаётида ақл-заковат ҳамда ҳарбий истеъодод ҳал қилувчи омил бўлган, деган оддий ва оқилона фикрни беш юз йил давомида тарғиб этиб келадилар. Фожианинг тарихга зид ўринларидан бири шундан иборатки, Кристофер Марло Амир Темурни динсиз, даҳрий қилиб кўрсатади. Уни ўз тасвирида Муқаддас китобларни, жумладан Қуръонни ёқишга мажбур этади. Бу — тарихий ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди.

Марло тасвирида Амир Темур кўпгина мамлакатларни забт этгач, Боязидни енгади ва салафларига буюради:

Мусо, Туркиядан олган китоблар қани,
Сеҳр-жудо, кароматлар битилган китоб?

Насоро бутхонасидаи олинган эди,
Муқаддас деб ўйлагандим! Бари ёқилсин...

Маъруф Жалил таржимасида маъно ўзгарган. Аслиятда Амир Темур «Turkish Al-Kogan» — «Туркиялик Қуръон» ва «Mahomet» — «Махомет» сўзларини ишлатади. Яъни, ўзи мусулмон бўла туриб, Муқаддас Китобни ёқишига буюради. Рус тилига ҳам айнан аслиятдаقا таржима қилинган. Аммо шуури йўл қўймаган Маъруф Жалил таржимада насроний китобларни ёқиб юборади! Кристофер Марло Амир Темурнинг салобатли, улуғвор сиймосини яратишга эришган XVI асрда, ўзининг Англияда мавжуд ҳукмрон черковига қарши норозилигини шу тариқа ифодалашгагина журъат этган. Натижада у, 29 ёшида майхонада қирол ёллаган муртадлар томонидан ўлдирилади.

Амир Темур диндор бўлган. Бунга далилларни форс тилида битилган улкан солномалардан ташқари испан тилида ўша даврда яратилган де Клавихо асаридан ҳам билиб олиш мумкин. Унинг далолат беришича, Амир Темур ўз юришларида хиймадан ясалган мачитни олиб юрган экан, ва қаерга келмасин, авваламбор уни қурдириб, намоз ўқиркан.

Амир Темур ўз тузукларида шундай деб ёзган: «Биринчиси — давлат ва салтанатимга боғлаган менинг биринчи тузугим — Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим»¹⁵.

Ва яна: «Дилимнинг машриқидан кўтарилган биринчи тузук шундан иборат бўлдики, ислом динини ёйиб, Муҳаммад, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, шариатини қувватладим. Жаҳоннинг турли мамлакатлари, катта ва кичик шаҳарларида ислом динини ва одамларнинг энг хайрлиси (ҳазрати Муҳаммад) нинг тўғри йўлларини тарғиб этдим. Ўз салтанатимни шариат билан безадим»¹⁶.

Ислом дини равнақи йўлида кўрсатган жонбозлиги туфайли ва бетиним саъй-ҳаракатлари эвазига Амир Темур дин уламолари тарафидан ўз асрининг улуғ инсони сифатида тан олинади: «Шу тариқа ислом динини ривожлантириб, шариатни мусулмон мамлакатларига ёйдим. Ислом динини ёйиб, унга равнақ берганим ҳақидаги овоза каттаю кичик аҳли мўминнинг қулогига етганидан кейин, ислом олимлари: «Тангри таоло ҳар юз

¹⁵ Темур тузуклари, 53-бет.

¹⁶ Темур тузуклари, 57-бет.

йилда Мұҳаммад, унга тангрининг марқаматлари ва саломлари бўлсин, динига ривож бериш ва янгилаш учун бир кишини ислом динининг ёйувчиси ва янгиловчиси сифатида ихтиёр этади. Бу саккзинчи юз йилликда Амир Соҳибқирон ислом динини жаҳон аҳлига тарқатди. Шунинг учун бу юз йилликда Мұҳаммад динининг янгиловчиси шу киши бўлғай»— деб фатво бердилар»¹⁷.

Амир Темурнинг художўйлигига бундан ортиқ далил керак эмас. Бундан ташқари, Амир Темур ва Мұҳаммад алайҳи-с-салом ҳаёт йўллари орасида кўп ўхшашликлар мавжуд: иккаловлари ҳам чўпонлик қилишган, биринчи жангларида 300 га яқин лашкар билан кўп сонли душманга қарши курашиб, ғалаба қозонишган. Азобуқубатлар чекиб, марказлашган давлат барпо этишган...

«Юсуф» сурасининг башорати ҳақ бўлиб, Амир Темур Мовароуннаҳрда ҳоким бўлгач, қудратли ўзбеклар салтанатини барпо этиш борасида тинмай саъй-ҳарарат қиласди. У кўпинча оз сонли лашкари билан кўп сонли душман лашкарига қарши чиқиб, турли тўғри чораю-тадбирлар ёрдамида ғолиб чиқади. Аммо умри давомида Қуръонни эъзозлаб, барча ишларини оятлар башорати ёрдамида йўналтиради.

Соҳибқирон «Темур тузуклари»нинг 32-саҳифасида шундай ёзади:

«Лашкардан кўнглим тинчлангач, Илёсхўжага қарши жангта ҳозирлик кўра бошладим. Уни дафъ этиш ва қай йўсинда уруш олиб боришим ҳақида қилган кенгашим шу бўлдики, ганимлар хабардор бўлиб улгурмасдан чапдастлик билан уларнинг устига қўққисдан босқин қилиш (турктоз)га қарор қилдим. Бу хусусда Қуръони мажиддан фол очиб қарасам, ушбу ояти карима (улуғ) чиқди: «Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилган» (Қуръон, 2-сурә, 249-оят). Ушбу башоратни топганимдан кейин лашкаримни тартибга келтириб, уни етти фавжга бўлиб, йўлга тушдим».

Мусулмонлар учун бу фолнинг маъносига изоҳ берилмайди ва унинг кераги ҳам йўқ. Аммо биз, Ислом тарихи ва Қуръон маъноларидан узоқлашиб қолган ўзбек китобхони учун, изоҳ лозим.

Мазкур оятнинг нозил этилиши Бадр қудуғи ёнидаги жанг билан боғлиқ бўлиб, Мұҳаммад алайҳи-с-салом кам сонли лашкари билан кўп сонли мушрик қурайиш-

¹⁷ Темур тузуклари, 58-бет.

ликлар лашкарини төр-мор қылғаңи ҳақида дидир. Бу оят тарихий воқеа билан борлық бўлиб, ислом динининг шукуҳли саҳифаларидан бири деб эъзозланади.

Бадр жанг 2-ҳижрий йилнинг Рамадон ойи (15 ёки 17 март 624 милодий йил) Мадинадан 150 километр узоқликда жойлашган Бадр қудуғи ёнида расулуллоҳнинг маккалик мушриклар билан биринчи жанглари дидир. Маккалик қурайшликлар катта куч тўплаб, муҳожирларга мағлубият етказишни ният қиласидилар. Шу пайт Абу Суфён мол-мulkка бой карвонни Суриядан Маккага олиб келаётган бўлади. Мусулмонлар унга ҳужум қилиш учун қарши чиқадилар. Абу Суфён Маккадан қуролли ёрдам сўрайди. Мусулмонлар лашкари атиги 313 киши бўлади, бунинг устига улар заиф қуролланган ҳам бўладилар. Аммо улар расулуллоҳ бошчилигига Оллоҳга таваккал қилиб, майдонга чиқишади ва иймон келтириб курашга бел бοғлашади. Жанг майдонига етиб келған қурайшликлар сони мингдан ортиқ бўлиб, ораларида Абу Жаҳл каби машҳур лашкарбошлари ҳам бор эди. Расулуллоҳ Бадр қудуқларини эгаллаб, мусулмонлар чашма жойлашган тепалик тагида туришади. Юқорида эса пайғамбар турадилар. Маккаликлар саҳрова йўл юриб, чарчаган ва чўллаган ҳолда жанг майдонига етиб келишади. Аммо сув мусулмонларнинг қўлида бўлади.

Ибн Ҳишом Ибн Исҳоқга истинод келтириб ривоят қилишича, жанг куни расулуллоҳ жангчиларни сафлаб, Оллоҳдан ғалаба илтижо қилиш учун тахтиравонга кирадилар. Оллоҳдан иймон кёлтиргани қурайшликларни жазолашни илтижо қилганларида ваҳй келади ва шундан сўнгина расулуллоҳ мусулмонларни жангга шайлайдилар ва ўлганларга Оллоҳ жаннатдан жой беришини айтадилар.

Сўнгра Муҳаммад алайҳи-с-салом бир сиқим қумни «юзларинг қора бўлсин», деб қурайшлик мушриклар томон отадилар, мушриклар орасида кўзига қум тушмаган кимса қолмайди.

Мусулмонлар Бадр жангидага кам сонли лашкари билан ғалаба қозонадилар: Абу Жаҳл ўлдирилади. Расулуллоҳнинг обрўлари араблар орасида бекиёс даражада ошиб, мусулмонлар сафи кундан-кунга ортиб боради. Бадр жангининг аҳамияти на фақат араблар, балки бутун дунё халқлари тарихига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Буни ҳатто ғарб алломалари ҳам тан олишга мажбур бўлади. Вашингтон Ирвинг ёзишича, Бадр жангига «ўта муҳим натижаларга молик бўлган, чунки

айнан ундан қатор ғалабалар бошланади, ва улар коинот тақдирини ўзгартиради»¹⁸.

Шу сабабдан ҳам мазкур оят Амир Темурни кам сонли лашкари билан қўрқмасдан кўп сонли душман лашкарига қарши жанг қилишга уйдайди.

Бу оят аслида шундай:

كُمْ مِنْ فَعَّةٍ قَلِيلَةٌ عَلَيْتَ فَعَّةً كَثِيرَةً بِذِنِ اللَّهِ

Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан жатта гуруҳлар устидан ғалаба қилган» (А. Мансур таржимаси).

Жалолайн тафсирида «كُمْ» сўзи «кўпдан-кўп» маъносида талқин этилади. Алоуддин Мансур ўзбекчага «қанчадан-қанча» деб, Қуръони карим оҳанги ва маъносини сақлаб қолишга мусассар бўлган. «Би-изни-лаҳи» ибораси ҳам сўзма-сўз «Аллоҳнинг изни билан» деб олиниши ўзбек тилида қуръоний иборалар мусталаҳот тариқасида ўзгаришсиз сақланиб қолишига мисол бўла олади. Олтинхон тўра таржимасида эса «كُمْ» сўзи «бир мунча» деб олинган ва натижада ҳозирги замон ўзбек китобхони «озроқ» маъносида тушуниши мумкин. «Фиатин» сўзининг Олтинхон тўра томонидан «жамоъат» деб ўгириши хато эмас, бинобарин Жалолайн тафсирида ҳам бу сўзниң шундай талқини берилган. Аммо икки ўзбекча таржима солиштирилса, А. Мансур таржимаси оҳанг ва маъно жиҳатидан аслиятга яқин туриши кўзга ташланади.

Темур тузукларига мазкур оятнинг давоми киритилмаган, ваҳоланки у вазиятни ойдинлаштиради: «Оллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир». Сабр сўзи аввалги фолда чиқкан «Юсуф» сураси билан чамбарчас боғлик. Ахир айнан «Юсуф» сурасида сабр ҳақида ҳикоят қилинади. Сабрнинг гўзаллиги таъкидланиб, сабр қилганлар галиб чиқиши уқтирилади.

Сабрнинг гўзаллиги турли ўзбек мақолларига асос солган. Уларни «Юсуф» сураси матни билан боғлаб ўрганиш борасида янгидан-янги қирралар ҳали ўз тадқиқотчисини кутмоқда.

«Темур тузуклари»даги икки дастлабки фол шу тариқа бир-бири билан боғланиб, узвийлик ва маъновий

¹⁸ Вашингтон Ирвинг. Жизнь Мухаммеда. М. 1990. С. 126.

узлуксизлик ҳосил бўлади. Адабий-тарихий матн илоҳий иборалар ёрдамида ойдинлашиб, теранлашиб боради ва ўз мантиқий ички кечинмаларини кашф этади. Ўша замон мусулмонлари Қуръон маъноларини яхши англағани туфайли Амир Темур сиймоси ва фаолияти чуқур талқин этилади.

Амир Темур душманларига кетма-кет зарбалар бериб, марказлашган ўзбек салтанатини барпо этади. Душман лашкари Соҳибқирон зарбаларидан қочадилар. Бу хақда Тузукларда шундай ҳикоя қилинади:

«Жете лашкари «ал-фарор», «ал-фарор» дея чекиндилар. Мен Илёсхўжага етиб олиб, «Йўл бўлсин?»— деб бақирдим»¹⁹.

Бу лавҳадаги «ал-фарор»—«қоҷидик» сўзи Қуръони карим 33-сурасининг 16-оятидан олинган бўлиб, унинг Алоуддин Мансур таржимасидаги тўлиқ матни қўйидагича:

«(Эй Муҳаммад), айтинг: «Агар сизлар ўлишдан ё ўлдирилишдан қочсангизлар, бу қочиш сизларга (бари-бир) бирон фойда бермас, демак, сизлар жуда оз (яъни, ажалларингиз етгунича) фойдаланурсизлар, холос». Аслиятда «ал-фирор» дейилган. Тузуклар таржимонлари шу тариқа «ал-фарор» деб хатога йўл қўйган.

Алоуддин Мансур таржимасида қавс ичидаги «ажалларингиз етгунича» ибораси аслиятнинг моҳиятини тўлиқ очган. Тузукларда қуръоний ибора воқеани шарҳлаб, душманнинг Амир Темурдан қутула олмаслигига далолат беради. Шу билан бирга Соҳибқирон душманига «Йўл бўлсин?», деб мурожаат этиши ўзбек адабиётига хос киноя ва қочириқ мавзуларининг барҳаётлигини ифодалайди. Соҳибқироннинг кинояси душманнинг ажалдан қочиб қутула олмаслигига ишора бўлиб, бу ишнинг бефойдалигидан далолат беради.

Амир Темур ташқи душманларини енгиб, ҳокимият тепасига келганидан қейин ички душманларга қарши кураш олиб боришига мажбур бўлади. Ҳар бир амир ва бек ўзи якка ҳоким бўлишга интилади. Амир Темурнинг ақл-заковати ва ҳарбий истеъдоди марказлашган давлат барпо этиш йўлида курашни давом эттиришга қаратилади. Якка ҳокимликка далилни Амир Темур Қуръонда фол очиб, улуғ оят ёрдамида асослайди: «Шу вақт (авлиёлардан ҳисобланган) Бобо Али Шоҳ олдимга келди ва: «Ҳой Темур, тангри таоло буюрганки, агар ерда ва кўкда икки худо бўлса, жаҳоннинг иши бузи-

¹⁹ Темур тузуклари, 33-бет.

лур», деди. Мен унинг сўзларига эргашдим. Қуръони мажиддан фол очсан, ушбу қутлуғ оят чиқди:

«Инно жаъалнока халифатан фил арз», яъни «Биз сени ер юзида халифа қилдик» (Қуръон, 38-сура, 26-оят). Мен буни (истикболнинг) хайрлик ва муборак фоллари сирасига киритдим ва ўзларини давлат шериги билиб, менга бўйсунишни истамаган амирларни турли тадбирлар ишлатиб ўзимга итоат эттириш учун бир неча бор кенгаш ўтказдим»²⁰.

Амир Темур барпо этаётган салтанатга шерик кўпайиб қолганида мазкур оятнинг тузукларда келтирилиши Соҳибқирон татбиқ этган чора-тадбирларни асослайди. Алоуддин Мансур оятни сўзма-сўз ўгирган. Олтинхон тўра сўзларни бошқача талқин этган: «Биз сани ер юзиға подшоҳ қилдук». Оятнинг давомида подшоҳ адолат юзасидан ҳукм юритиши ва доим адашгандарга жазо муқаррарлиги ҳақида гапирилади. Яъни, Амир Темур ҳам ўз кучи билан әмас, Худо амири билан ер юзиға ҳоким қилинмоқда. Унга амири вожиб — адодатли бўлиш ва адашгандарни жазолаш.

Қуръони карим сўзлари кучли таъсирга эга бўлиб, инсонлар ва ҳалқлар тақдирини ҳал қилиш қудратига эга. Бунга мисоллар Темур тузукларида ҳам мавжуд. Амир Темур Ироқни фатҳ этишга отланиб, ортида қолгувчи бир қанча мамлакатларни забт этишга қарор қиласди. Шунда Мазандарон ҳокими Амир Али унга мактуб йўллайди: «Биз ҳазрати Али авлодидан бўлган бир жамоамиз. Шу ерда қаноат қилиб кун кечираётимиз. Бу ерни олсангиз қуввату кучингиз ортар, «Кечиб юборишингиз тақвога яқинроқ ишдир» (Қуръон, 2-сура, 237-оят), — деган гаплар битилган эди. Мен Мазандарон ҳокимининг бу мурожаатини яхшиликка йўйдим. (У ерни ўзларига қолдирдим) ва Гилон, Журжонга қараб йўл олдим. У ўлкаларнинг ҳокимлари менга бўйсунмагач, қаҳрли қўшиним фавжларини уларнинг устига юбордим, ўзим әса Ироққа лашкар тортдим»²¹.

Бу оятга ҳам изоҳ берилмаган, ваҳоланки, у эрларнинг хотинларига талоқ бериш бобида нозил бўлиб, мусулмонлар учун оиласвий алоқалар борасида шаръий ҳукмдир. Мазкур оятнинг «Темур тузуклари» матнида муҳим аҳамият кашф этиши оятнинг Алоуддин Мансур таржимасида тўлиқ келтириш билан равшанлашади:

«Агар уларни маҳрни белгилаб қўйган холингизда қўй тетизишдан илгари талоқ қилсангизлар, белгиланган

²⁰ Темур тузуклари, 35-бет.

²¹ Темур тузуклари, 43-бет.

маҳрнинг ярми зиммангиздадир. Магар улар (ярим маҳрни олишдан) кечиб юборса ёки никоҳ қўлида бўлган зот, яъни эр (ўзига қайтган ярим маҳрдан) кечса (яъни, бутун маҳрни тўласа жоиздир). Кечиб юборишинтиз тақвога яқинроқ ишдир. Ўзаро бир-бирларингизга фазлу карам қилишни унутмангиз! Албатта Оллоҳ қилаётган амалларингизни кўргувчиидир».

«Тузуклар»да фолга чиққан мисранинг тагига чизиб кўрсатдик. Ундан сўнг мағфират қилиш Оллоҳга маҳбуб эканлиги уқтирилади. Амир Али бу сатрларни мактубида келтирмайди, аммо улар албатта барча мўмин-мусулмонларга аён бўлган. Талоқ масаласи билан боғлик мазкур оят барчага шак-шубҳасиз аён бўлган. Шу сабаб нажот сўраб, ўзини атайлаб ожиз аҳволга солтан Мазандарон ҳокимига раҳм-шафқат этилиши оят маъноси ёрдамида равшанлашмоқда. Амир Темур ҳали, уларга кўл тегизмасидан айрилиши туфайли маҳрнинг ярмисини олиши таъкидланмоқда. Шу тариқа шиња аҳлидан бўлган мусулмоннинг Қуръон ояти ёрдамида сунний Соҳибқирондан шафқатга эришгани каломуллонинг тъсир кучига ёрқин мисол бўла олади.

Айнан Қуръон ибораси Амир Темурни жанг жадалга отлантирган ҳам. «Темур тузуклари»га изоҳда Бўрибой Аҳмедов шундай ёзадилар: «Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Боязид Йилдирим жавоб хатида Амир Темур унинг ҳузурига бўйин эгиг келишини талаб қилган, акс ҳолда, Амир Темурнинг «аёллари уч талоқ» («талоқ бис-салоса») бўлсин деган ҳақоратли гапларни келтирсан»²².

Бу қуръоний ибора Амир Темур нафсониятига тегиб, натижада Соҳибқирон Боязиднинг икки юз минг кишилик лашкарини тор-мор қиласди, бутун Оврупони бўйсундириб, улардан бож олади, Боязид Йилдиримни эса хотини билан асирикка олади.

Тарихий воқелик, илоҳий матн ва адабий-тариҳий жараён бир-бирини тўлдириб, яхлит тасаввур ҳосил қиласди. Қуръон қалимаси ҳам меҳр-шафқатга, ҳам заб-интиқомга қўзғатиши «Гемур тузуклари»да амалий далилини топади.

Айнан шу ҳодисалар бадиий адабиётда ҳам ўз аксии топган. Кристофер Марло фожиасида турк сultonни Боязид Темур қўлига асир бўлиб тушади ва унга лаънатлар ўқийди. Марло бу маълумотларни византиялик

²² Темур тузуклари, 52-бет, 3-изоҳ

тариҳчилар Фрегосо ва Ҳалқондилидан олади²³. Фожиада Темур Боязидни қафасга солиб, ўзи билан олиб юради. Бу ҳол ҳам тариҳий ҳақиқатга зид бўлиб, афсонапардагина учрайди. Шарқ манбаларида Амир Темур ўз асири билан барча мулизиматларни ўрнига қўйиб муомала қилгани қайд этилади. XIX аср рус муаррих Грановскийнинг айтишича, 1402 йил жаңгида қатнашган гувоҳлар ҳамда шарқ ва ғарб муаррихлари Амир Темур Боязидни ҳурмат қилганини бир овоздан тасдиқлайдilar. Кейинги муаррихларнинг қафас ҳақидаги гаплари ҳақиқатдан узоқ бўлиб, Темур замондошларни бу тўғрида маълумот қолдиришмагай²⁴.

Темур Ғарб қиролларига элчи қилиб юборган архиепископ Иоани ўз асарининг XXI бобида ҳикоя қиласиди: «Амир Темур ҳузурида буюк турк ҳурмат-эҳтиромда сақланади. Қочишга ҳаракат қилганидан сўнгтина уни олтин занжир билан банди этишини буорди»²⁵. Византийлик тариҳчи Дукас шундай ёзади: «Темур Боязиднинг насл-насабига мувофиқ муомала қилган ва иззатини жойига қўйган». Эллис-Фермор фикрича, бу маълумотлар Ғарбга Хондамирнинг «Хабиб ус-сияр» асари орқали ўтган²⁶. Аммо темир қафасни Марлонинг ўзи ўйлаб төпган эмас. Амир Темур ҳақидаги бу уйдирма аслида шарқ ахлоқидан тамомила бехабарлик, ғоғиллик туғайли пайдо бўлади. Асир қочишга уринганидан кейин, уни назорат остига олишга тўғри келган. Темур юришларда сultonни таҳтиравонга ўтқазишини амр қиласиди. Туркий қафас сўзини Франческо нотўғри-тушуниб, тескари талқин қиласиди ва Ғарбда бу афсонанинг кенг тарқалишига сабабчи бўлади. Ҳалқондил Ҷозид занжирбанд қилинган, деб ҳисоблайди. Дукаснинг айтишича, Ҷозид ўзини заҳарлаб ўлдирган. Франческо бўлса, у асирилкда ўлдирилган деган фикрни илгари суради. Ҳолбуки, ислом дини ўзини ўлдиришни катта гуноҳ деб билади. Демак, бу гаплар бошдан-охир уйдирма. Эллис-Ферморнинг фикрича, олтин занжир Палъмериус, Қаспини, Грануччи асарларида, сўнгра эса Эштон ва Ньютон таржималарида учрайди²⁷. Аммо Амир отга

²³ Ellis—Fermor U. M. Introduction//Tamburlane the Great. New York. 1950. P. 1—62.

²⁴ Грановский Т. Н. Четыре характеристики. М., 1852. С. 1—93.

²⁵ Умняков И. И. Малоизвестный французский источник о Тимуре//Труды СамГУ. Новая серия, вып. 101, Самарканд, 1960; С. 173—199.

²⁶ Ellis—Fermor, 23-бет.

²⁷ Ellis—Fermor, 24-бет.

миниш учун султон Боязидни ўз оёғи остига тиз чўқтиргани ҳақидаги уйдирмани Марло оқизмай-томизмай қўллайди²⁸.

Амир Темур фатҳ этган мамлакатлар адабиётида Соҳибқирон динсиз қилиб кўрсатилиши хато. Темурнинг Ҳиндистонни забт этиш учун қилган кенгашида унинг амирлари иккиланиб қолишади: «Борингки, Ҳиндистонни олдик ҳам дейлик. Бироқ у ерда турғун бўлиб қолсак, наслимиз йўқолади, авлодларимиз ўз аслидан ажраб, тиллари ҳиндча бўлиб кетади», дейишади. Мен (Амир Темур — Ҳ. К.) бўлсан Ҳиндистонга юриш учун қиммат камарини белга боғлаганимдан ўз азму жазмимдан воз кечишини истамадим ва шундай жавоб қилдим: «Тангри таолога ўтинч билан мурожаат қилайлик. Жанг қилиш ёки қилмаслик ҳақида Қуръондан фол очайлик, токи тангри таоло нени буюрса шунга амал қилгаймиз». Ҳаммалари менинг таклифимни маъқуллашди. Қуръони мажиддан фол очсан, ушбу улуғ оят чиқди: «Эй пайғамбар, коғирларга ва мунофиқларга қарши жаҳд қилгил» (Қуръон, бб-сура, 9-оят). Уламо мазкур оятнинг мазмунини амирларга тушунтириб бергандай кейин, бошларини эгиг, жим бўлиб қолдилар»²⁹.

Шундан сўнг Амир Темур қўл кўтариб, зафару фатҳ фотиҳасини ўқийди.

Амир Темурнинг Қуръонда фол очиши бобидаги мисоллар ўзбек адабиётида қуръоний ибораларнинг ишлатилишига ёрқин мисол бўла олади. Амир Темур барча юришларини ислом дини нурини ғафлатда қолган ҳалқларга етказиш учун қилган. Бу ҳақда Соҳибқироннинг гапларини келтирдик.

1991 йили нашр этилган Алоуддин Мансур таржимасининг айнан шу йили чоп этилган «Темур тузуклари»да ишлатилиши диний матннинг маҳсус матнiga сингиб ўтишига ёрқин мисол бўла олади. Шу тариқа диний ва дунёвий адабиётлар муштараклиги намоён бўлади.

Қуръоний иборалар ва мавзулар ёрдамида китобхон ўзиға таниш сиймолар тақдири орқали дунёвий ва тарихий воқеа ва шахсларни тушуна олади. Таниш оҳаангларнинг қайтарилиши эса уни ижодга ҳамоҳанг қиласиди. Қуръон мавзулари ички кечинмаларни йўғунилаштириб, воқеа жараёнига янгича ёндошишга ёрдам беради. Утмиш ва ҳозирги кун қоришмасидан олингай сабоқ ёдда қолади ва ўзбеклар тарихи ва шажарасида

²⁸ Ellis-Fermor, 28-бет.

²⁹ Темур тузуклари, 47-бет.

Құръони карим тутған муҳим үринни тұғри ёритишига омил бўлади.

ТУРКИЙ АДАБИЕТЛАР САРЧАШМАСИ «ҚҰТАДҒУ БИЛИГ»ДА ҚУРЪОННИЙ МАВЗУЛАР ТАЛҚИНІ

Хозирча бизга маълум туркийзабон ҳалқларнинг энг күхна ёзма асари — Юсуф Ҳос Ҳожибнинг XI асрда яратылган «Құтадғу билиг» («Саодатга йўлловчи билим») асари бўлиб, унда биз ислом мавзулари ва қуръоний ибораларнинг матнда кўп ва ҳўб қўлланилганидан воқиф бўламиз. Асарининг ҳозирги қунларда нашр этилган жилдидаги билдирилган фикрга қўшилмай бўлмайди: «Шубҳасизки, бу асар тили ўша даврда кенг майдонга эга бўлган Қораҳонийлар салтанати таркиби га кирган барча қабилалар учун тушуниарли бўлган. Шунинг учун ҳам бу асарни ҳозирги туркий ҳалқларнинг бирортасиға нисбат бериш иммий нуқтаи назардан хотүғри бўлади. Уни ҳозирги қардош туркий ҳалқларнинг барчаси учун умумий бўлган муштарак хусусиятга молик ёдгорлик сифатида қарамоқ лозим»³⁰.

Туркий ҳалқларнинг ilk адабий осори матнидаги қуръоний мавзулар эса ўша давр туркий ҳалқлари учун ислом рукнлари ва Құръони карим таъсирининг зоҳирлигидан далолат беради. Таъбир жоиз бўлса, ўзбек ислом адабиётида диний ва дунёвий қатламларнинг бир-бiri билан узвий боғлиқлиги Құръон оятлари ёрдамида таърифланади. Асли, ўзбек адабиётининг бу икки қанотини бир-биридан айри ҳолда ўрганиш самарасизлигини тарих кўрсатдики, биз мудҳиш ўтмиш йилларимиздан аччиқ сабоқ олиб, ҳозирги кун ва келажак қунларимизни илоҳий қалом вазни или ҳамоҳанг қилишимиз лозимлиги аён бўлди.

Якка ҳокимликни танҳо Аллоҳ кўтара олади ва бу ҳақда 17-суранинг 86-оятида шундай дейилган:

وَلَئِنْ شَهِنَا لَنَدْ هَبَنْ بِاللَّهِ أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ ثُمَّ لَا تَجِدُ لَكَ بِهِ عَلَيْنَا وَكَيْلًا

«Қасамки, агар хоҳласак, сизга ваҳий қилган нарса — Құръонни (сиздан) кетказурмиз, сўнгра ўзингиз

³⁰ Каримов Қаюм. Сўз боши. Юсуф Ҳос Ҳожиб. Құтадғу билиг. Тошкент, 1972, 5-бет.

учун (яъни, Биздан Қуръонни қайтариб олиш учун)
Бизга қарши бирон вакил — ҳомий топа олмассиз»³¹.

Дарҳақиқат, Парвардигор ҳомийлиги туфайлигини
Қуръон бизга қайтди ва ўзбек адабиёти ўзининг асл
ўзани — ислом оқимиға қўшилди.

Авлаллари нашр этилмаган Машраб мисралари ора-
сидан яқинда топилганлари мавзуумиз матнига ҳамо-
ҳангидир³²:

Хатарлик йўл эди, раҳбар топилди,
Саримни кести, дигар сар топилди.
Қилур хожа ғуломимиз вишона,
Дилимга дуойи гавҳар топилди.
На парвойи бу жаннатман, на дўзах,
Манга исломдин парвар топилди.
Оловга солди асбоб этгали боз,
АЗалдан зар эдим, заргар топилди.
Деди Машраб: чу куйганиларга куймас,
Муҳаббат конидиң жавҳар топилди.

Дарҳақиқат, заррин сўз дурдоналаримизга заргар
ягонаadir, ва азалдан шундай бўлиб келгани ҳам ҳақ.

Юсуф Ҳожиб ўз асарининг номи ва унинг ўқув-
чига таъсири ҳақида шундай дейди:

Китоб отини «Қутадғу билиг» қўйдим,
Ўқувчига баҳт келтирсин, қўлидан тутсин.

Қуръони карим 69-сурасининг 19—20-оятларида ай-
тилган:

«— Бас, кимнинг (амал) китоби ўнг тарафдан бе-
рилса, у киши (халойиқقا) мана, менинг китобимни ўқиб
кўринглар... Албатта, мен ҳисоб-китобга йўлиқишимга
ишинардим, дейди»³³.

Яъни, кимки ўнг қўлига китоб олса, демак, иймонли
киши бўлади. Балким, «ишим ўнгидан келсин», ўзбек
халқ мақоли ҳам шунга ишорадир.

«Қутадғу билиг» Парвардигорга ҳамду санолар би-
лан бошланадики, бу барча ислом адабиёти учун матлуб
кириш қисмидир: «Марҳаматли меҳрибон тангрийинг но-
ми билан. Ҳамду сано, шукrona ва мақтovлар (бўлсин)
энг азиз ва энг улуғ тангригаки, (у) улуғлик соҳиби,
тугал қудратли подшоҳ, кўкни яратган, ҳамма тин

³¹ Қуръони карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин
Мансур. Тошкент, 1992.

³² Машраб. Ғазаллар. Узбекистон адабиёти ва санъати. 1992
йил 15 май.

³³ Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳи-
лол. 29-Таборак пораси. Тошкент, 1992.

олувчиларга ризқ бергандир. (У) ниманики истаса қилгандир, шунингдек, нимани истаса қилгусидир, яғъалу мо яшава яҳкаму мо юрид (яъни, нимага қасд қилса, қилгай ва нимага ихтиёр қилса ҳукм юритгай)» (49-б).

Кўриб турибмизки, Юсуф Хос Ҳожиб 1019 йили яратилган китобини Аллоҳ номи билан бошламоқда ва айнан Қуръони карим ибораларига монанд равишда Аллоҳга шукронанинг бошланиши «Фотиҳа» сурасининг 1—3 оятлари билан ҳамоҳанг:

1. Барча мақтовлар бутун оламнинг парвардиgorи,
2. меҳрибон, раҳмли
3. ва жазо кунининг эгаси — Аллоҳга хосдир»³⁴.

«Ери, кўкни яратган» ибораси кўп оятларда қайтаришувчи «ҳувал-л-лази халақа-с-самавота ва-л-арда» сўзларига нисбат берилади. Кейинги арабча талафузда қолдирилган сўзлар эса Қуръони карим оятидир. Қавс ичидаги ўша замон туркий тилига таржимасининг берилиши тафсирга мойиллиги билан диққатга сазовор: яъни, ҳозирги ўзбекча таржималар ҳам айнан шу йўналишда ҳал этилган. Шу тариқа асрлар оша тафсирлар низомида уйғунлик барқарордир.

Насрий ҳамду санодан сўнг назм низомида тартиб этилади:

Қодир бир худо барчадан устундир,
Талай ҳамду санолар унгагина сазодир.
Улуғлик соҳиби, қодир, зулжалол,
Яратувчи, бино қилувчи ҳамда қодир камол.
Эй, ҳалойиқ билан еру кўкнинг эгаси,
(У) ризқни ҳозирлади, сен кулиб егин.

Учинчи сатрдаги «улуғлик соҳиби» аслиятда «улуғ-луқ идиси» деб, бешинчи сатрдаги «еру кўкнинг эгаси» эса аслиятда «йэр қок идиси», деб берилган. Яъни, аслиятда бир сўз — «идиси», ҳозирги ўзбек тилига тайёрланган нашрда эса икки сўз — «соҳиби» ва «эгаси» олингани диққатга сазовордир. Маъно жиҳатидан мос сўзлар ишлатилган. Шу билан бирга мазкур сатрларда Аллоҳнинг гўзал исмларидан айримлари саналиши ва аслиятда икки маротаба «идиси» қўлланилиши бежиз эмас. Юсуф Хос Ҳожиб шу тариқа Парвардигорнинг исмларидан бири — «идиси»га диққатимизни тортмоқда. Бу исм кейинчалик Ойтўлдининг ўлим олди ғасиятларида мұхим ўрин әгаллайди:

³⁴ Қуръони карим. 30-пора. Шамсиддин Бобохонов таржимаси. Тошкент, 1991.

1137: Кўзини кўкка тикди, айтди: Эй эгам,
Мен сендан ўзга эга (худо)ни билмайман.

Бу мисрада тавҳид гояси мужассамлашган: «ло ило-
ха илло-л-лоҳо». Яъни, XI аср бошида туркий халқлар
учун Эга — Аллоҳ бўлгани ва ўзга маъбудалар тан
олиммагани юқоридаги мисрадан аён бўлмоқда.

Инсон ожиз банда эканлиги ва марҳамат Парвар-
дигор қўлида эканлиги ҳақидаги тушунча туркий халқ-
лар эттиқоди бўлгани қуидаги мисралардан аён:

1140: (Улимдан) қутуладиган ерим йўқ, ақлимни етказдим,
(Энди) сенинг раҳматинг (менга) насиб бўлсин.

1141: Пасткашлик билан кўп ёмонликлар қилдим,
Марҳамат билан сен мени кечир, эй азиз.

Бу мисраларда ҳам Аллоҳнинг гўзал исмлари ном-
ланиб, улар асар саҳифалари узра доим қайтарилиб
боради. Шу тариқа ислом вожибларидан бири — Аллоҳ
номини зикр қилишининг хайрлик иш экани рӯёбга чиқа-
ди. Шу билан бирга мазкур мисраларда туркий халқ-
лар адабиётига хос камтарлик ҳислари ўз аксини топ-
ган. Ойтўлди умри бўйи халқ манфаати йўлида хизмат
қилган адолатли одам. Аммо шунга қарамай ўзини гу-
ноҳкор банда деб ҳисоблашининг ўзи кибр-ҳавони рад
этади. Мазкур мавзу тасаввуфга оид бўлиб, кейинчалик
Аҳмад Яссавий ижодида ёрқин ифодасини топади.

Ойтўлдининг ноласига ўғли Үгдулмиш шундай жа-
воб беради:

1226: Сен яратилган эдинг, яратилган эса ўлади,
Яратилган ўлади, яратган эса қолади.

Юсуф Хос Ҳожибининг бу сатрлари 112-«Ихлос» су-
расининг оятлари билан ҳамоҳангдир:

1. «(Эй Мұҳаммад! Макка аҳлиниң: «Худойинг ким
ва қанақа?» деган саволларига сен жавобан айтганини:
У — яккаю ягона Аллоҳдир!

2. Аллоҳ — беҳожат, аммо ҳожатбарордир!

3. У туғмаган ва туғилмаган ҳам.

4. ва Ўнга тенг келадиган бирор зот бўлмаган (ва
бўлмайди ҳам» (Ш. Бобохонов таржимаси).

Кейиниги сатрларда Үгдулмиш Худонинг сифатларини
тавсифлаб шундай дейди:

1232: У азиздир, азизлар учун иззатдир,
Иzzat ундан насиб бўлади, шунинг учун азиз энди ноёб.

1233: (У) қадрсизга қадр, кичикка улуғлиқдир,
Ёмонга ҳоди, буюкка юксаклиқдир.

«Ходи» сўзи «Фотиҳа» сурасининг ҳидоят йўлига бошлаш гояси билан ҳамоҳангдир. Икки сатрда (1238) «Азиз»— Аллоҳниң гўзал исмларидан бирининг беш маротаба қайтарилиши (аслиятда эса олти маротаба) ноёб шеърий рефрениниг туркий адабиёт негизларига нақадар синганлигига ажойиб намуна бўла олади.

Ота ўғлининг бу сўзларини эшитиб, дуога қўл очади:

1235: Худога кўп ва ортиқ шукр қилди,
Худо ўғлига уқув-идрок берганни учун.

1236: Айтди: Уғлимдан кўнглим тинчиди,
Худонинг фазли билан баҳтли бўлиб яшагин.

Ҳозирги ўзбек тилидаги «Худонинг ўзи арасин» ибораси минг йил аввал Ойтўлдининг ўғлига берган насиҳатларида ҳам муҳайё:

1256: Эга(м) кимни асраса, у асралади, (яъни эсон бўлади),
Тилагини топади, неъматини тугал ва тўла ейди.

«Ризқу — рўз», «насиба худодандир» ибораси ҳам «Қутадгу билиг»да мавжуд:

Илоҳо, сенгина барчани ёрлақа,
Жумла мўминларга ризқ рўз бер.

Худонинг сифатларини таърифларкан, Юсуф Ҳос Ҳожиб шундай дейди:

7: Эй, ягона (худо), бўлак бирор (нарса) сенга бирика
олмайди,
Сен ҳамма аввалларнинг аввали, азал ва охиридирсан.

Бу тавсиф тўрт ярим аср оша Навоий ижодида ҳам зуҳур топади:

Аввал ўзунг, охиру мобайн ўзунг,
Борчага холиқ, борига айн ўзунг.
(«Ҳайратул-аброр»)

Аллоҳни тан олиш борасида муаллиф шундай фикр билдиради:

26: (Уни) қандай: қасрда деб суриштирма, ўзингни тутгин,
(Уни) қандай, қанақа, қаерда демасдан эътироф қил,
сўзингни чўзма.

Яъни, XI асрда туркий ҳалқларга иймон келтириш дастурини беради Юсуф Ҳос Ҳожиб. Бу фикр 375—387 мисраларда ҳам боз қайтарилади. Иймон келтириб, Худонинг марҳаматига эришиш учун:

1238: Кўнгил ва тилингни тўғри тут, худога тоат-ибодат қил,
(Бу дунёга) инонма, кейинги ишларингга ҳозирлик кўр,—

дэйилади. Бу фикр бошқа мисрада янада мукаммал шаклда талқин этилади:

1365: Үзинг тоат-ибодат қилиб тинма, гуноҳдан сақлан,
тоат-ибодатдан бошқа (хеч бир нарсадан) сенга баҳра
бўлмайди.

Муҳаммад алайҳис-с-салом шахслари ҳам «Қутадғу билиг»да ислом ақидалари маромида ёритилади:

35: У худодан сенга хабарчи эди,
Сен сўнг тўғри йўлга кирдинг, эй баҳодир.

Пайғамбарнинг инсоний фазилатлари шундай тавсифланади:

36: У отасини, онасини фидо қилди,
Тилаги уммат эди, унга (тўғри) йўл кўрсатиб берди.

Пайғамбар етим қолиб, барча ақл-заковатлари ва ҳаётларини мусулмонлар равнақи йўлида фидо қилгани шу тариқа туркий адабиётга сингиб кирган. «Ота-онасини фидо қилди» ибораси араб шеъриятида кенг тарқалган бўлиб, адабиётлараро жараёнига ёрқин мисол бўла олади. Инсонлар ва шу жумладан пайғамбар ҳам Аллоҳ наздида баробар экани қуидаги сатрларда ифодаланган:

1186: Улім кўриб юз-хотир қиласиган бўлганда эди,
Табаррук паёмбарлар (ўлмай) туриб (ҳаёт) қолган
бўларди.

Бу сатрлар Қуръони карим оятларига ишора: Уҳуд жангига Муҳаммад алайҳис-салом яраланиб, юзлари қон бўлади ва мусулмонлар ҳайратда қолади. Шунда, Пайғамбар ҳам бир одам, вақти келиб оламдан ўтиши муқаррарлиги ҳақидаги оят нозил бўлади. Кейинги мисра ўзбек тилига мақол сифатида киргани ўзбек халқ ижоди ислом руҳнлари билан шажаравий боғлиқлигини намоён этади:

1188: Бу дунё бир работди, унга келиб тушган кўчади,
У(дунё) фил ва аждаҳо каби ер экан, яна очиқади
(яъни еб тўймайди).

Ўзбек адабиётининг тадрижий тараққиёти ҳақида қуийдаги мисра ҳам далолат беради:

163: Сўзингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин,
Тилингга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин.

Қуръоний мавзуларнинг «Қутадғу билиг»да тўғри ва ўринли талқин этилганига З-суранинг 59-оятидаги

«...худди Одамнинг мисоли кабидурки, уни тупроқдан яратиб, сўнгра «бўл», деди, Бас, у (жонли одам) бўлди»— оҳангининг янграши мисол бўлади:

3: У истади (ва) яратди, мавжудот (шундай) вужуд бўлди,
Воҳид (худо) «бўл» деди, истаган ҳамма парсалари бўлди.

Урғу «Бўл» сўзига тушгани ва айнан шу сўз радиф бўлиб келиши маънони теранлаштиради. Маъно ва шакл уйғунлиги кейинчалик ўзбек адабиётининг ривожида ўзининг камолига етади.

Минг йил аввал пайғамбарнинг туркий халқлар ҳаёттида тутган ўрни қўйидаги мисрадан аён:

29: Мени севикли паёмбар билан кўтар,
Қиёмат куни қўлимдан тутувчи қил.

Жазо куни ўлик ва тириклар саф туриши ва бегуноҳлар Пайғамбар қаторида бўлиши шу тариқа ўз ифодасини топган. Бу мавзу Машраб ижодида ҳам акс этган:

Мен Сирот устидадурман, тут қўлимни, Қосимо,
Ҳар бир қурбига лойиқ бир улуғ манзил керак.

Инсоннинг Худо томонидан яратилгани ва унинг асил фазилатлари ҳақида шундай дейилади:

144: Сэчу (яъни ҳар ерда маълум худо) инсонни яратди,
Танлади,
Унга ҳунар, билим ва уқув берди.

«Сэчу»нинг ҳар ерда маълумлиги маконни билдиrsa, XI аср бошидаги илк туркий асарда номланиши замон тушунчасини ифодалайди. Шу тариқа Аллоҳ туркий ва жумладан, ўзбек халқи тарихида ўзининг макон ва замон кўринишини намоён этади.

Ислом динининг инсонлар учун ҳаром-ҳалолни ҳудудлаб қўйгани қўйидаги мисрада муҳрланади:

1322: Ичимлик ичма, зинҳор зинога яқинлашма, ҳазар қил,
Бу икки нарса гадолик тўнини кийгизади.

Ҳар бир ишда сабр-тоқат гўзаллиги ҳақидаги ғоя «Юсуф» сурасидан бошланиб, ислом адабиёти тарихида алоҳида ўрин эгаллаган. «Қутадғу билиг»нинг қўйидаги мисралари бунга ёрқин далил:

1297: Барча ишда ҳам шошилма, сабрли бўл, ўйлаб кўр,
Сабрли кишилар орзуга етади.

1304: Қачон қаҳринг келса, ўзингни тут, сабрли бўл,
Сабрли кишининг севинчи олдида.

- 1305: Сабр қилган киши нима дейди эшитгин,
Киши сабр қилса, бузилган ишини тўрилайди.
- 1306: Қиши сабр қилса, ўз тилагини топади,
Сабр қилиб тургувчи киши оққуш тутади.
- 1307: Агар меҳнат-машаққат ёки қайғу-алам юз урса,
(Уларга) сабр қилсанг, ўйгингдан шодлик келади.
- 1309: Сабр қилгин, сабр қилмоқ кишиларнинг одати,
Сабр қилса киши бамисоли кўкка ҳам йўл топади.

Сўнгги мисра Юсуф пайғамбарга ишора: У сабр орқали юқори мартабага эришади, қамоқда ҳам иймони бут бўлгани туфайли сабр билан обрў топади.

Ҳозирги ўзбек адабиёти энди асл сарчашмаларига юз ўғирмоқда. Бу борада минг йиллик тарихимизга турли мағкуравий афиүнлардан холис назар солиб, қадриятларимизни тиклаш лозим. Улкан меросимизни ўрганмай, билмай туриб келажак авлодларга насл-насабимиз, кимлигимизни етказа олмаймиз. Юсуф Хос Ҳожиб айтганидек:

- 187: Қишидан кишига (қоладиган) мөрос сўздир,
Мерос сўзни (яъни оталар сўзини) тутсанг, нафи юз-юздир.

Юсуф Хос Ҳожибининг уммонга тенг асари ўзининг таъбири билан айтганда:

- 226: Ўзинг мангудиши эмас, отинг мангудир,
Оting мангудиши бўлса, ўзинг мангудирсан.

АЛЛОҲГА МАФТУН ПИР ЯССАВИЙ ҲИҚМАТЛАРИ

IX асрда ислом дунёсининг энг йирик муҳаддиси Имом Бухорий Мовароунахрда араб тилида ижод этган бўлса, уч аср оша Ҳўжа Аҳмад Яссавий ислом ақидаларини туркий тилда шарҳлашга эҳтиёж сезиб, қудратли тариқатга асос солади. Яссавий ҳикматларидан бирида мазкур ҳолни шундай шарҳлайди:

Оят, ҳадис, маъноси турки бўлса мувофиқ,
Маънисига етганилар, ерга қўяр бўркини.

Иккала аллома фаолияти ҳам ўзбеклар тарихида Ўйғониш ва Юксалиш даврининг сарчашмалари деб тан олиниши лозим. Диний марказ сифатида донғи оламга кетган Бухорои шариф ва туркийларнинг муқаддас ери ҳисобланган Сайрам гўёки икки қутб бўлиб, уларнинг ёғусида ўзбеклар куч-қудрат симирган. Шу замирда Амир Темурнинг жаҳонгирлиги, Ибн Сино, Форобий, ал-Хоразмий ва Берунийларнинг донишмандлиги юзага келган.

Мозийда фатво бўлмагани туфайли ўзбек донишмандлари Қуръон ва Ҳадис маъноларини туркийда қайтара олишмаган. Аммо илоҳий матн маъноларини юртдошлирига она тилимизда шарҳлашга ҳаракат қилишган. Сўнгги 70 йиллик ислом нуридан бебаҳралик туфайли ўзбеклар диндан узоқлашди ва ҳозирги кунда илоҳий матнлар маънолари ўзбек тилида шарҳланиши мақсадга мувофиқдир. Бу ўринда иқтидорли ёш шоир Исройл Субҳоний муножоти ҳақдир:

«Раббано, ато этган лафзларинг бунчалар барно, бунчалар зебо, бир-биридан бунчалар ҳам таманноли бўлмаса — тасаннолар сенгаким, илло турк алфози бунчалар ҳам раъно бўлмаса! Боболарим форсийда шеър битмиш, нечуқким туркийнинг ўзи шеър!

Туркий лафзингни ўз паноҳингда асрагайсан, Раббано!»³⁵.

Аҳмад Яссавий Сайрамда таваллуд тонган бўлиб, аниқ йили номаълум. 1166—67 йилларда вафот этган. Муҳаммад алайҳи-с-салом умрларини ўзига муқаддас билиб, 63 ёшида ер ости чиллахонасига кирганини ҳисобга олсак, XII асрнинг бошида тўғилган бўлади. Ер остида, ривоятларга кўра, 125 ёки 133 йил умр кўрган десак, XI аср ўрталарида тўғилганини тан олиш керак.

Яссавий тўғилган сана номаълумлиги ҳам рамзий бўлиб, Тоҳир Қаҳҳор келтирган ривоятларга бурканган³⁶. Муҳаммад пайғамбарга ҳазрат Жаброил жаннатдан келтирган хурмолардан бир донаси ерга тушади. Шунда Пайғамбар бу хурмо Аҳмад Яссавий қисматидир, деб башорат қиласи. Ҳикматларда ҳам бу ҳақда маълумот берилган:

Меъроҳ узра Ҳақ Мустафо руҳим кўрди.

Яни, Муҳаммад Пайғамбар бир кечада Маккадан Куддусга ва у ердан Аллоҳ ҳузурига кўтарилиганида Яссавий руҳини кўради ва унинг қачон туғилишини башорат қиласи. Тоҳир Қаҳҳор «баъзи манбаларда 400, баъзиларида 700 йил аввал деб кўрсатилган», дейди. Аммо бу муддат Ҳикматларда аниқ ва равшан белгиланган. Пайғамбар Яссавийни фарзандим деб, туғилиш йилини

Тўрт юз йилдан кейин чиқиб уммат бўлғай,— дейди.

³⁵ Исройл Субҳоний. Бухоронинг етти юлдузи. Тошкент, 1992.

³⁶ Тоҳир Қаҳҳор. Аҳмад Яссавий. Узбекистон адабиёти ва санъати. 1990, 26 октябрь.

Ориф Усмон «Яссавий ҳижрий V аср ўрталарида Сайрамда Шайх Иброҳим оиласида дунёга келган», де-
йиши түғри³⁷.

Аҳмад Яссавий Юсуф Ҳожиб анъаналарини да-
вом эттириб, Ислом ва Қуръон мавзуларининг ривожини
туркий ислом шеъриятида янги поғонага кўтаради. Пир
даврига келиб араб ва форс тилларида тасаввуф тўрт
асрлик тарихга эга бўлиб Яссавийга муносиб замин
тайёрланган эди. Бу борада Иброҳим Ҳаққул фикри
теран: «(Яссавий) туркий халқлар оғзаки ижодиётида
яратилган диний қўшиқлардан илҳомланган. Яссавий
ҳикматларининг вазни халқ шеъриятидан ўзлаштири-
либ, поэтик образларнинг кўпчилиги оғзаки адабиётдан
олинган»³⁸.

Тарих ўз оқимида адабий усулларни афсоналар, қа-
димий ёзувлар, халқ оғзаки ижоди, олдинги алломалар
асарлари замираиди қориштириб, Яссавий ижодида му-
жассамлаштирган десак тўғри бўлади.

Буюк тариқат асосчиси Аҳмад Яссавий Ҳақ васлига
етолмаганининг сабабини яхши англаб, бош эгади:

Олтмиш учга ёшим етти, ўтдим ғофил,
Ҳақ амрини маҳкам тутмай ўзим жоҳил.
Рўза намоз қазо қилиб бўлдим коҳил,
Емон излаб, яхшилардан кечдим мано (44-бет.).

Қоғиядош сўзлар ҳикмат маъносини теранлаштиради:
«ғофил — жоҳил — коҳил (суст) — мано». Яъни, ғафлат
бошиб, жоҳилликда суст бўлдим, демоқчи. Бундан аён-
ки, ғафлат муддати — ҳаётининг 63 йили. Жоҳиллигига
сабаб — Аллаҳ амридан чекингани. Мусулмонларда эса
Исломдан аввалги давр Жоҳилийя деб аталган. Бу
қадар сўстлигининг сабаби — Ислом фарзларидан рўза
ва намозни тўлиқ ўтамагани.

Аллоҳга етказувчи «муҳаббатни жомин ичмай, аҳли
аёл, хонумондин тугал кечмай» Яссавий шаҳодат бера-
ди-ки: «Шайтон ғолиб, жон берарда шошдим мано». Шундан сўнг 63 ёшида ер ости чиллахонасига киргач,
«нури имон элтдим мано», деб, ҳаёт йўлини йилма-йил,
ҳикматларга пуркаб ҳикоят қилади. Ҳар бир яшаган
йили ҳикмат маъносида ойдинлашади. Ҳикматларнинг
архитектоникаси чиллахонада ёзилганидан далолат бе-
ради. Ҳар бир яшаган йилини таърифлаб, тўртлик оҳи-

³⁷ Ориф Усмон. Ваҳдат шаробин ичдим..., Мулоқот, 1991, 6-сон, 51-бет.

³⁸ Иброҳим Ҳаққул. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Тош-
кент, 1991, 12—13-бетлар.

рида 63 ёшида «кирдим ерга» дейди. Ориф Усмон «...Хўжа Аҳмад Яссавийнинг аниқ илмий таржимаи ҳоли шу пайтгача Шарқ тасаввуфи ва тасаввуфий шеърият мухлислари олдида маълум бўлмай келаётганини» таассуф билан қайд этади³⁹. Аммо Яссавий ҳикматларининг ўзи Пир таржимаи ҳолини ёритишда асосий манба бўла олади. Умр поғоналарини ислом ҳақиқати ва тариқат мақомларига боғлаб ҳикоят қиласди. Бу борада илоҳий ҳақиқат ва шахсий тариқат қўш ҳолатда жилоланиб умр йўлига кўп оҳангли маъно бағишлайди. Солномасининг термасини келтиришнинг ўзи бу фикрни исботлайди.

Тўқиз ойу тўқиз кунда ерга тушибидим,
Тўқиз соат туролмадим кўкка учдим.

Бир ёшимда арвоҳ менга улуш берди,
Неки ёшда пайғамбарлар келиб кўрди,
Уч ёшимда чилтон келиб ҳолим сўрди.

Тўрт ёшимда Ҳақ Мустафо берди ҳурмо.
Ҳа, бу Пайғамбарга Жаброил жаннатдан келтирган ўша
ҳурмо.

Беш ёшимда белим bogлаб тоат қилдим.

Олти ёшда турмай қочдим халоиқдан.

Етти ёшда Арслон бобом излаб топди.

Саккизимда саккиз ёндин йўл очилди,
Ҳикмат айт деб бошларимга нур сочилиди.

«Нур» сўзи ислом ва тасаввуфда рамзий маъно англатиб, Муҳаммад алайҳи-с-салом ҳам Ислом нури ҳақида айтганлар. Қуръонни нурга ўхшатишади. 24-суранинг 35-оятида эса аниқ айтилган: (Алоуддин Мансур таржимаси: «Оллоҳ осмонлар ва Ернинг нуридир, (яъни, уларнинг барчасини ёритиб, кўзга кўрсатиб — йўқдан бор қилиб тургувчидир). У зот нурининг (мўмин банда

³⁹ Ориф Усмон. Ваҳдат шаробин ичдим..., 51-бет.

қалбидаги) мисоли ҳудди бир токча, унинг устида бир чироқ, бу чироқ бир шиша ичида, у шиша гўё бир дур юлдузга ўхшайди. У (чироқ) на шарқий ва на гарбий бўлмаган (балки заминнинг қоқ марказидаги) муборак зайдун дарахтининг (мойидан) ёқилур. Унинг мойи (тиниқ, мусафволигидан) гарчи унга олов тегмаса-да (атрофни) ёритиб юборгудек. (Олов теккач эса) нур устига нур (бўлур), Оллоҳ ўзининг бу нурига Ўзи хоҳлаган кишиларини ҳидоят қилур. Оллоҳ одамлар (ибрат олишлари) учун (мана шундай) мисоллар келтирар».

Шак-шубҳасиз, Аҳмад Яссавий Аллоҳ нури еткан инсонлардандир. «Нурига — ўз нурига» сўзини муфасирлар ё Аллоҳга ё мўмин бандага нисбат берилиши ҳақида кўплаб фикр-мулоҳазалар юритишган. А. Мансур таржимасида Аллоҳнинг нури деб талқин этилмоқда. Олтинхон тўра таржимасида ҳам «Худо ҳидоят қилур ўз нурига» дейилган⁴⁰. И. Крачковскийнинг русча таржимасида ҳам «Аллах ведет к Своему свету»⁴¹ дейилган. Абдулла Юсуф Али ҳам инглиз тилига «ўз нурига» деб ўғирган⁴².

Айтишларича, VIII асрда Ибн ал-Мукаффа Қуръонга соxта нусха яратиб, уни шарқона сўзлар билан бошлиган: «Мехрибон ва марҳаматли Нур номи билан...»⁴³. Ф. Роузентал фикрича, бу ҳолатда моний ва балким зардуштийлик таъсири сезилади⁴⁴. Айнан Ғарб олимларининг фикрича эса зардуштийликнинг бешиги — кўҳна Самарқанд. Ат-Табарий ва аз Замаҳшарийга таяниб Ф. Роузентал Қуръондаги нур сўзини — «унинг воситасида осмондаги ва ердаги жонзотлар билиш ва ўзлигини билдиromoққа қодир», деб хулоса чиқаради⁴⁵. Тасаввуф бобида Мансур Ҳаллож мазкур қуръоний иборани «мунаввирул-қулуб» — «қалбларни равшанлаштирувчи, маърифат берувчи» маъносида талқин қилган. Бу оятга ал-Ғаззолий энг тўлиқ шарҳ бериб, «Мишкот ал-анвар» асарини яратган.

Яссавий айнан шу нур туфайли ҳикматлар айтиш унга мушарраф бўлганини таъкидлайди ва «пиру мўғон май ичирди» дейди. Май бу ерда билим маъносида қўл-

⁴⁰ Қуръони карим. Узбек тилига Олтинхон тўра таржимаси ва изоҳлари. Истанбул, 1991.

⁴¹ Коран. Перевод и комментарии И. Ю. Крачковского. М., 1963.

⁴² The Glorious Kur'an. Translation and commentary by Abdallah Yousuf Ali. LAR, 1973.

⁴³ M. Guidi, La lotta tra L'Islame il Manicheismo. Roma, 1927, intro. c. XVII, text—c. 8, transl.—c. 14.

⁴⁴ Роузентал Ф. Горжество знания. М., 1978. С. 160.

⁴⁵ Ўша асар, 161-бет.

ланган. Яссавий ўзи эриштган билимларини ўзбек халқига ажойиб «Ҳикматлар»ида мерос қолдирган. Иброҳим Ҳаққул ҳақли развишда «Яссавий ҳикматларидағи марказий образ — Оллоҳ» ва «ўзбек адабиётида полифоник тафаккур Аҳмад Яссавийдан бошланган», деб таъкидлайди⁴⁶.

Яссавий ижодидаги мазкур кўпоҳанглилик, кўпмашюйлик эса Қуръони карим таъсирида юзага келгани ўз-ўзидан аён. Шу сабаб Қуръонни арабларнинг ўзлари ҳам жилд-жилд тафсирлар ёрдамида ўқиб тушунади. Фарб олимларининг фикрича, ғарб адабиётiga хос полифониянинг ўзи шарқ адабиёти таъсирида ривож топган. Афесуски, ўзбек адабиёти сўнгги аср давомида бир қатламли, жўн, мадҳиябоз, фикр оқими ўта саёз бир балога мубтало бўлиб, минг йиллик меросини тушунолмай қолди. Фарбдан келган Фолкнер ва Улисс асарлари рус тилидан ўзбек тилига ўгирилсанда, улар ўзбек китобхонининг савиясига тўғри келмайди ҳам дейиши. Ҳолбуки, меросимизга назар ташласак, Фарб олимумадиблари мазкур полифонияни ўзимизнинг алломалардан мерос қилиб олган бўлиб чиқади. Яссавий ҳикматларида қуръоний иборалар ишлатилиши кўпоҳангли таҳаййулга йўл очиб беради. Ислом ақидалари ва диний рисолалардан боҳабар бўлган ўша давр ўзбек китобхони сатрнинг кўз илғамас зоҳирӣ ва ботиний оқимларини тушуна олган. Ибн Сино «Шеър санъати» рисоласининг шеър мавзулари ҳақидаги бобида Аристотелнинг масал ва шеърий афсоналар ҳақидаги фикрларини келтириб, ўз фикрини шундай билдиради: «Энди бу борада сенга айтсак, шеъриятдаги ҳар бир масал ва афсона ўзидан бошқа бир нарсага ташбиҳ қилиб олинган бўлади, ё бўлмаса ўша нарсанинг ўзини қандай бўлса, ўша тарзда олмасдан, балки аксинча, уни бир-мунча ўзгартирилган ҳолатда олинади. Нарсанинг ўзи қандай бўлса, ўшандайлигича олмасдан, уни сал ўзгартирилган тарзда олинганига истиора ё мажоз дейилади. Шеър мана шу истиора билан мажознинг таркибидан ҳосил бўлади»⁴⁷.

Мажозни тушуна билиш учун эса ўзбек китобхони ўз замонасиининг диний, маданий, лисоний ва бошқа турли илмларидан хабардор бўлиши, айтилмай қолган гапни чуқур фаҳмлаши лозим эди.

⁴⁶ Иброҳим Ҳаққул. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Мулоқот, 9-сон, 18-бет.

⁴⁷ Абу Али Ибн Сино. Шеър санъати. Саломон ва Ибсол. Төшкент, 1980, 98-бет.

Шўролар даврида эса сўзниг ташқи шаклига маҳлиё бўлиб, Яссавий ижодига хос бўлмаган оҳангларни «кашф» этиш билан «егти жаҳон овораси» бўлдик.

«Яссавийга нисбат берилган шеърларнинг барчасини жамлаб, илмий таҳлил орқали объектив баҳолаб, янги давр ўқувчисининг мағкурасидан ўрин оладиган жиҳатларини кўрсатиб, оммага етказиш адабиётшуносликнинг бурчи»⁴⁸. Иброҳим Ҳаққул айтган бу фикр теран, чунки асло унутмайликки, янги давр ўқувчисининг мағкураси мустабид афиүни билан чалғитилган. Шу сабабли азалий, ислом ва тариқатга асосланган эътиқодимиз қадриятлари ва асил мағкурани қайта тиклаш адабиётшуносликнинг келгусидаги вазифасидир.

Пир Яссавий асос солган туркӣ тасаввуф адабиётининг рамз ва мажоз санъатини, сўз бойлиги хазинасини ўрганиш тасаввуф сулукларининг турли адабий йўналиш ва асарларга, бир сўз билан айтганда жаҳон адабий жараёнига ўтказган таъсирини ўрганишга ёрдам беради.

Ўзбек тасаввуф адабиётида худди Қуръондагидек хилма-хил тушунчалар, тарихий ва диний ҳодисаларга рамзий ишоралар, қайтаришувчи ва етакчи мавзу ва сюжетлар бараварига келиб, ўқувчини билим ва таҳаййул оламига ҳоди этади. Бунга энг ёрқин мисол — Қуръонда эллипсис ишлатилиши, яъни матн мантиқидан келиб чиққан равишда, англаниши осон бўлган бирор сўзниг, кўпинча кесимнинг ёзилмаслиги. Бу ҳолда ўқувчи етишмаган сўзни ўз диний, адабий, фалсафий ва мантикий тушунчасига яраша, эътиқоди ва тафсирларга таянган ҳолда тегишли хулосалар чиқариб олади. Ақл торларининг чертилиши эса комил инсоннинг зуҳур тошишига калит. Адабиётшунослик лугатида эллипсис аксарият ҳолларда ҳалқ мақоллари, ҳикматли сўзлар ва фразеологизмларда учрайди деб айтилган. Дарҳақиқат, Қуръон матни диалог — Аллоҳнинг ўз пайғамбарига айтган насиҳатлариdir. Қуръонда эллипсис ишлатилишига мисол — «Юсуф» сурасининг етакчи мавзуи «ас-сабру жамилун — гўзал сабр» ибораси. Сабр сўзи Қуръонда 70 маротаба учрайди, ҳеч бир сўз шу қадар кўп қўлланилмаган. Айнан шу ибора ўзбек ҳалқ мақолларига асос солган ва Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнайи ва Аҳмад Яссавий ижодидан кенг ўрин олган. Айнан шу эллипсис туфайли Қуръони каримнинг турли таф-

⁴⁸ Иброҳим Ҳаққул. Аҳмад Яссавий // Тасаввуф ва шеърият. Тошкент, 1991, 35-бет.

сирлари ва тасаввуфдаги пирларнинг ёзма ўгитларини шогирдлар томонидан ривожлантилиши воқеъ бўлган Мажоз ва эллипсис ишлатилиши маънони фақат белгилаб, уни тугал шаклга етказмаган. Тарихий муҳит, воқеелик шарт-шароитлари шу тариқа маълум даражада четлаб ўтилган ва асар келажак авлодларга фикр-мулоҳаза юритиб, ўз воқеликларига мос озуқа олишга даъват этган. Балким буюк сўз устозларининг асрлар оша авлодлар билан суҳбат қуриб, насиҳат ва маслаҳат берса олиш қобилиятининг сири ҳам шундадир.

Пир этагини ушлаб, ҳақиқатга ошиқона талпинувчи муҳлис ўз мақомида қотиб қолмаган, аксинча доимий равишда мукаммаллашган. Катта ва кичик олам сирасорларини бетиним ўрганиб, сулукида юксалган. Суфий борлиғини ишқ оташида ёндириб, Худо томон ошиқкан. Мансур Халлож Мұхаммад алайҳи-с-салом-нинг маърифат нури гўё зулматни тарқатган шам (сирож)га ўхшатган⁴⁹. Пир Яссавий бу борада шундай деган:

Хар ким ҳақни қули бўлса ҳаққа ёнсун,
Ҳаққа ёнмас ўзни деган нари борсун.

Пир муридларидан Сулаймон Боқирғоний мазкур фикрни Йслом ақидаларига мувофиқ равишда ойдинлаштирган:

Саҳарда уйғонубон зикр айғил,
Ҳулумни фикр этибон кўнгул тирғил.
Қоропғи гўринг ичра ҷароғ этгил,
Чироғинг намоз туур, қилмасмусан!⁵⁰

Ҳозирги кунда шоир Тилак Жўра бу сулукни давом эттириб,

Қайрилиб-қайрилмас умид оғочи,
Айрилиб-айрилмас умид оғочи,
Унинг йўлларига бандиман-банди
Бандилик бағримда оловлар ёнди,—
дейди.

Пир Яссавий «ҳақ йўлида ёнмоқ» иштиёқи билан Арслонбоб⁵¹ таълимини олгач, Бухорода Ҳўжа Юсуф Ҳамадонийга шогирд тушади. Юсуф Ҳамадонийнинг «биринчи устоди Шайх Абу Али Формадонийдир. Бу шайх имом Фаззолийни ҳам тарбиялаб вояга етказган. Сўнгра Мовароуниҳрга келиб Самарқанд, Бухоро ва

⁴⁹ Ислам. Энциклопедический словарь М., 1991. С. 270.

⁵⁰ Боқирғон китоби. Тошкент, 1992. 27-бет.

⁵¹ XII асрда бунёд этилган Арслонбоб мақбараси ҳозирги кунда Чимкент вилоятининг Жовилдер қўрғонидан шимол тарафда жойлашган бўлиб, зиёратгоҳга айланган.

Марв шаҳарларида ўз таълимотини давом эттиради... Бухоро шаҳрида хонақо қуриб, Хурросон ва Мовароуннахр элларидан келган кўплаб шогирдларни тарбиялаб вояга етказади... Унинг Марвдаги қабристони ўз замонасининг «Хурросон қаъбаси» деб аталган эди»⁵².

Шу пир этагини ушлаб Аҳмад Яссавий ҳам тариқат йўлига киради:

Шамъ излаб шогирд кирдим парвонаға,
Ахгар бўлиб, куйиб, ёниб, учдим мано.

Шам — ҳақиқат излаб, муршид — парвонаға таъзим этади ва маърифат йўлида учади. «Ахгар» — қип-қизил чўғ дегани. Яъни, илмга интилиб, мисли парвона ёниб, сўнг илм — таҳаййул фазосида учади. Шу туфайли ўз йўлини ва ўзгалар дилини ёритишга мусассар бўлади. Шам сўзида мажозий маъно бор. Тажаллиёт деганда Ал-Ҳақнинг янгидан-янги исм ва сифатларининг борлиқда кўриниши, жилваланиши тушунилади. Қуръони карим 7-сурасининг 143-оятида Аллоҳ кўриниш берганида төғхокка айланади:

«Қачонки Мусо (ваъдалашган) вақтимиизда (Тур тоғига) келиб, Парвардигори унга (бевосита) сўзлагача, у: «Парвардигорим, менга (жамолингни) кўрсатгни, Сенга бир қарай», деди. (Оллоҳ) айтди: «Мени-ку ҳаргиз кўролмайсан. Аммо манә бу тоққа боқ. Бас, агар у (менинг назарим тушганида) ўрнашган жойида тура олса, сен ҳам Мени кўражаксан». Қачонки Парвардигори у тоққа кўринган (назар ташлаган) эди, у майдада бўлиб кетди ва (бу ҳолни кўрган) Мусо ҳушсиз ҳолда ийқилди...» (А. Мансур таржимаси).

«Тажалла» феъли «кўринган (назар ташлаган)» деб ўғиришган. XIV аср файласуфи Ҳайдар Амулий тажаллиётни шам оловининг саноқсиз тошойналардаги акси билан таққослаган. Шам олови ҳақиқатдир, унинг кўзгулардаги шуъласи эса зулматdir⁵³. Яссавий шам (Ал-Ҳақ)га етиш ниятида шуъла ортидан қувганича парвона бўлиб учади. Эллипсисни назарга олсак, парвона шамга етгач, куйиши муқаррар⁵⁴.

Фарб олимлари кўзгу образи Шекспир ижодига хос деб таъкидлайдилар. Рус халқ оғзаки ва ёзма адабиётида ҳам кўзгу тимсоли кенг тарқалган («свет мой зер-

⁵² Ориф Усмон. Ваҳдат шаробин ичдим..., 51—52-бетлар.

⁵³ Ислам. С. 220.

⁵⁴ «Парвона» сўзи мажозда берилган, «мафтун» маъносида ишлатилади.

кальце, скажи...»). Аммо бу образлар Шекспирдан ярим минг йил аввал ислом ва ўзбек тасаввуфининг таҳаййул меваси сифатида Farbga тортиқ этилган эди. Файбулла ас-Салом қатор адабий тадқиқотларида Шекспир ва Хусусан Кристофер Марло ўз образ ва сюжетларини шарқ адабиёти ва тарихидан олган деган фикриң анча олдин тарғиб этганлар. Нажмиддин Комилов фикрича ҳам Данте ўз сиймоларини Меъроҳ қиссаларидан ўзлаштирган.

Ўзбек тасаввуфининг пири Аҳмад Яссавий тинмай Аллоҳни зикр этади, унинг йўлида парвона бўлиб ёнади ва натижада:

Ному нишон ҳеч қолмади **ло-ло** бўлдим,
Оллоҳ ёдин айта-айта илло бўлдим,—

дейди у. Ажратиб кўрсатилган ички қофиядош сўзлар маъносида Пир ҳиқмати ойдинлашади. Шаҳодат сўзларининг «**ло илоҳа илло-л-лоҳа**»—«Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ» орасида ажратиб кўрсатилганлари «**ло — йўқ**» ва «**илло — ўзга**» дегани. Яъни, Яссавий «**ло-ло**» «**йўқ-йўқ**» бўлди, яъни нафсини тийиб «**илло — ўзга**» бўлди. Ўз моҳиятини Аллоҳга бўйсундирди ва:

Холис бўлиб, муҳлис бўлиб, фано бўлдим,
Фано菲尔лоҳ маконига ошдим мано.

Яссавий дунё икир-чикирларидан **холис** бўлиб, шундан сўнггина **муҳлис** — чин юракдан Аллоҳга берилди. Натижада **фано** бўлди.

Яссавийнинг мазкур ҳиқмати Мансур Халлож (858—922) таърифлаган сўфий ҳаётининг уч босқичига мувоғиқ келади. Биринчиси — тахзиб, яъни нафси тийиш ва ҳавасдан холис бўлиб, тавба қилиш. Яссавий «**холис бўлиб, муҳлис бўлиб**» деган сатрлари билан биринчи босқични таъкидлайди. Ўзбек тилининг изоҳли лугатида холис — «ўз манфаатини кўзламайдиган; тама қилмайдиган» маъносида шарҳланади⁵⁵. «Муҳлис» Жомий таъбирича ўз аъмоли туфайли эришилувчи мақом, «муҳлас» эса Аллоҳ инояти или етиладиган мақом⁵⁶.

Иккинчи босқич — тоза, покиза бўлиш. Яъни, инсоний сифатлардан ҳояи қилувчи босқич бўлиб, «**фано аън авсоф ал-башарийа**»га эришиш дегани. Шу маънода Яссавий иккинчи босқичда «**фано бўлдим**» дейди.

⁵⁵ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2-том. Тошкент, 1981, 329-бет.

⁵⁶ Ислам. С. 155.

Тасаввуфда «фано» «ўзлукни йўқотиб, бутун борлиқдан кечиб, илоҳиятга сиғиниш»⁵⁷ дегани.

Тасаввуфда фано — ўзлик сифатларини йўқотиб, уларни илоҳий сифатларга алмашишини билдиради. Шажаравий жиҳатдан Қуръони карим 55-сурасининг 26-боятига истинод келтирилади:

كُلْ مِنْ عَلَيْهَا فَانٌ

Куллу ман аълайҳо фонин.

А. Мансур таржимаси: «(Ер) юзидағи барча жонзот фонийдир».

Олтинхон тўра таржимаси: «Кимки йир юзидаур фано бўлғучидур».

Уйғурча: «Заминнинг устидаки ҳамма йуқиладу».

Инглизча: «All that is on earth will perish» (Ернинг устидаги барча нарса йўқ бўлади).

Иккала ўзбекча таржимада аслият маъноси тўлиқ-лигича сақланиб, диний истилоҳот сифатида «фоний», «фано» сўzlари аниқ ифодаланган. Уйғурча ва инглизча таржималарда бир-биридан мустақил равищда «йўқолади», «йўқ бўлади» сўzlарининг ишлатилиши «фано» маъносини тўғри англашга ёрдам беради. Аммо фақат шу сўз билан уни тушунтиришга уринганимизда, бу сўзниг маъноси ҳам йўқолган бўларди.

Яссавий наслидан бўлмиш шоир Атоийнинг етти байтлик ғазалида шундай мисралар бор:

Ориф эсанг ўзунгга бил фақру фано мақомида,
Аҳли дил остонасин тожи сариру салтанат.

Бу ғазални таҳлил қилган Сайфиддин Рафиддин қуийдаги фикрни билдиради: «Баъзи тадқиқотларга кўра, ориф — Аллоҳ ўйлида фано бўлган, лекин «бақоун биллоҳ» бўлмаган зотдир. Ориф — ўзликдан кечиб фони бўлишдир, деган қараш ҳам бор. Зоро, чин ориф инсони комилнинг ўзидир. Орифнинг ўзлигини кўрсатадиган фазилатлардан бири «фақр» мақоми шартларини тўла-тўқис адо этиши билан белгиланади. Фақр — Тариқат ўйлига кирган орифнинг тўртинчи мақомидир. Бу мақомнинг уч босқичи бор, биринчи босқичда ориф нима топса шунга қаноат қиласи. Иккинчи босқичда ориф дунё молидан кечиш ҳиссини тарбиялайди. Сўнгги босқичда у шундай бир даражага эришадики, у учун бойлик ва камбағалликнинг фарқи бўлмайди. Хуллас, бу

⁵⁷ Узбек классик асарлари учун луғат. Тошкент, 1953, 365-бет.

мақомда Ориф учун ҳақиқатта етишга ҳалал берадиган ҳеч нарса қолмайды»⁵⁸.

Байтдаги «аҳли дил» ибораси тасаввуф истилоҳоти бўлиб араб тилида «қалб» шаклида маълум. VIII асрда ижод этган Ҳасан ал-Басрийдан бошлиб Яссавий даврига қадар тасаввуфнинг 5 асрлик тарихини қомус шаклида тўплаган Ибн ал-Аърабий шеърларидан бирита шундай дейди:

Менинг қалбим турли шаклни олишга қодир бўлди:
Гоҳида у охулар яйлочи, гоҳида насроний роҳиблар монастири,
Гоҳида бут-санамлар ибодатхонаси, гоҳида ҳожилар Каъбаси,
Гоҳида Таврот авроқлари, гоҳида Куръон масҳафи.

Мазкур сатрларга изоҳ бериб, «қалб — дил», «такаллуб — ўзгарувчанлик» сўзларини тушунтиради. Ибодатхона деганда, инсонлар санамларда Илоҳ сиймосини қидирган дейди. Бу ҳолат унга қарши мусулмонлар ғазабини қўзғатади. Аммо қалбининг илөҳият кўзгуси эканлиги, ваҳдатул вужуд концепцияси кейинги сўфилар ижодида ўз аксини топади⁵⁹.

Баҳовуддин Нақшбандийнинг «дил ба ёру, даст ба кор»—«қалбинг Аллоҳ зикрида бўлсину, қўлинг меҳнатда» дейиши бежиз эмас.

Демак, ер устидаги барча нарса йўқ бўлади, бу дунё фонийдир, борлиқни эса инсон ўз қалби орқали қамраб, тушуниб олиши мумкин. Фано сўзи доим бақо билан қўш келади. Бақо — абадийлик, чексизлик, мангувлик маъноларида келади. Уткинчи фанога фарқли ўлароқ бақо доимийдир. Айрим сўфилар фано ва бақони мақомат даражасига кўтарғанлар. Ислом уламолари фано ва бақони тавҳид ёғясининг давоми ва ривожи деб қарашибди ва Аллоҳни фақат Уининг оятлари орқали англаш мумкин дейишади.

Фано сўзининг маъноси ҳақида Иброҳим Ҳаққул «Ҳикматлар»га кириш сўзининг 25—28-бетларида фикр билдириб, Аҳмад Яссавий ижодида «фанодан, асосан, «такаббурликка қарши хоксорлик» фалсафаси сифатида фойдаланилган ва уни шу мазмунларда кўпроқ ёритган. «Такаббурлик — адолатнинг ёви», деган хуносага келади у⁶⁰.

⁵⁸ Сайфиддин Рафиддин. Орифлик ва фақру фано мақоми. Узбекистон адабиёти ва санъати. 1992, 29 май.

⁵⁹ Фильшинский И. М. Концепция единства религиозного опыта у арабских суфииев. Суфизм в контексте мусульманской культуры. М., 1989, С. 32.

⁶⁰ Иброҳим Ҳаққул. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар, 27-бет.

Мансур Халлож таърифлаган учинчи босқич — Аллоҳ билан бирлашиш ва ўзлигини йўқотишдан иборат. Фанодан кейинги босқич — бақо. Йисон Худо билан боғланади ва энг олий сифатларга эришади. Нафсини ўлдирмаган инсон Навоий таъбирича «фанолардан бақо анжомига эриша олмайди» («Лисон ут-тайр»). Бу ҳолатга Ҳадис ҳам ишора қиласи: «Ман аърафа нафсаҳу фақат аърафа раббаҳ»—«ким ўзини билса, фақат ўша Раббини танийди». Мансур Халлож бу борада «Ана-л Ҳаққ»—«Мен — Худоман» дегани учун таъқибга учраб, дорга осилади, танаси куйдирилади. Аҳмад Яссавий ҳикматларида бу ҳодисани шундай тавсифлайди:

Шариятдур деб олимлар, буюрдилар,
Коғир Мансур ўлмади, деб куйдурдилар,
Аҳгар қилиб, кулин кўкка совурдилар,
Тогу тузлар «Аналҳақ!» деб турар эрмиш.

Фано борасида Яссавий «фанофиллоҳ маконига ошдим мано», дейди. Пирниңг Туркиядаги маслакдоши Юнус Эмро бу фикри:

Мени менда демса, менда эмасман,
Бир Мен бордир менда — менинг ичвимда,—

деган сатрларида ривожлантиради. Бу мағкура эса, Иброҳим Ҳаққул фикрича ишқидир. Мансур Халложини Оврупога танитган олим Л. Массинъон фикрича ҳам инсоннинг илоҳият билан бирлашуви ишқийдир: илоҳий руҳ сўфий қалбига йўл топиб, унинг сўз ва аъмолларига раҳбарлик қиласи. Бу йўналишдаги қарашларни таҳлил этиб, А. Д. Книш «Ишқ мистик сўфини мудом, ҳар гал мистик кечинмалар авжи бўлмиш билиш объекти ва уни билишга интилувчини бир-биридан ажралмас яхлит ҳолатга келтиради», дейди⁶¹.

Ал-Ҳаққ (яратувчи, мутлақ борлиқ) билан ал-халқ (яратилган борлиқ)ни яхлит бирлик деб қараш тасаввубуда пантеизм, яъни Худо билан табиатни бирдай нарса деб ҳисобловчи диний-фалсафик таълимотни яратган. Бу маънода «Ана-л-Ҳаққ» деган Мансур Халлож, «Бир Мен бордир менда» дегани Юнус Эмро ва «Анал-Ҳақ»ни маъносини билмас подон» деган Аҳмад Яссавийлар ўзларини Аллоҳ яратган борлиқнинг бир зарраси, ўз Яратгувчисига кунгабоқтар сингари интилувчи хокисор бандаде деб тушунишган. Шу сабаб улар ижодида ўзни туп-

⁶¹ Книш А. Д. Учение Ибн Араби в поздней мусульманской традиции. Суфизм в контексте мусульманской культуры. М., 1989. С. 11.

роққа қоришириб, паст олиш мотивлари ҳукмрон мавзулардан бири бўлиб келган. Эсланг, ахир Қуръонда Аллоҳ Одам Атога «Бўл!» дейди ва у бўлади... тупроқдан!

Шуни ҳам унутмайликки, «Ал-Ҳаққ»— борлиқнинг ўзгармас бемакон ибтидоси — Руҳдир. Аҳмад Яссавий ҳам «ломаконга» интилади ва «Доно керак бу йўлларда, поки мардон», дейди. Мансур Халложни авлиё деб тан олганлардан бири Жалолиддин Румий бўлиб, унинг:

Аё сиз, жон чекиб, ҳар лаҳза изларсиз илоҳийни,
Ани излашга ҳожат йўқ, илоҳий — сиз, илоҳий — сиз! —

деган сатрлари Иброҳим Ҳаққуд фикрича «фанога доир энг тўғри шарҳлардан биттаси»⁶². XV асрда шоир Атойй шундай деган эди:

Ҳақиқатда муҳиб маҳбуб бирдир,
Ародин чиққил, эй боди сабо сен.

Аммо шу билан бирга Худога эришиш унга тенг келиш эмаслиги ва сўфилар бу фикрни албатта ширк деб рад этишлари ўз-ўзидан аён. Мансур Халложга эргашганлиги туфайли Яссавийнинг имонига шубҳа қилиш албатта ноўрин. Ахир унинг ўзи айтаяпти-ку «холис бўлиб, муҳлис бўлиб...» деб. Бу эса «Ихлос» сурасининг матни билан тўлиқ ҳамоҳангидир. Мушриклар Аллоҳининг сифат — насабига баён талаб қилишганида «Ихлос» сураси нозил бўлган. Ҳадислардан бирида «Ихлос» сураси Қуръонинг учдан бирига тўғри келиши таъкидланган, чунки Аллоҳининг ягоналиги исботи ва ақидани тузатиш шу сурада берилган, деб маълумот беради Мұҳаммад Юсуф Мұҳаммад Содиқ. Мазкур сурани унинг таржимасида келтирамиз:

1. «У Аллоҳ ягонатир,
2. Барча ҳожатларни сўрайдиган зотдир.
3. Туғмаган ва турилмаган.
4. Ва унга ҳеч ким тенг — ўхшаш бўлган эмас».

Яссавийнинг «холис бўлиб, муҳлис бўлиб» ибораси Аллоҳга тенглик рамзи эмас, аксинча Уни англашда ақлни ишлатиб, нафсдан воз кечган равишда хоксор бўлмоқ дегани.

Аҳмад Яссавийнинг сулукини шарҳлаган «Фақрнома»да айнан шу фикр аниқ насрый баён этилган: «Яна сўфи нафсини кўйдурууб, фано қиласа керак, дунёдан сўзламаса керак, Ҳақ таолонинг ёди билан хушвақт

⁶² Иброҳим Ҳаққул. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар, 27-бет.

бўлса керак ва яна сўфи паст бўлса, Ҳақ таолони тобқай...»⁶³. «Дунёдин сўзламаса керак» иборасига диққатингизни жалб этамиз. Бир тарафдан нафсини тийишга даъват бўлгани билан, иккинчи жиҳатдан эса эришган билимини манманлик қилиб, ҳаммага ошкора қилмаслик тасаввуфнинг айрим оқимларига хос бўлиб, Пир Яссавий ижодида тасаввуфнинг маломатийя мазҳабининг мабдаларидан озуқа олади. Нишопурда IX асрда вужудга келган маломатийя мазҳаби кейинчалик Мовароуннаҳр ва Туркистонга ҳам тарқалади. Маломатийя тариқатининг асоси — инсоннинг Аллоҳ қаршиисида тамомила пастлиги ва ўз аъмолларида сидқидилдан ихлосманд бўлиш ғояси ётади. Маломатийага эргашган сўфи Аллоҳга эришиш учун нафсини ва ҳавасини тийиши шарт. Маломатийя мазҳаби Қуръони карим сурасининг 54-оятига таянган:

«Эй мўминлар, сизларнинг ичингиздан кимдан-ким динидан қайтса, Оллоҳ бошқа бир қавмни келтиурки, Оллоҳ уларни яхши кўрар, улар Оллоҳни яхши кўурлар. Улар мўминларга раҳмдил, динсизларга эса қаттиққўл, бирон маломатгўйнинг ғаломатидан қўрқмай Оллоҳ йўлида курашадиган кишилардир. Бу Оллоҳнинг фазлу марҳамати бўлиб, Ўзи хоҳлаган кишиларга берур. Оллоҳ фазлу карами кенг, билгувчидир» (А. Мансур таржимаси).

Аслиятда мавжуд маломатгўй сўзи тариқат номини белгилаган. Мазҳаб вакиллари ўз замонасининг анъаналаридан фарқли ўлароқ Оллоҳни сукутда зикр қилишга даъват этиб, маломатлар ёғилишидан қўрқмаганлар. Жамиятда умумий тарзда қабул қилинган анъаналардан чекланиш эса маломатлар келтириши аёндир. XX асрда ҳам ҳукмрон мафкурага зид равишда Аллоҳ зикрини қилган орифу одиллар маломатларга қолди. Сукутга даъват этган тариқат жамият киборларига хавфли туюлди. Мазҳаб вакиллари ўз иуқсонларини ошкора этиши эса маломатларни кучайтиради.

Нафс балоларидан бири — ғазабни тиймоқ 7-суранинг 154-оятида «саката — жим бўлди» феъли ёрдамида ифодаланган:

«Қачонки Мусонинг ғазаби босилгач, ҳалиги лавҳаларни (ердан) олди — унда Парвардигорларидан қўрқадиган кишилар учун ҳидоят ва раҳмат бўлур, деб битилган эди» (А. Мансур таржимаси).

⁶³ Фақрнома://Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Тошкент, 1992, 15-бет.

Олтинхон тўра ҳам «саката» феълини «босилди» деб ўтирган.

Мовароуннаҳрда, ўзбеклар орасида тасаввуфнинг сукутда зикр этиш йўналиши ривожлангани диққатга сазовор. Ахир Қуръонда ҳам намоз ўқигандага «бидунал-жаҳри»—«бақирмасдан» дейилган. Мазкур тариқатнинг ўзбеклар шамойилига мос келгани албатта Қадимги маданият анъаналари, диний ақидалар, одоб-ахлоқ мезонлари билан боғлиқ. Инсоният динни қай тариқа қабул қилишидан қатъий назар ,унга ўз ривожланиш қонунларига мувофиқ дастурлар киритиши табиийдир. Нега бўлмаса тасаввуфда оят ва шеърларни овоз чиқарип ашула қилган ва рақснамо ҳаракатлар қилган сўфилар орасида сукут тариқати устивор келарди? Зикр тушиш йўлларининг хилма-хиллиги турли тариқатлар орасидаги руҳий-фалсафий тафовутлардан ташқари албатта жуфрофий хусусиятлар билан ҳам белгиланган. Исломдан олдинги диний ақидаларнинг тасаввуф мазҳабларига таъсир кучини унутмаслик лозим. Бу ҳолат эса тасаввуф мазҳаблари тарқалиш минтақасига қараб бир-биридан фарқ қилганми, деган саволга жавоб беришни талаб қиласди. Фарқ аниқланган ҳолда ҳам тасаввуф яхлит ҳодиса эмас дейишга ҳеч қандай асос ўқ. Айнан шу фарқлар тасаввуф яхлитлигидан дарак беради: ҳар бир яхлит ҳодиса ёки нарса турли кўриниш ва ҳолатларга эга бўлишини ҳеч ким инкор этолмайди. Шу сабаб айрим ғарб олимларининг тасаввуф мазҳабларида насроний фалсафий ва маданий мұхитнинг таъсирини қидиришлари ўринли эмас. Ибн Аърабийнинг сулукини испан шарқшуноси М. Асин Паласиос «насронийлашган ислом» дейиши ўша-ўша европоцентризм ва ирқий тенгсизлик натижасида инсоният тарихига ноилмий мезонлар билан ёндошишни юзага келтирган калтабинликдан ўзга нарса эмас. Айнан Фарбнинг ўзида, Буюк Британияда 1977 йилдан бошлаб «Ибн Аърабий жамоати» мавжуд бўлиб, бу ташкилот сўфилик гояларини Фарбда ташвиқот қилиш билан машғул. Жамоанинг Истамбул ва АҚШда мажалла ва филиаллари ҳам мавжуд. Жамоа вакиллари мутасаввуф меросини бутун башарият хазинасининг дурдонаси деб қарашади⁶⁴.

Сукутда Аллоҳни зикр этиш тарафдорларидан яна бири ал-Фиждувоний бўлиб⁶⁵, у ҳам Хўжа Юсуф Ҳама-

⁶⁴ Суфизм в контексте мусульманской культуры. М., 1989. С. 7.

⁶⁵ Бухоро ёнидаги Фиждувон иохиясида таваллуд топган. 1180 ёки 1220 йили вафот этган.

донийга мурид тушган. Ал-Фиждувоний маломатийя мазҳабига әргашиб, Мовароунахрда мустақил мазҳаб одамлар орасида яккалиқда бўлмоқни таъсис этади. Яссавий ўз пири Ҳамадонийдан мерос қолган сулук халифалигини ўз ихтиёри билан тарк этиб, Сайрамга кетганида, халифалик ал-Фиждувонийга насиб этади. Ал-Фиждувоний шариат ва Пайғамбар суннатларига риоя қилишни мажбурий билиб, ўз тариқатига сукутда зикр қилишни киригади, нафси тийиш, зоҳидликка даяват этади.

Кейинчалик Аҳмад Яссавий ва ал-Фиждувоний сулукларини давом эттирган Бухорода тугилган (1318—1389) Баҳоуддин Нақшбандий бўлиб, 1544 йили унинг қабри устига Абдул Азизхон томонидан қурилган мақбара муқаддас саналиб, уни уч марта зиёрат қилиш Макка билан Мадинага ҳаж қилишга тенг ҳисобланган. Вафотидан сўнг у авлиё мақомига кўтарилиб, Бухоранинг ҳомийси саналган. Нақшбандий тариқати Ҳўжа Аҳрор даврида (1404—1490) юксак даражада ривожланди. Ҳозирги кунда ҳам Туркияда Нақшбандийнинг маслакдошлари 8 миллион киши бўлиб, улар орасида Туркия президенти Турғут Узол ҳам бор экан⁶⁶. Шу каби Аҳмад Яссавийнинг ҳам хотираси ҳар бир қалбларда улуғланади: «Ва аниг мозори Туркистонда Ясса деган ердаки, Туркистон аҳлининг қиблай дуосидир» («Насоимул-муҳаббат»).

Шу тариқа тасаввуф тариқатлари Мовароунахрда илдиз отиб, ўз ҳукм доирасини барча туркий халқларга нуфуз этишга мусассар бўлади. Сабаби — мазкур мазҳаблар софликка, нафси тийишга, ўзини қўйиб, Аллоҳни зикр этишга, бир-бирига ёрдам беришгэ даяват этади. Яъни, ислом динида барча бир-бирига ака-уқадек деган ақидага тўлиқ риоя қиласидар. Шўролар даврида туркий халқларнинг бирлашишига қарши тургай мустабидлар қўрққанидан мозий шукуҳли саҳифаларимизни, кўпинчалик ўз қўлимиз билан қоралаб, мазкур тариқатларни бўлар-бўлмасга ҳақоратлаб, тухмату бўхтонлар, маломатлар ёрдамида йўққа чиқаришга уринишиди. Ҳатто тасаввуф ғояларидан материалистик ва атеистик қарашларни қидириб... топишди ҳам. Аммо ўз даврида Гегель ҳам Жалолиддин Румий шеъриятида

⁶⁶ Мұхтор Абдулло, Ўзбекистон адабиети ва санъати, 1992, 29 май.

пантегистик қараашларни топгани учун олмон профессори Ф. Толукни кескин таңқид қылган эди⁶⁷.

Аммо шундай қарама-қаршиликларга қарамай, ўзбек тасаввүфининг илдизлари қуrimади. Бухоролик ёш шоир Истроил Субҳоний «Истиғфор» сўраб, боболаримиз сулугини давом эттиради: «Раббано, аммо сен турганда сукут сақламоқлик улуғ ҳикмат эмасми? Сукут тилида меҳру мадҳингни изҳор айламак яна ҳам улуғроқ саодат эмасми! Бу бандангдан шу буюк саодатингни дариф тутмагайсан, Раббано!»¹.

Яссавий сукутда Аллоҳни зикр этиш тарафдори бўла туриб, нега ҳикматлар ёзди, деган савол туғилиши ҳам мумкин. Ҳикматлар ва рубобий шеърият тасаввүфда кенг тарқалган бўлиб, у ўзини унумтоқ даражасида завқланишга эришмоқ учун сўфилар зикрларида қўллангани маълум.

Яссавий маърифат чўққиларига кўтарилиган сари ўзини камтарона тутади, ҳали ҳеч нарса билмаслиги ва жоҳиллигини қайд этади. Айнан шунинг ўзи унинг комил инсои даражасига эришганидан далолат беради. Ер ости чиллахонасида яшаб ҳақиқатни англаган Пир «Ер остиға ёлғиз кириб нурға тўлдим», дейди. Ёнмоқ учун Пир этагини ушлагани, мақсадга эришиб, нурга тўлганида эса Муҳаммад алайҳис-салом ёшлирини муқаддас билгани нур устига нурдир. Балким шу сабаб: «Мадинада Муҳаммад, Туркистонда Яссавий,— деган нақл мавжуддир. Бу ибора юқорида қайд этилган эллилсга мисол бўла олади. Қесими йўқ гапдан ҳар ким ўз дунёқарашига яраша хуроса чиқариши мумкин. Яссавий ҳақида Навоий «Турк пири каби оламдин этакни силкинг» дегани бежиз эмас. Бу ажабланарли ҳол эмас, чунки фанодан кейинги юқори босқич— бақо. Сўфиларнинг фонийдан боқийга интилиши ҳам қуий поғонадан юқорига интилиш билан белгиланган.

«Фақриома» Ҳўжа Аҳмад Яссавийнинг тасаввүфдаги тариқат сулукини баён қиласди, у бўлса Пайғамбарнинг «Ал-фақру — фаҳри»— («Фақирлик—фаҳримдир») деган ҳадисига асосланган⁶⁸. Мазкур ҳадиснинг келиб чиқиш тарихи ҳам диққатга сазовордир. Пайғамбар қизлари Фотимани Алига бергапларида сепига «остила-

⁶⁷ Гегель. Энциклопедия философских наук. Ч. 3. Философия духа. М., 1956. С. 359—361.

⁶⁸ Истроил Субҳоний. Бухоронинг етти юлдузи. Тошкент, 1992.

⁶⁹ Маҳмуд Ҳасаний. Муқаддима. 6-бет.— Аҳмад Яссавий. Девони Ҳикмат. Тошкент, 1992.

рига солгудек, бир қўчқор териси, устиларига ёпингудек бир жун шолча, яна бир дона ёстук, уни ташқариси мешдан тикилган, ичи хурмо қовуқлари билан тўлғизилган эди⁷⁰. Қизлари Фотима бу қадар фақирликдан ноглиганида Пайғамбар айтадилар: «Мусо пайғамбар қизлари билан 10 йилгача ўрталарида бир дона чопондан бөшқа остиларига солгудек тўшаклари йўқ эди»⁷¹. Шу тариқа Пайғамбаримиз фақирликларини кўз-кўз қилиб, фақирлик — фаҳримдир, ҳадисини келтирганлар.

Шу сабаб Пир Яссавий «Фақрнома»да Пайғамбарнинг яна икки қавлларини келтиради: 1. «Хуббу-л-фуқарои мин-ал имон ва буғзу-л-фуқарои мин-ал куфри»— «фақирни яхши кўрмак имондин туур, фақирни хор тутмоқ куфр туур». 2. «Хурмату-л-фуқарои-л-мўминина аъзаму индаллоҳи мин сабъи-с-самовоти ва сабъи-л-арзина»— «фақирлик мартабаси ва ҳурмати етти қат осмондин ва етти қат ердин улуғроқ туур»⁷². Айтилишича, Меърож кечаси Пайғамбар фақирлик суратини кўриб, Аллоҳдан шундай сўз эшитидилар: «Эй Муҳаммад, агар мени тиласанг фақир бўл...»⁷³.

Фақирликда эса қаноат қилмоқ даркор. Бу ҳақда ҳадисда шундай айтилган: «Ал-қаноату канзун ла йаффана»— қаноат туганмас хазинадир». Бу ҳадисни Навоий «Арбаъин» ҳадисларига киритиб, қўйидагича назм берган:

Ҳирсдан кечгил ул ғинодурким,
Ҳадду ғоят эмас анга пайдо.
Тут' қаноатки, ул эрур моле,
Ки, ниҳоят эмас анга пайдо⁷⁴.

Пир Яссавий ҳам мазкур ҳадисни ҳикматларида сўфиёна тарзда шарҳлайди:

Уммат бўлсанг ғарибларга тобе бўлғил,
Оят, ҳадис ҳар ким айтса соме бўлғил,
Ризқу рўзи ҳар ким берса қонеъ бўлғил,
Қонеъ бўлиб шавқ шаробин ичдим маю.

Пир Яссавий ҳикматининг 2-сатрида асл манбага тўғридан-тўғри ишора қилинади. Қаноат туфайли Яссавий «шавқ шаробин» ичади. Бу изборани оддий май

⁷⁰ Алихон тўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. Тошкент, 1991, 1-том. 109-бет.

⁷¹ Уша асар, ўша бет.

⁷² Фақрнома, 11-бет.— Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Тошкент, 1992.

⁷³ Уша асар, 13-бет.

⁷⁴ Алишер Навоий. Арбаъин. Тошкент, 1992, 46-бет.

эмас, тасаввуф истилоҳоти сифатида тушуниш мухим. Сайфиддин Рафиддин фано сўфийнинг ҳол-аҳволи билан боғлиқ босқичлардан бўлиб, улар; «қарб, мұҳаббат, ҳавф, рижо, шавқ, мушоҳида ва ниҳоят, еттинчиси фанодир», деб таъриф беради»⁷⁵.

Тазод санъатида Яссавий «тобе, сомеъ, қонеъ» сўзларини қофиялаб, маънони янада теранлаштиromoқдағариларга тобе бўлиб, оят, ҳадис эшит, борингга рози бўлиб, қаноат қил, Худога яқинлаш.

Юқорида келтирилган Навоийнинг тўртинчи мисраси ҳам «ниҳоят эмас анга пайдо»—З-сатрдаги молга тааллуқли деб қабул қилиниши мумкин ёки ал-Ҳақнинг ниҳояси йўқлигига ишорадир. «Маҳбубул-қуслуб»да Навоий қаноат ҳақида шундай дейди: «Қаноат киши кўнглига равшаник етказади: кўз ундан ёруғлик касб этади. Қаноатли дарвешнинг қаттиқ иони таъмагир шоҳнинг ноз-неъмат тўла дастурхонидан авлороқдир. Қаноатга одатланган фақирнинг туршагу талқони бойнинг поввоту ҳолвасидан ширироқдир».

Аллоҳга ишқ қўйиб, Ҳақга эришиш йўли Машраб томонидан шундай белгиланган:

Асли мұҳаббат истасанг, кулли сивони ташлагил,
Фақр либосин кийиб, дарбадари гадо келур.

Пир Яссавий фақирлик мавзунини Мұҳаммад алайхис-салом сийраларига боғлаб ривожлантиради:

Мадинага Расул бориб бўлди ғариб,
Ғарибликда меҳнат тортиб бўлди ҳабиб,
Жафо тортиб яратганга бўлди қариб,
Ғариб бўлиб уқболордин ошдим мано.

Дарҳақиқат, пайғамбар ўз амакиларининг душманлигидан қочиб, Мадинага ҳижрат қиласидилар. Ғариблик тузини татиб, ислом динини ривожлантиришга эришадилар, етим-есир, камбағалларни бошини силаб, Аллоҳга ва инсонларга ҳабиб бўладилар. Шулар туфайлигина Аллоҳга қариб бўлишга эришадилар. Худога яқинлашув эса — тасаввуфнинг асосий мақсади өканлиги ва Пир Яссавий шунга эришиш учун ўз умрини бағищлаганини унутмайлик. Аммо бу нафсоний мақсад эмас, балки мавжудотга меҳр-мурувват этмоқ тимсолидир. Шу сабаб инсоний фазилатлар буржини Яссавий қуйидагича тушунади:

Оқил эрсанг ғарибларни кўнглин овла,
Мустафодек элни кезиб етим ковла.

⁷⁵ Узбекстон адабиёти ва санъати, 1992, 22 май.

Бошқа бир ҳикматда бу фикр шундай ривожлантирилган:

Гарип фақир етимларни Расул сўрди,
Ушал туни меърорж чиқиб дийдор кўрди.
Қайтиб тушшиб гарип етим излаб юрди,
Гарибларни изин излаб тушдим мано.

Пайғамбар етимларни сўрди, шу туфайли, уларга ғамхўрлик қилгани учун Аллоҳ дийдорини кўрди. Меъроржнинг моҳияти ҳам шуада. Мансур Халлодж меъроржда (Қуръон, 53:1—8) Илоҳиёт ва инсон орасидаги ўзаро муносабатларнинг асил нусхасини кўради⁷⁶. Меърорждан кейин пайғамбар яна етимларни излаб юрди. Бу йўлни Пир Яссавий ўзига вожиб билиб, руҳий маслагини ўзининг шеърий дурданасида ифодалайди. Шу сабаб Ҳамадоний халифаси сифатида обрў қозонганига қарамай, ўз юрти Сайрамга қайтиб келади, масжид ва хонақо қурдириб, янгидан янги шогирдлар етиштиради, мулкини гарип-етимларга улашади. Ҳикматнинг учта аввалги сатри Пайғамбар ҳақида, тўртинчиси эса Яссавийнинг ўзига тегишли. Пайғамбарнинг йўллари Яссавийга мерос эканлиги шу тариқа таъкидланади.

Қуръони карим 107-сурасининг 1—3-оятларида шундай дейилган: 1. «Динни (охиратдаги жазони) ёлғон, дейдиган кимсани (нг қандай кимса эканлигини) кўрдингизми-биддингизми? 2—3. Бас, бу етим-есирни (қўпоплик билан) ҳайдаб соладиган ва (кишиларни) мискин-бечорага таом беришга тарғиб қилмайдиган кимсадир» (А. Мансур таржимаси).

2-ва 3-оятлар билан Яссавий ҳикматларидағи 1-ва 3-сатрлар орасидаги ворисийликка аҳамият беринг:

Гарип, фақир, етимларни қилғил шодмон,
Ҳақлар қилиб азиз жонинг айла қурбон.
Таом топсанг, жонинг била қилғил эҳсон,
Ҳақдин элитиб бу сўзларни айдим мано.

Яссавий бу риштани 4-сатрида шундай таъкидлаган: «Ҳақдин (Аллоҳдан) эшитиб бу сўзларни (2—3-оят сўзларини) айдим мано» Қуръон — Аллоҳнинг каломи. Шу сабаб Яссавий «Ҳақдин эшитиб» иборасини қўллайди. Ҳақ эса Аллоҳнинг 99 та гўзал исмларидан биридир.

93-суранинг 6—10-оятларида етим ва фақирлар ҳақида ва уларга қандай муомала қилиш тўгрисида насиҳатлар берилган: 6. (Эй Мұхаммад, Парвардигорингиз) сизни етим ҳолда толгач, бошпанга бермадими? 7. У

⁷⁶ Ислам. С. 270.

зот сизни гумроҳ — ғофил ҳолда топиб, (Ҳақ йўлига) ҳидоят қилиб қўйди-ку! У зот сизни камбағал ҳолда топиб, бой қилиб қўйди-ку! 9. Бас, энди сиз ҳам етимга қаҳр қилманг» 10. Сўровчи-гадони эса (бирон нарса бермасдан) ҳайдаманг!» (А. Мансур таржимаси).

Бу оятларда Муҳаммад алайҳис-салом ҳаётлари шарҳланади. Пайғамбар Фил — 570 йил Маккада Қурайш қабиласининг Ҳошим уруғида таваллуд кўрмасдан аввалроқ оталаридан ажраладилар. Соғлиқларининг мазаси йўқ оналари — Омина, у киши олти ёшликларида оламдан ўтади. Сўнг боболари Абдул-Мутталиб асрар олади. Орадан икки йил ўтгач бобоси ҳам оламдан ўтади ва амакилари Абу Толиб уни ўз оиласига қабул этади. Сўнг бой ва бева хотин Ҳадичага уйланиб янги бошпана топадилар. Яъни, ҳар гал етим қолганларида Аллоҳ янги бошпана бериб келади. Шу жиҳатдан б-оятни фақат туғилиш даврига эмас, балки ҳаёт давомида етим қолганларидағи Аллоҳнинг мурувватига ишора деб қабул қилиш ўринлидир. Шунинг учун ҳам «сени етим топганида бошпана бермадими», — деб сўроқ қилинади. 6-оят сўроқ маъносида «а йажидка — у сени топмадими?» деб бошланиб, пайғамбарнинг ўтмишидан бир мисол келтирилади. 7 ва 8-оятларда ҳам ўтмишдан мисол келтирилади, аммо уни б-оятдан фарқи шундаки, унда савол эмас, таъкид оҳангига айтилган: «ва важдака — ва сени топди». Ахир Муҳаммад алайҳис-салом ҳам Қаъбада туғилиб, ўсганлар, боболари ва амакилари эса Қаъбанинг нозири эди. Айнан шу тариқа иймон келтирмаганлар учун ҳам агар мустаслам бўлсалар келажак нурли эканлигидан далолат берилади. Ўнутмайлик, мазкур сураси Маккада, исломнинг бошлангич даврида нозил бўлган: ҳали қурайшликларининг қаршилиги авжига чиқаётган, улар пайғамбарни масхара қилиб, Маккадан ҳайдашга жазм этиб ҳақоратлаган давр эди. Бундай вазиятда суранинг ҳаётбахш кучи албатта ўринли эди.

6-оядда фалак гардишила етим қолганида бошпана топгани айтилиб, 7-оядда ғофилларда бўлганига қарамай, тўғри йўлга ҳидоят этилганлиги таъкидланади. 8-оядда эса ҳаёт шароитлари уни камбағалликдан бойликка кўтаргани кўрсатилади. Шу тариқа пайғамбаррга иноят этилган уч марҳамат санаб ўтилади: етим бошига паноҳ берди, адашганида тўғри йўлга солди, камбағалигида бой қилди. Бунинг барчаси — Аллоҳ инояти.

Хўш, бу марҳаматлар эвазига, бир етим болага кўрсатилган мурувватларга жавобан Пайғамбар нималар қилишиб керак деган саволга 9—10-оятларда жавоб бе-

рилади. 6-оятда етим Мұҳаммадға күрсатылған иноят әвазига, 9-оятда Пайғамбар ҳам етимларға зулм құлмаслиги уқтириләди. Яъни, айнан ўзига күрсатылған мурувватни ўзгалардан аяmasлик тавсия этилмоқда. Бу — Қуръони карим тараннум этадиган инсоний қадриятлардан бири, холос. Дарҳақиқат, «Етимнинг ҳаққи етти дарёни қуритар», деган ўзбек халқ мақоли бежиз айтилмаган. Ас-Сүйути тафсирида етимнинг молига тажовуз құлма деб шарқ берилған. 8-оятда камбағалликдан бойликка олиб чиққани әвазига 10-оятда пайғамбар ҳам камбағалларни ҳайдамаслиги уқтириләди.

Мазкур оятларни назарда тутиб, Пир Яссавийнинг қуйидаги ҳикматларини үқиш тасаввуф фалсафаси ва дунёқарашини түшунишга ёрдам беради ва тасаввуф фалсафаси ҳам Қуръон каломига әргашғанлыгидан ёрқин далолат беради:

Фаріб, фақир, етимларни ҳар ким сұрап,
Рози бұлур үл бандадын парвардигор.
Әй бехабар, сен бар сабаб ўзи асрор,
Ҳақ Мустафо пандын эшитиб айдым мано.

Хадисларда ҳам етимлар борасида одил фикрлар айтилған;

«Мен сизларга икки заифнинг ҳаққини ҳаром қиласман:

1. Етим. 2. Хотин» (Хадис, 73-бет).

«Мен ва етимни кафолатта олған киши жаңнатда бирға бўламиз», деб икки бармоқларини күрсатдилар» (Хадис, 73-оят).

Етим-есирларга раҳм құлмаган, камбағалларни ўйламаган кимсалар, кўнгли қаттиқларга эса Яссавий ҳикматича:

Оллоҳ ҳақи, андоқ құлға сижжин тайёр.

Фақирик ва ғариблиқ исташ, аёнки, нафсни тийишга олиб келади. Буни ўз маслаги деб билған Яссавий кимдан ва қай тариқа сабоқ олганини айтиб:

Ишқ бобини Мавлом очғақ, манго тегди,
Туфроқ қилиб, ҳозир бўл деб бўйним эгди,
Борон — сифат маломатнинг ўқи тегди,
Пайкон олиб юрак-бағрим тешдим мано.

1-сатрдаги Мавлом — Устоз, яъни Хўжа Юсуф Ҳамадоний бўлиб, ишқ бобини, яъни Ҳақиқатга эришиш ишқ орқали эканлигини, бунинг учун эса нафсни тийиб, хоккор бўлиш кераклигини ўргатади. Бундан Яссавий,

айнан шу тариқа саодатга эришган, деб хулоса қилиш мумкин. 3-сатрда сўфийлар маломатга қолганилиги айтилади. Бу эса маломатийя мазҳабининг дастури бўлиб, 4-сатрдаги пайкон — фалак камонидан Қодир отган камон ўқи деб шарҳланиши ҳам мумкин. Яъни, инсон камолоти узлуксиз ривожга муҳтож. Яссавий сулукининг сермашақват эканлиги шу тариқа ойдинлашиб боради.

Туркӣ ва жумладан ўзбек тасаввуф адабиётининг асосчиси Пир Аҳмад Яссавий ҳикматлари ўзининг рамзийлиги, мажоз санъати ва сўз хазинаси бойлиги жиҳатидан авваламбор ўзбек, алалхусус ислом ва пировардида жаҳон адабий жарёнига улкан ҳисса қўшиб, турли оқимларнинг шаклланишини тақозо ҳам этади. Пир Яссавий ҳикматлари туркӣ забон миллий адабиётларга ўғит бериб, саноқсиз муридлари қалбидан жой олиб келмоқда.

Пир Яссавий ўзи излаган Ҳақиқат йўлида мафтун бўлиб ёнганилиги туфайли биз авлодлар йўлини ҳам саккиз аср оша ҳикматлари нурила ёритиб келмоқда.

Яссавий ҳикматин доно эшитсан,
Эшитганлар ҳамма мақсадга етсан.

Худойим сўзидин чиққан бу ҳикмат,
Эшитганга ёғар борони раҳмат.

ҚУРЬОННИНГ ЭНГ ГЎЗАЛ ҚИССАСИ ВА ДУРБЕКНИНГ «ЮСУФ ВА ЗУЛАЙХО» ДОСТОНИ

Ислом ва Қуръон мавзуларининг ўзбек адабиётига сингиши макон ва замон узра ривожланиб, ҳам тарих, ҳам адабиётда ўз аксини топган. Шу тариқа адабиёт ва тарих уйғунлиги намоён бўлиб, инсоният ривожининг икки қўш қанотини ташкил этган. Сўнгги пайтда филология фани турли соҳалар, хусусан тарих, психология, адабиёт, этнография манбаларига таяниши мазкур йўналиш истиқболга эга эканлигидан далолат беради. Адабий-тарихий таҳлил Қуръон мавзуларининг ўзбек адабиётида талқин этилишини ҳар тарафлама кўрсатишга ёрдам беради. Ягона Ислом маданияти ҳудудларида туркий халқлар адабиёти бой анъаналари жиҳатидан муҳим ўрин тутгани ва ўзга адабиётларга ҳам таъсир ўтказгани маълум. Қуръондан бехабар ўқувчи ўзбек адабиёти дурдоналарини тушуниши амримаҳол бўлиб, чуқур изоҳлар талаб этилади. Қуръон мавзуларининг адабиётга сингишига ёрқин мисол — Юсуф сураси¹.

Дарҳақиқат, Шарқ адабиётини Қуръонни ўрганмай тушуниш қийин. Афсуски, сўнгги 70 йил мобайнида биз буюк боболаримиз ижодини ўша йиллардаги ҳукмрон мафкура нуқтаи назаридан тушунтиришга уриндик. Ваҳоланики, улар ижодига хос инсонпарварлик,adolatга интилиш мавзуси социалистик ғоялар афюни онгимизни қоплашидан 1400 йил аввал Қуръони каримда тараннум этилган. Шу тариқа биз замон ва макон тушунчаларини чалкаштириб, аравани отдан олдин қўйишга уриниб келдик.

Қуръон сураларининг ичида энг гўзали — «Юсуф» сурасининг таржимасига Алоуддин Мансур берган изоҳда Қуръон мавзусининг ўта мутаассирлиги, қалам аҳлини жилд-жилд китоблар, шеъру достонлар битишга илҳомлантиргани айтилади. Бу тасодифий эмас, албатта.

¹ Мифы народов мира. Том 1, М., 1991, сс. 555–558.

Чунки «Юсуф» сураси ўзининг мукаммал таълифи билан ажралиб турари ва бир қиссадек ўқилади. У инсон ҳаётининг пасту баландларини акс эттириши билан барча одамлар фикрини ўзига жалб этиб олади. Оила-да содир бўлувчи фисқу фасод, ака-укалар орасидаги низолар, шаҳвоний интилиш пок туйгуларни топтаб, разиллик адолат устидан ғалаба қозониши ва бу ғала-банинг вақтингчалик ва ўткинчи эканлиги, севимли фарзанднинг арзимаган пулга қулликка сотилиб кетиши, унинг бошидан кечирган азоб-уқубатлар натижасида ҳам иймони бут қолган Юсуфни Аллоҳ қадрлаб, зайдон зулмидан ёруғликка олиб чиқиши, қулликка со-тилган ука юқори мартабага эришгач, хиёнат қилган акаларини кечириши ва уларни ўз паноҳига олиши тас-вирланади. Яъни, инсонга хос энг гўзал фазилат — кечириш роҳати тараннум этилади, юксалишда ҳам кам-таринликни сақлаш ифодаланадики, бу фазилатлар умуман Шарқ адабиётининг ҳаётбахш сарчашмаси бў-либ келмоқда.

Алишер Навоий «Тарихи айбиё ва ҳукамо» асарида бир қатор пайғамбарлар сафида Юсуф қиссасининг настрий баёнини ҳам бизга мерос қолдирган. Мазкур қис-сасининг Шарқ адабиётига таъсири ҳақида қисса ибтидо-сида шундай деб ёзилган: «Юсуф алайҳис-салом қис-саси андин машҳурроқдурким, иҳтиёж анинг тафсилина бўлғай, невчунки ғаробати ва ширинлиги учун кўб ако-бир ҳам назм ва ҳам наср анинг шарҳ асбобии тузуб-турлар ва баёнида сеҳрлар кўргузубтурлар»².

Дарҳақиқат, Юсуф қиссаси Шарқ адабиётida маш-хур бўлиб, унинг «ғаробати ва ширинлиги» эрамиздан аввалги узоқ мозийдан бошланади. Афсоналар Шарқ халқлари оғзаки ва ёзма адабиётida бир миллатдан иккйнчисига кўчиб, «Таврот»да атиги 13 сатр ҳажмида маълумот берилади. Шунга қарамай, бу йўналиш барча насроний халқлар адабиётига ҳам сингиб ўтади. Асрлар ўтгач Юсуф қиссаси Қуръонда ўзининг мукаммал шак-лини топиб, бутун Шарқ адабиётига таъсир ўтказади.

Қуръони карим ва Тавротда Юсуф қиссаси мавжудли-ги таажжубланарли ҳол эмас. Ахир яхудийлар ва араб-лар ака-ука халқ бўлган ва айнан Юсуф қиссасида яхудийларнинг қавмбоши арабларнинг қавмбошини саҳрого ҳайдагани ва узоқ аъзоб-уқубатлардан сўнг она-бона Маккага келгани тарихдан маълум. Шунинг

² Алишер Навоий. Тарихи айбиё ва ҳукамо. 15-том, 200-бет.

учун мазкур қисса араблар томонидан илк маротаба низом этилган десак хато бўлмайди. Сўнг, араблар кучга тўлиб, барча қабилаларнинг диний марказига айланishi, Муҳаммад Пайғамбар ҳам талай азоблардан сўнг мусулмон умматига паноҳ бериб, яҳудий ва насронийларни ягона Аллоҳга тавҳид келтириши ва ҳидоят йўлига қайтишга ундагани бунга далил эмасми?

Юсуф қиссаси, шу тариқа, Таврот орқали ҳозирги Фарб, Қуръони карим орқали эса Шарқ адабиётларига ёйлади. Афсона, диний мавзулар ва адиллар таҳаййулига бурканган бу мавзу барча афкор омманинг диққатини ўзига жалб этади. Бу борада афсоналарнинг диний адабиётга ва диний адабиётдан дунёвий адабиётга силжиши диққатга сазовордир. Айнан шу адабий жараён барча халқлар учун ягона бўлган инсоний фазилат ва қонуниятларнинг муштараклиги ва барча миллий адабиётини ташкил этишини исботлайди.

Юсуф қиссаси назм ва насрда ўз ифодасини топади ва барча муаллифлар Қуръон сурасига таяниб ижод этгани таҳлилда ойдинлашади. Муаллифлардан айримлари ҳазрат Навоий силсиласидан ўрин олган: «Ул жумладан бири Фирдавсий Тусий ва Яна бири ҳазрат Маҳдуми Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий маддазаллаҳулолийким Юсуф алайҳис-саломнинг ҳусни ва жамоли таърифдан мустағнийдур. Анинг доғи фазл ва камолига васф ҳожат эмас. Яна Ҳожа Масъуд Ироқий ҳам назм қилибтур ва балоғатнинг додин берибтур. Яна доғи ализлар машғуллуқ қилибтурлар»³.

«Ўзбек адабиёти тарихи»да Н. Малласев «Бу темада яратилган энг қадимги бадиий асарлардан бири Фирдавсий номига нисбат берилган «Юсуф ва Зулайҳо» достонидир», деб ёзади⁴. Шу достон юзасидан номзодлик диссертациясини ёқлаган Саттор Ҳайдаров ҳам шу фикрда: «Бу темани бадиий адабиётга биринчи мартаба буюк тожик шоири Абулқосим Фирдавсий (934—1020) олиб кирди ва ўзининг «Юсуф ва Зулайҳо» достонини яратди»⁵. Дарҳақиқат, Фирдавсий она юртидан айрилиб, сарсон-саргардонликда юриб, бир парча нонга муҳтоҷликдаги алам-изтиробларини ва адолатга ишончини «Юсуф ва Зулайҳо» қиссасида акс эттиришга муваффақ бўлган. Қуръоннинг энг гўзал сураси айнан шу мавзуларни тараннум этади.

³ Алишер Навоий. Тарихи анбиё, 200-бет.

⁴ Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1976, 272-бет.

⁵ Ҳайдаров С. Дурбек ва унинг «Юсуф ва Зулайҳо» достони; Дурбек Юсуф ва Зулайҳо. Тошкент, 1959, 6-бет.

Шу билан бирга Н. Маллаев бу мавзуда, «маълумотларга кўра, Фирдавсийгача Абулмуайяд Балхий ва Бахтиёрий ҳам достон ёзганлар деб таъкидлайди⁶.

Фирдавсийдан сўнг XI аср бошларида бухоролик шоир Шаҳобиддин Амъақ Бухорий ҳам «Юсуф ва Зулайҳо» достонини яратади⁷. Афуски, бу достон сақланиб қолмаган ёки ҳалигача топилмаган.

Узбек адабиётига илк бор Юсуф қиссаси 1233 йили шоир Али туркий яратган «Қиссаи Юсуф» достони туфайли ташриф буюради. Ундан сўнг Рабғузий 1309—10 йилларда ёзилган «Қиссасул-анбиё» асарига «Юсуф ва Зулайҳо» қиссасини киритади: XIV аср ўрталарида шоир Шоҳин Шерозий форс-тожик тилида «Юсуф ва Зулайҳо» достонини яратади.

Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо» достонига қадар бу мавзуда яна бир қанча асарлар яратилди. Жўмладан, Хоразмийнинг «Муҳаббатномаси»да:

Эшитинг эрса Юсуфнинг жамолин,
Сени хусн ичра сад чандон яратти.
Уғон Юсуф жамолин сизга берди,
Муҳаббат кимёсин бизга берди,—

дейилади⁸.

Куръоний мавзу бир қанча муаллифлар диққатини ўзига тортгани ва эндиликда турк тилида ҳам яратилиши лозимлиги ҳақида Навонӣ шундай деган: «Яна доғи азизлар машғуллуқ қилитурлар. Бовужуди булар бу бебизот ҳамки, иборати роқимдиндур. Ҳомаи фотир хотирға бу орзуги кечуурким, иншоолло, умр омон берса, турк тили била ўқ кофири кавн варақ узра ҳомайи мушкин шамомани сургай, бу қисса назмин ибтидо қилиб, интиҳосиға еткургай.

Шеър:

Ҳақ бу тавфиқни масиб этгай,
Ё насиб улча тенгридин етгай»⁹.

Дурбек бу асарларнинг қай бири билан таниш бўлгани бизга аён эмас. Аммо Дурбек достонининг муқаддимасида бир форс-тожик тилидаги насрый битилган қиссани номлайди ва ўзининг достонини унга истинод келтиради:

⁶ Узбек адабиёти тарихи, 272-бет.

⁷ Ўша асар, ўша бет; Ҳайдаров С. Дурбек ва унинг «Юсуф ва Зулайҳо» достони, 6-бет.

⁸ Узбек адабиёти тарихи, 272-бет.

⁹ Алишер Навоий. Тарихи анибё, 200-бет.

Наср эди, бу қисса дөғи форси,
Эрди анга жон кўзи наззораси.
Бор эди кўнгулда бурундин бу азм,
Турки тили бирламу қилсан назм.

Дурбек бу ерда қайси форс-тоҷик достонига таянгани маълум эмас. «Форс-тоҷик тилида яратилган Юсуф ва Зулайҳо темасидаги қадимги насрый қиссалардан ҳозирча фақат битта қисса маълум бўлиб, профессор Е. Э. Бертельс таъкидлашича, у Абдуллоҳ Ансорий (1006—1088) номига нотўтири нисбат берилган; бу қиссанинг ягона қўллэзмаси Лондонда сақланмоқда»¹⁰.

Навоий берган маълумотларга кўра, Дурбек асари унга маълум бўлмаган ва туркий тилда ўзи шундай қисса яратиш ниятида эканлиги таъкидланган. Ҳатто «Юсуф ва Зулайҳо» достони Навоий томонидан яратилган, деган фикрлар ҳам айтилди. Аммо бу ҳол, Фозила Сулаймонова таъкидлаганлариdek, Эд. Блоше хатоси туфайли содир бўлган¹¹; «У Париж Миллий кутубхонасидаги нусхани каталогга оларкан, ҳалифа Али номини унга нисбат берилган «Шер» (арабча «али» сўзининг ўзи ҳам «шер»дир) сифатини қўшиб олиб ўқиб «Али-шер» чиқарган ва достонни Алишер Навоийга нисбат берган»¹².

Дурбек XIV асрнинг охири ва XV асрнинг бошларида ижод этган ўзбек шоири бўлиб, бизгача унинг фақат «Юсуф ва Зулайҳо» достони етиб келган. Дурбек ҳақида тарихий манбалар ва тазкираларда ҳам жуда кам маълумотлар мавжуд. Достоннинг ёзилиш тарихи ҳам муқаддимада абжад билан кўрсатилган:

«Зод» эди тарихитақи «ҳе»ю «дол»,
Муддати ҳижратдин ўтуб моҳу сол.

«Шунга кўра, «зод» ҳарфи — 800, «ҳе» — 8, «дол» — 4 га тенгdir. Бу ҳар уч сондан 812 ҳижрий йил келиб чиқади ва у мелодий 1409 йилга тўғри келади»¹³.

Бу — аиъана бўйича қабул қилинган таърихdir. Аммо Н. Маллаев достон ёзилиш тарихига оид яна бир масалага диққатимизни жалб этади: «Айрим нус-

¹⁰ Узбек адабиёти тарихи, 273-бет.

¹¹ Сулаймонова Ф. Навоийга нисбат берилган «Юсуф ва Зулайҳо» достонининг Париж қўллэзмаси ҳақида. Адабий мерос, манба ва тадқиқотлар. Тошкент, 1973, 148—151-бетлар.

¹² Узбек адабиёти тарихи, 274-бет.

¹³ Хайдаров Саттор. Дурбек ва унинг «Юсуф ва Зулайҳо» достони, 6-бет.

халарда «ҳе»— эмас, «айни»— (70) келган, у ҳолда достоннинг яратилган йили ҳижрий 874 (мелодий 1469) 70 йил бўлади»¹⁴.

Аммо достон Балх қамали пайтида ёзилганлигини ҳисобга олсак, 1409 йили тўғри бўлиб чиқади. Чунки Абдураззоқ Самарқандий «Матлаъус — саъдайн» асарида келтирилган маълумотларига кўра, Балх 1409 йилнинг ёз-куз фаслида қамал ичра қолади. Бу қамал Амир Темур ўғиллари ва набиралари орасида салтанат тахти учун олиб борилган курашлар натижасида содир бўлгани эди. Соҳибқирон ўз тузукларида фарзандларига қилган васиятларида: «Мамлакатларни фатҳ этгувчи фарзандларим ва жаҳонни идора этгувчи қудратли набираларимга маълум бўлсинким, Тангри таоло даргоҳидан умидим шулки, кўплаб фарзандларим, авлодим салтанат тахтига ўтириб, мамлакатларни идора этгай. Шунинг учун салтанат қуриш, давлат тутиш ишларини бир неча тузукка боғладим ва салтанатни бошқариш ҳақида қўлланма (дастурул-амал) ёзиб қолдирдим, токи фарзандларим ва авлодимдан бўлганларнинг ҳар бири унга мувофиқ иш юритсин, мөҳнату машаққатлар, кўп ҳарбий юришлар, уруш-талошлар билан, таңгрининг инояти ва ҳазрати Мұҳаммаднинг, унга таңгрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, толеъи баланд миллатнинг шарофати, онҳазратнинг улуғвор авлоди ва қумматли саҳобаларига қилган муҳаббат ва дўстлигим орқали қўлга киритган давлат ва салтанатни сақлагайлар. Бу тузуклардан ўз салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдалангайлар, токи мендан уларга етадиган давлат ва салтанат зарару таназзулдан омон бўлгай»¹⁵,— деб ёзган эдилар. Афусски, бу васиятга амал қилинмай 1405—1409 йиллар мобайнида Темур тахти учун фарзандлари олиб борган курашлар натижасида кўплаб шаҳарлар ойлаб қамал ичида қолиб кетади.

Айнан шундай қамал ичида қолган Балх шаҳрида Дурбек ўзининг «Юсуф ва Зулайҳо» достонини яратади ва у уч ой давомида содир бўлган воқеаларни шундай таърифлайди:

Шаҳар чу дўзаҳ каби зиндои эди,
Ташқари бир равзай ризвон эди.

Ушбу қамал ҳалқ учун ойи тамом,
Ер эдилар ғуссаю ғам субҳу шом.

¹⁴ Ўзбек адабиёти тарихи, 270-бет.

¹⁵ Темур тузуклари. Тошкент, 1991, 53-бет.

Халқ билан биргаликда «субху шом» азоб тортган Дурбек тушкунликка берилмайди ва Қуръони карим оятларини мутолаа этиб, ғам-ғуссаларни енгишга уринади:

Гоҳ ўқур эрдим зи қаломи илоҳ,
Гоҳ кутуб ичра қилур эрдим нигоҳ.

Гоҳ боқар эрдим зи китоби Қасас,
Гоҳ ичар эрдим зи ғароби ғусас.

Лек Қасас ичра валие майли жон,
Қиссаи Юсуфта эдим, ул замон.

Ул эди, ул ҳолда маҳбуби дил,
Ул эдию қиссани матлуби дил.

Бандай бечораға шому саҳар,
Қиссаи Юсуф эди андар назар.

Яъни, Дурбек, Қуръон суралари орасида энг гўзал қисса — «Юсуф» сурасини қироат қиласди. Қамал пайти диллар учун ёққан қисса Қуръоннинг «Юсуф» сураси эди, чунки унда Аллоҳ сабр-тоқат қилиб, иймонини мустаҳкам улашганларга равнақ бериши, тақдирнинг зарбига дош берганларни юксалтириши, қамоқдан подшоҳликкача насиб этиши ҳеч гапмаслиги ҳикоя қилинади. Қамал ичра қолган Дурбек қиссани шому саҳар қироат қиласди. Қамалда қолган халқ эса «ер эдилар ғуссаю ғам субху шом». Дурбек «Юсуф» сурасининг қироатидан таскин топишга интилади. Шу билан бирга «шому саҳар» иборасининг асл маъноси ҳар бир мусулмон шому саҳар Қуръонни қироат қилиши, сажда қилиши лозим, дегани. Шоир дин рукнини ўша даврга мос келган дил талаби ва интилиши билан уйғулаштиради. Шундай мутаассир, изтиробли дамларда ўзбек ислом адабиёти тарихида «Юсуф ва Зулайҳо» достони яратилади. Унинг шакл ва мазмунини «Юсуф» сурасига мослайди. Дурбек Қуръон суралари ичра «Юсуф» сурасини хуш кўргани З-оят мазмунида ойдинлашади:

«(Эй Муҳаммад), Биз сизга бу Қуръон (сураси)ни вахий қилиш билан (барча) қиссаларининг энг гўзалини сўйлаб берурмиз...» (А. Мансур таржимаси).

Қуръоннинг «ахсанул-қисас» ибораси Дурбек достонида «қасас ичра валие майли жон» шаклида келиб, шу тариқа ўзбек адабиёти ислом маданиятига узвий ришталар билан боғланади.

Қуръон сураси ҳамду сано билан бошлангани каби Дурбек достони ҳам Аллоҳни улуғлашдан бошланади:

Ҳамду сипоси малики лам язал,
Билғон әрүр бандай хайрул амал.

Роҳиму раҳмону самиу басир,
Йўқтур онинг зотига шубҳа назир,

Қавну макон ҳалқина ҳаллоқ ул,
Жумла жаҳон ҳалқина раззоқ ул.

Ва яна 18 мисра давомида Дурбек Аллоҳга ҳамду сано
айтадики, шунинг ўзи XV аср бошида ўзбекларга ис-
ломнинг тўла сингиб бўлганидан далолат беради. Ал-
лоҳнинг гўзал исмларида «Роҳиму, раҳмону, самиу
басир» қўлланиши ҳам рамзийдир. Яъни, Балх қамал
ичра қолганида, уларнинг ноласини эшитгувчи (самиу),
аҳволини кўргувчи (басир) ва раҳм-шафқат айлагувчи
(роҳиму раҳмон) Аллоҳдир.

Учинчи оятда Аллоҳ Муҳаммадга «ахсанул-касаси-
ни айтиб бериши таъкидланади. Дурбек ҳам Пайрам-
барга ҳамд айтади:

Аҳмаду маҳмуд ҳабиби илоҳ,
Соян ҳақ барчага пушту паноҳ.

Шундан сўнг Дурбек қиссани назм этади:

Жумла қасас воқеъасин сар-басар,
Тенгри каломнида бериб бу ҳабар.

Бир отаю онадан ўн ўғил, аммо бир отаю бошқа
онадан Юсуф ва укаси Ибли Ямин туғилган экан.
Юсуф улар ичра энг аҳсани:

Юсуф эди ўртада чун шамъи жам,
Ўзгаси парвонау ул эрди шам.

ва энг гўзали бўлгани

Ўзгалари жисму ушал жон эди,
Инесу малак юзига ҳайрон эди.

назм этилади.

Юсуфнинг гўзаллиги Алишер Навоий қиссасида ҳам
таъкидланади: «Юсуф алайҳис-салом бани Одам жин-
сиини жамилроғидур. Бир кун ўз юзун кўзгуда кўриб,
андоқки ҳусн истиғно ва ғурурга муқтазодур, кўнглига
кечтиким, оё агар мен қул бўлсан эрди, менинг баҳом-
ни ким бера блғай эрди?»¹⁶. Шу тариқа Навоий ҳали
содир бўлмаган воқеалар — Юсуфнинг қулликка соти-

¹⁶ Алишер Навоий. Тарихи анибие..., 201-бет.

лишини башорат қилади. Юсуфнинг қул бўлганида баҳосини беадад деб ўйлаши ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатига тўғри келмай қолади. Тасаввуфга хос камтарлик, хокисорлик мавзуси шу тариқа Навоий ижодидага Қуръон мавзуси билан чамбарчас боғланади. Қуръон низомига содик қолган ҳолда қиссани давом эттирган Навоий шундай ҳикоят қилади: «Юсуф алайҳис-салом туш кўруб эрдиким, гунаш ва ой ва ўн бир кавкаб анга сажда қилдилар. Бу тушни Яъқуб алайҳис-саломга айтти. «Из қола Юсуфу ли абиҳи ё абати иниу райту аҳада ашара кавкабан ва аш-шамса вал-қамара раитуҳум ли сожидина» андин хабар берур»¹⁷. Матндан арабча сўзлар «Юсуф» сурасининг 4 ояти бўлиб, асли қўйидагича: «Эслант, Юсуф отасига деган эди: «Эй ота, мен тушимда ўн бир юлдуз, яна қуёш ва ойни кўрибман. Ҳаммалари менга сажда қилишаётган эмиш» (А. Мансур таржимаси).

«Юсуф ўз отасига деди: «Отажон! Ман тушумда ўн бир юлдуз ва кун ва ойни кўрдим. Алорни ўзумга сажда қилуб турган ҳолда кўрдим» (Олтинхон тўра таржимаси).

Иккала ўзбек таржимони ҳам аслиятда йўқ, аммо назарда тутилган «тушимда» сўзини киритишади. Бунга Жалолайн тафсирида ҳам (тушида кўради) деб шарҳ берилган¹⁸. И. Ю. Крачковскийнинг русча таржимаси ва Юсуф Алининг инглизча таржимасида бу сўз йўқ. «Шамс» сўзини Алоуддин Мансур «қуёш», Олтинхон тўра «кун», уйғур таржимони ҳам «кун» деб ўгиришларида туркий тилларга хос ривожланиш жараёни намоён бўлган. Алоуддин Мансур ўн бир юлдузни—Юсуфнинг ўн бир оға-инилари, қуёш ва ой—отаси билан онаси эканлигига ўринли изоҳ келтиради. Шу билан бирга бу тушининг ҳақиқатга айланишига ҳали қирқ йил борлигини айтиб ўтади.

Мазкур қуръоний мавзу Дурбек достонида ниҳоятда гўзал шеърий дид ила қўйидагича таърифланган:

Кўрди тушиндаки, фалак бошидин,
Тенгри таолонинг ул иномидин.

Шамсу қамар бори бу ўн бир нужум,
Ер юзига туштию, қилди ҳужум.

Борча келиб олина қилди сужуд,
Қатъ қилиб маснади чаҳр кабуд.

¹⁷ Уша жойда.

القرآن الكريم تفسير الإمامين الحليفين ١٩٨٥¹⁸

«Шамсу қамар» Дурбек достонида ва «кавқаб» сўзи Навоийда айнан олинган, чунки ўша замон ўзбеклари учун бу сўзлар тушунарли бўлган.

Юсуф ўз тушининг таъбирини билолмай, отасига ҳикоя қилгач, отаси боятда шундай жавоб беради:

У (отаси) деди: «Эй ўғилчам, бу тушунгни оға-ини-ларингга ҳаргиз айта кўрма, токи сенга улар қарши бирон ҳийла қимасинлар. Чунки шайтон инсон учун очиқ душмандир» (А. Мансур таржимаси). Жалолайн тафсирида ака-укалар ҳасад қилиб, Юсуфни ҳалок қилишга уринишлари, шайтон эса улар орасига адоват уруғин сениши айтилади¹⁹.

Алишер Навоий ривоят қиласиди: «Яъқуб алайҳис-салом айттиkim, бу тушунгни қардошларингдин ёшурким, алардин санга осийб тегмагайким, бу тушнинг таъбири будурким, ота, она ва қардошларинг санга мухтоҷ бўлғайлар»²⁰.

Дурбек ҳам Қуръони карим калимасидан четлашмаган ҳолда ҳикоятини давом эттиради:

Килди отасига бу тушдин хабар,
Деди отаси: «Ҳала жони падар,
Тенгри берур сенга тумбя иззу ноз,
Дема бу тушунг кишигъа сақла роз.
Дема оғоларнинг ерлар ҳасад,
Бордур аларнинг ҳасади беадад.
Давлату иззат тушидир ушбу туш,
Тенгри таоло сенга берған улуш.
Келгу бу туидан сенга жону жаҳон,
Меҳнату ғам деди келур ҳар замон.

Аммо Юсуф тушини ака-укаларига айтади. Бу ҳақда Навоий шундай дейди: «Чун тақдири ила Юсуф алайҳис-саломнииг меҳнатларига мутааллиқ бўлуб эрди, қардошлари ул тушни ва оталари таъбирини эшишиб, мутағайир бўлуб, Юсуф алайҳис-салом қасдиға бел боғладилар»²¹.

Дурбек достонида ҳам Юсуф тушини оғаларига айтиб беради. Бобнинг номи ҳам «Юсуф кўрган тушини оғоларига айғони», деб аталади:

Юсуфи сиддиқ ўёниб магар,
Килди оғоларига тушдиц хабар.
Борча ҳасад ўти била ҳайдилар,
Жону жаҳон лаззатидай тўйдилар.
Килди алор феълина шайтон мадад,
Бир йўли кучланди аларга ҳасад.

¹⁹ Уша асар.

²⁰ Алишер Навоий. Тарихи анбиё... 201-бет,

²¹ Уша жойда.

5-оятдаги «чунки шайтон инсонга очиқ душмандир» ибораси шу тариқа Дурбек достонида ўз аксини топади.

Күръони каримда ака-укалар маслаҳатлашиб бир фикрга келадилар. Бу ҳақда 10-оятда шундай дейилган: (Шунда) улардан бири (сўзга келиб) деди: «Юсуфни ўлдирманглар, балки агар (ундан қутулиш учун) бирон иш қилмоқчи бўлсангизлар, уни қудуқ қаърига ташлаб юборинглар, йўловчи карвонлар олиб кетсин» (А. Мансур таржимаси).

Аслиятнинг «саййорати» сўзини А. Мансур «йўловчи карвон», Олтихон тўра эса «бир йўловчи» деб ўгиришган. Уйғурча таржимада ҳам «карвон» сўзи ишлатилган. Жалолайни тафсирида бу сўз «мусофирилардан бири» деб талқин этилади. Туркий таржималар орасида Алоуддин Мансур аслиятга яқин ва аниқ ўигран. «Қудуқ қаърига» ибораси бадий тафсир сирасига киритилиши лозим. Ака-укаларнинг Куръонда баён этилган мазкур ниятлари Навоий ва Дурбек томонидан шарҳланмаган бўлса-да, кейинги воқеалар мароми оятнинг маъносини тасдиқлайди.

12-оятда ака-укаларнинг оталари олдига келиб, хитоб қилишлари шундай тавсифланган: «Уни эртага биз билан айланишга юборгин, ўйнаб-ёзилиб келсин, Албатта биз уни қўриқлаб-муҳофаза қилгувчилардирмиз (Биз бунга ваъда берамиз)» (А. Мансур таржимаси).

Алишер Навоий бу мавзуни насрда шундай баён қиласи: «Ва ўзларин Юсуф алайҳис-саломға муштақ кўргузуб, Яъқуб алайҳис-саломдин анга гаштқа әлтурбиз деб бозига бориб...»

«Ўйнашга» эмас «бозига» дейилгани Навоийнинг зуллисонайнлик фазилатларига ишора.

Дурбек ҳам Куръон оятининг мазмунини гўзал ва муфассал назмда баён қиласи:

Сафҳаи саҳро бори гулзор эрур,
Ҳони Ирам нақши намудор эрур.
Юсуф эрур бизга бу кўз мардуми,
Мехри эрур жону кўнгул ҳамдами.
Бергил ижозат ҳало э, нок дин,
Кўрсун ушул ер юзида гул юзин.

13-оятда ота ўғилларига шундай жавоб беради: «(Яъқуб) деди: «Уни олиб кетишингиз мени маҳзун қилур, Мен, сизлар гафлатда қолиб, уни бўри еб кетишидан кўрқаман» (А. Мансур таржимаси). Жалолайни тафсирида Яъқуб оиласи яшаган жойда бўрилар кўнбўлгани қайд этилади. Алоуддин Мансур таржимада бу

оятга гүзал тафсир берган: «Нақл қилишларыча, Яъқуб пайғамбар Юсуфга шу қадар меҳр қўйган эканки, ундан бирон лаҳза бўлсин ажралишга тоқат қила олмас экан. Юқоридаги оятда келтирилган сўзлари билан у, бир томондан, ўзи сезмаган ҳолда, уларнинг шум ниятларига баҳона топиб берадики, бу ҳақда кейинги оятларда зикр қилинади».

Дурбек икки мисрадан иборат бу оятни ҳам чуқур шеърий нашқ ила ифодалашга эришган:

Деди: «Эрур жонима юз хавфу бим,
Пора бўлур жону кўнгул дарду ним.
Сиз борингиз ҳар тарафи бош уруб,
Юсуфи бечорани ёлғуз қўюб.
Боргасизу, қолгай ўшал хору зор,
Егай они гурк, саки нобакор.

Дурбек ҳам айнан Қуръондагидек ҳали олдинда содир бўладиган воқеаларни башорат қилмоқда.

14-оятда нобакор ўғиллари отага шундай жавоб берадилар: улар дедилар: «Қасамки, агар биз бутун бир жамоат бўлган ҳолимизда (кўпчилик, ғафлатда қолиб) уни бўри еб кетса, биз, шак-шубҳасиз, зиён кўргувчи — ҳалок бўлгувчилардирмиз» (А. Мансур таржимаси).

Акалари ҳам, ўзлари билмаган ҳолда, ўзларига зиён келтирувчи келажакларини башорат қилишади. Дурбек талқинида акалари шундай кафолат беришади:

Борча дедиларки: Не сўздир бу сўз?
Юсуф эрур борчага кўз узра кўз.
Шери жараён бизга чу рубоҳ эрур,
Гурк недур, бир саки гумроҳ эрур.
Борча онинг ҳофизи, сиз роҳбар,
Қилма замирингни паришон, надар.

Ваъдаларига қарамай акалари Юсуфни қудуққа ташлаб кетишади. Айнан шу ҳолат тасвирланган оятда Аллоҳ Юсуфга мурожаат қилиб, шундай дейди: Биз унга (Юсуфга): «Сен албатта (вақти келиб) оға-иниларингга бу қилмишлари ҳақида хабар берурсен. Улар (ўшанда, сен Юсуф эканингни) сезмайдилар ҳам», деб ваҳй қилдик» (А. Мансур таржимаси).

Дурбек достонида акалари Юсуфни уриб, қора қонга белашади, ҳатто ўлдиришмоқчи ҳам бўладилар. Аммо, айримлари бу ишдан чўчиб, уни банди этиб, қудуққа ташлашга қарор қилишади:

Бор эди бир чоҳки Шаддоду од,
Козиб эдию бериб эрди бабод.

Газ била тўрт юз қари эрди амиқ,
Шоҳ раҳи ом уза олдан фарик.
Баски, йилонлар қилиб эрди ватан,
Суйи эди нок бамисоли лабан.

Қудуқнинг бундай тасвири Қуръонда йўқ, аммо Дурбек ўз достонида шу тариқа шеърий таъсирчаникка эришади. Кўз олдимизда ўта чуқур, ташландик, қаъри илонларга маскан бир қудуқ намоён бўлади. Биз уни шу қадар аниқ тасаввур этамизи, Юсуфни кутаётган мудҳиш ажалдан сесканиб кетамиз. Таҳайюлимизни айнан акс эттирган Юсуф бу даҳшатдан ўлимни афзал кўриб йиғлаб оғалари оёғига бош қўйиб илтижо қилади:

Қилғуча бу чоҳ ичида нопадид,
Тиф билан мени қилинглар шаҳид.

Бу ерда Юсуф акалари оёғига бош уради, достон сўнггида эса акалари унга сажда қилишди. Достонда нопок ўлимдан Юсуф тиф зарбидан шаҳид бўлишини афзал кўриши ҳам ислом ақидаларига монанд талқин этилади. Аммо акалари раҳм қилмай, уни қудуққа ташлашади. Юсуф Аллоҳга муножот қилади:

Юсуф ўшал лаҳза деди: «Ё илоҳ!
Сендин ўза йўқ менга пушту панөҳ».

Дурбек бу бобни «Юсуф чоҳ ичинда тенгриға муножот қилғони», деб номлаган. Яъни, Юсуф қийинчилик дамлари барча мусулмонларга фарз туйғу — ягона Аллоҳга таваккал қилиб, уни зикр этиб, илтижо қилиш лозимлигини унутмайди. Азоб узра ҳам иймони бутун қолади. Ва Аллоҳ уни унутмайди.

15-оятда Аллоҳнинг тўғридан-тўғри Юсуфга далда бериши айтилади ва Дурбек бу мавзуни кенгайтириб; воситачи сифатида Жаброилни достонига киритади ва гўзал мисралар яратадики, шу тариқа Қуръони каримнинг бир сатрини ўзбек адабиётига мукаммал сиймо тарзида киритишга муваффақ бўлади. Аллоҳ буюради:

Боргину Юсуфни кўр, э Жабраил!
Хазрати Жабранл алайҳис-салом
Келдию Юсуфга етурди паём.
Чоҳ ичида бор эди санги азим,
Ётқон ўшал чоҳда умри қадим,
Қилди ўшал тошни Юсуфга тахт,
Дедики:— Ултур ҳала э нек бахт.
Олина келтурди таому шароб,
Дедики:— Йч, Юсуфи олийжаноб.
Тож била келтуриб ул хуллалар,
Юсуфи сиддиққа қилди ба бар.

Дедики:— Тенгри сенга айди салом,
Сени қилур халқи жаҳонга имом.
Бир неча кун чекссанг агар ранжи чоҳ,
Сени қилур Миср элина подшоҳ.

Шу тариқа достонга илоҳий куч ва фаришталар киритилади ва улар золим инсонлар ярататган зулмга қарши туради. Бу борада ҳам Дурбек Қуръони карим матнидан келиб чиқади, яъни Аллоҳнинг ўзи Юсуфга далда беради.

Алишер Навоий ҳам қуръоний мавзуни насрда шундай ёритади: «ани ҷоҳга солиб, кўнглосин қўй қониға булғаб, Юсуфни бўри еди деб, қонлиғ кўнглосин Яъқуб алайҳис-салом қошиға келтурдилар. Ва Яъқуб алайҳис-салом муҳлик мотамға ва ўчмас ўтқа солдилар»²².

Дурбек ҳам назмда қуръоний мавзуга содик равишда мазкур бобни «Юсуф оғолари, кўнглосин ўғлоқ қонига булғоғонлари», деб исомлайди. Акалари йиглаб келиб, шундай дейдилар:

Фофил эдук борча базавқу тараб,
Ебтур они гурк саки бе адаб.

18-оятда Яъқуб Аллоҳдан нажот сўрайди ва сабр қилиш кераклигини айтади. Шу тариқа сурада илк бор сабр мавзуси янграб, кейинчалик у етакчи оҳанг касб этади. Аслиятда «сабрун жамилун» дейилган. Сўзмас сўз таржимаси — «гўзал сабр», яъни сабрнинг ўзига нисбат берилади. А. Мансур «чиройли сабр», деб тўғри ўғирган ва батафсил изоҳда бу иборанинг аҳамияти ҳақида фикр юритган. Олтинхон тўра «сабр яхшироғдур» деб ўғирган. Шу қуръоний иборанинг ўзигина қанчадан-қанча мақол ва маталларга, фразеологизм ва тавсифларга асос солган!

Шундан сўнг Дурбек Қуръонда йўқ тафсилотларни келтириб, достонни халқ оғзаки ижоди анъаналарига яқинлаштиради. Ўзбек адабиётида исломдан аввалги кўҳна ижод намуналари, урф-одатлар ва диний қарашлар ислом маданияти руҳи билан чамбарчас боғланаб, турли миллий адабиётларга хос шамойилларни ўзига сингдирган. Мазкур қоришмада ўзбек оҳанглари ўз янграшини йўқотмасдан, аксинча янада бойиб, кўп-оҳангли услугуб касб этган. Ўзбек адабиёти жаҳон адабиёти (Қуръон эса ислом адабиётининг манбаси) дурданаларига интилиб, адабий жараёнга ўзининг салмоқли

²² Навоий. Тарихи аибиё..., 201-бет.

ҳиссасини қўшган. Буюк алломаларимиз, сўфиларчимиз, муфассирларимиз, муҳаддисларимиз ижодининг жаҳонга танилгани, уларнинг муриллари бутун оламда мавжудлиги бунга далил.

Яъни, Дурбек қуръоний мавзуни ривожлантириб, ўзбек халқ ижодига хос оҳангларни киритгани диний ва дунёвий адабиётлар синтезига мисол бўла олади. Яъқуб ўғлининг қонга бўялган кўйлаганинг ёқаси йиртимаганига эътибор беради:

Емиш эса ёзида Юсуфни пок,
Пираҳани бўлур эди чок-чок.

Шунда ўғиллари далил сифатида катта бир бўрини тутиб келиб, унинг оғзини қонга бўяшади:

Еди бу Юсуфни ўқоти равон,
Ҳозир эрур билгуси оғзида қон.

Кейинги бобни Дурбек «Бўри»: «Мен Юсуфни емаймен», — деб тилга келгони» деб номлашида ҳам достонининг халқ ижоди ва афсоналари билан узвий боғлиқлигини кўрсатади. Шу тариқа қуръоний мавзулар ўзбек адиблари томонидан ўзбек халқи учун яқин ва таниш тарзда қайта ишланиб, диний матн ва афсоналар қоришимасидан ўзбек адабиётининг дурданалари яратилган.

Бўри Юсуфни емагани, ўз инисини Мисрдан излаб келгани ва Яъқуб пайғамбар унга дуо беришини илтижо қиласди. Яъқуб йиғлаб бўрини дуо қиласди ва қуръоний сабр гўзаллиги ҳақидаги мавзуни давом эттиради:

Чарҳ фалак неча менга қилса жабр,
Мен қиласини ушбу бало ичра сабр.

Сабр била топқамен охир мурод,
Шому саҳар тенгридин истай бу дод.

Вақти-вақти билан қайтарилаётган «шому саҳар» ибораси қироат вақтини билдиради. Дурбек ўз достонида антитетзани ҳам ишлатиб, «субҳу шом» иборасини бир мисрлик бутпарастга қўллайди:

Бор эди Миср элида бутпараст,
Юрур эди Мисрда лайваста маст.

Бутқа топинур эди моҳи тамом,
Ушбу эди иши онинг субҳу шом.

Бу борада Дурбек Муҳаммад алайҳис-салом душманлари — айш-ишратга берилган қурайшлик бутпа-

растъларга ишора қилмоқда. Ва айни пайтда Тёмурнинг фарзандлари ҳам салтанат талашиб, элни хароб қилаётганларига шама қилмоқда. Бу каби қўпқатламли шеърий қатор умуман ўзбек адабиётига хос бўлиб, буюк алломаларимиз ижодидан кенг ўрин олган. Мазкур бутпараст тожир тушида бир гаройибот кўради ва уни таъбирини сўраганда, Қанъонда бир йигит бор, у сенга омад келтиради деб башорат қилинади. Шундан сўнг у Қанъонга боради ва қудуқда ўтирган Юсуфий қутқарди. Бу ишда унга ёрдам берган:

Бор эди икки қули бас беназир,
Бириси Бишр эрди, бириси Башир.

Қуръоннинг 19-оятида мусофиirlар қудуққа чelак ташлаб, Юсуфни қутқаргани ҳикоя қилинади. Шунда улар «ё бушра», деб қичқиришади. Баъзи талқинларга қаранганди бу — одамнинг исми бўлган. Балки шу сабабдан ҳам Дурбек тожирнинг икки қулини «Бишр ва Башир» деб атагандир. Алоуддин Мансур бу сўзни «Суюнчи бeringлар, бу бола-ку!», деб ўгиради. Алишер Навоий бу мавзуни қуйидагича талқин этади: «Ва ҳамул учурда бир карвон ул чоҳ бошиға тушуб, чоҳга дор солиб, аида бирор бор эканини билib, Юсуф алайҳис-саломни чоҳдин чиқардилар».

Қуръони карим оятида қудуққа «далв—челак» туширишади. Дурбек достонида ҳам қудуққа чelак солишиди. Шу тариқа сюжет узлуксизлиги таъминланади.

Қудуқ ҳодисасидан хабар тоиган акалари етиб келиб, Юсуфни қочоқ қул деб қоралашади. Тожир уни йигирма дирамга сотиб олади ва яна қочиб кетмаслиги учун банди қиласи. Бу хорликни Дурбек ўзбек халқ мақоли билан шундай нақшлайди:

Гул тилаган, хор жафосин чекар,
Кимки асал олса ариси тегар.

Қуръоний мавзу халқ оғзаки ижоди, афсоналар ва халқ мақоллари ёрдамида равшанлашиб боради. Алишер Навоий ҳам бу воқеани насрда ўхшаш тарзда ифодалайди: «Ва қардошлари хабар топиб, ул карвонга бориб Юсуф алайҳис-саломни бизнинг қулумиздурким, қочиб эрди деб, қофиланинг улуғифаким, оти Молик бинни Зиар Ҳазоий эрди, ўн етти ё йигирма дирамга соттилар» (201-бет).

Дурбек талқинида Юсуфни банди қилиб Мисрга олиб кетишиди. Йўлда Юсуф онаси қабрига ўзини таш-

лаб, йиғлайды. Шунда онаси қабрдан чиқиб, унга тасалли беради:

Сенга чу мерос эрур бу алам,
Тенгрига сиғин, смагин ўзга гам.

Тенгри берур жумла муродинг тамом,
Шоҳсен ўглим, сени ким дер ғулом.

Бу ерда ҳам фақат Аллоҳга таваккал қилиш мавзууси қайтарилиб, киши онгига сингиб боради. Бу усул Қуръонда кенг қўлланган бўлиб, Дурбек ундан моҳирона фойдаланади. Шекспирнинг «Ҳамлет» фожиасида қаҳрамонга ота арвоҳи кўриниш берганини ғарб олимлари беҳад янгилик деб кўрсатишади. Ваҳоланки, ундан икки аср илгари бу мавзу ўзбек адабиётидан ўрин олганини кўриб турибмиз. Бу мавзу сайёҳ сюжет тарикасида Ғарбга силжиган бўлса ҳам ажабмас. Академик Н. Конрад Уйғониш даври Шарқдан, ва жумладан Мовароунихардан Ғарбга — Англияга силжиганини ўз асарларида далиллар асосида кўрсатиб ўтган.

Юсуфни «қочди» деб гумон қилган тохир унинг кетидан баҳайбат қулини юборади. Қул Юсуфни қабр устидан судрайди. Шунда Юсуф Худога муножот қилали. Парвардигор унинг иоласини эшитиб:

Тутди ҳаво юзини гарду ғубор,
Айлади ул рўзин чун шоми тор.

Үт ҷоқилиб бошлади, ёғди тагарк,
Титрар эди жумла ҳалойиқ чу барг.

Пайғамбарларини хорлаган ҳалқларга дўл, сел, шамол ва ёғин юборилгани Қуръонда алоҳида талқин этилади. Ношукур бандаларга жазо мавзуидан Дурбек ўз достонида ўринли фойдаланади: тохир Юсуфдан шафқат қилишини сўрайди. Юсуф дуо қилса — ҳаво очишлиб кетади. Шунда Тохир:

Олди Бу Юсуфдин ўшал банду ғул,
Дедиким: «Сен шоҳ сену, банда қул».

Шундан сўнг карвои ўтган шаҳарлар аҳолисини Юсуф бутпарастликдан қайтариб, ислом йўлига киритади. Қуръонда бу мавзу йўқ. Дурбек шу билан Юсуф тақдирини Муҳаммад алайҳис-салом ҳаётларига ўхшатиб тасвирлайди. Пайғамбар ҳам ўз она шаҳарлари Маккадан амакиларининг қувғинидан қутулиш ниятида Мадинага ҳижрат қилишга мажбур бўлади.

Шаҳарлардан бирида Юсуф ҳидоят ҳақида ганир-
ганидан кейин:

Борчаси ислом йўлини тутдилар,
Бут била зуннорни унудилар²³.

Юсуфни қудуқдан қутқарган тоғир уни Мисрга олиб
келиб қул бозорида Миср Азизига сотади. Унинг чиройи
ва хулқига маҳлиё бўлган Миср Азизи Юсуфни уйига
келтириб хотининг топширади: бу ҳол 21-оятда шун-
дай тасвирланган: уни Мисрдан сотиб олган (Миср
шаҳрининг ҳокими — Қитғийр деган) киши хотини
(Зулайҳо)га: «Уни яхшилаб (қабул қилиб) жойлаш-
тири. Шояд бизга бирон фойдаси тегиб қолса, ёки ўзи-
мизга бола қилиб олармиз», деди» (А. Мансур тар-
жимаси).

Алишер Навоий мазкур оят маъносини наср ила
баён этади, аммо мисрликнинг хотинига қилган наси-
ҳатларини келтирмайди: «То иш анга еттиким, Мисрда
анинг вазни била етти қотла мушк вазн қилиб, Малик Раённинг хозиниким, Мисрнинг азизи эрди. Юсуф алай-
ҳис-саломни сотқун олди. Ва азизнинг Зулайҳо отлиғ
хотуни бор эди...» (201-бет).

Қуръонда Юсуфни арзимаган пулга қулликка со-
тиб юборишади, Навоий қиссасида эса ўз вазнига тенг
пулга. Аҳамият беринг: Қуръонда Миср ҳокими ўз хо-
тиининг исмини айтмайди. Қадимги ривоятларга кўра
унинг исми Зулайҳо бўлган. Ибн Исҳоқ уни Роила деб
атаган. Фирдавсийдан бошлаб Зулайҳо дейилади.
И. Ю. Крачковский маълумотига кўра бу исм 1004 йи-
ли вафот этган араб шоири Ибн ал-Ҳажжож шеърла-
рида ҳам учрайди. Юсуф Али айтишича, Зулайҳо бо-
кира бўлган. Миср ҳокимининг фарзанди бўлмаган.
Зулайҳо эрга тегишидан аввал Юсуфни тушида кўриб
севиб қолган. Мазкур қадимги ривоятларнинг барчаси
Дурбек достонида ўз аксини топган ва ҳаяжонланти-
рувчи мисраларга муҳрланган. Айнан 21-оятни эса Дур-
бек шундай талқин этган:

Мен сени фарзанд дедим ушбу дам,
Сен доғи қўй ростлиқ узра қадэм.

Килди Зулайҳога синориш они,
Дедики.— Сен бил, доғи асра буни.

²³ Зуннор — «мусулмон давлатларида яшовчи христианлар маж-
буран белга боғлаб юрадиган ва маълум бир рангдаги чилвир». —
Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат. Тошкент,
1953, 129-бет.

Шундан сүнг воқе жараёни тезлашиб, мудхиш тус олади. Зулайҳо Юсуфни севиб қолиб, уни ўз ҳолига қўймайди. Қуръон сюжетини Алишер Навоий ўз қиссаларида шундай таърифлайди: «Ва азизнинг Зулайҳо отлиғ хотуни бор эрди, Юсуф алайҳис-саломга ошиқ бўлди. Ҳар неча ўзини забт қилур эдиким, ани халқ маълум қилмагай. Аммо бетоқатлиғ инон-ихтиёрин иликдин чиқарур эрди, то улки Юсуф алайҳис-саломга ишқин изҳор қилиб, висол орзу қилди. Юсуф алайҳис-салом ул матлубин имтиноъ қилиб, Зулайҳоға тенгри таолодин тахвир қилди ва мавоиз ва насойиҳ изҳор қилди. Ва бу ҳолатда Юсуф алайҳис-салом ўн етти ёшида эрди. Чун Зулайҳо Юсуф алайҳис-саломни ул иштин бафоят мужтаниб кўрди, ваҳмдинким азизга изҳор қилғай, ўзи азиз қошида Юсуфдин шикоят қилдиким, Юсуф маңға изҳори тааллук қилиб, висол орзуси изҳорин қилди. Азиз тафаҳҳус қилғондин сўнгра маълум қилдиким, Зулайҳо ўз қилғонин Юсуфга туҳмат қилибтур».

Дурбек достонида Юсуф олдига Зулайҳонинг энагаси келиб унга ишқ сўзларини етказади. Аммо Юсуф матонат билан рад жавобини беради ва сабр қилиш даркорлигини айтади. Қуръоний бу мавзу энагасининг Зулайҳога берган насиҳатларида ҳам қайтарилади:

Юсуф эрур сұхбатингда субҳу шом,
Сабр била еткасен андин баком.

Сабр била тенгри берур коми дил,
Сабр қилу, сабр қилу, сабр қил.

Шу тариқа Дурбек қамал ичидаган шаҳар аҳлини сабр қилишга даъват этади.

Аммо Зулайҳо чидамай, Юсуфни ўз ҳарамига чақиртиради ва қўлидан тутиб, шаҳвониятини қўзғатишга ҳаракат қиласиди. Юсуф Аллоҳдан мадад сўраб, қочишга уринади. Шунда:

Кўпти Зулайҳоу они тутди чуст,
Деди:— Не бўлди сенга, э аҳли суст.

Нега қилурсен мени ҳар дам ҳалок,
Тортди Юсуф қилди ёқосини чок.

Юсуф ўшал лаҳза қочиб ташқари,
Чиқти Зулайҳо кейин, ул илгари.

Достон таълифи айнан Қуръон мазмунига монанд. Уларни Миср Азизи кўриб қолади. Зулайҳо айбни

Юсуфга қўиди. Аммо бир гувоҳ топилиб, шундай дейди: 26. «(Шу пайт Зулайҳонинг) уруғларидан бири гувоҳлик бериб (деди): «Агар унинг кўйлаги олд томондан йиртилган бўлса, у ҳолда (Зулайҳо)нинг гапи росттир ва (Юсуф) ёлғончидир. 27. Агар кўйлаги орқа томондан йиртилган бўлса, у ҳолда (Зулайҳо)нинг гапи ёлғондир ва (Юсуф) ростгўйлардан бўлур» (А. Мансур таржимаси).

Жалолайн таърифида бу гувоҳ — бешикдаги гўдак бўлган дейилади. Яъни, Аллоҳ мўъжиза кўрсатиб Юсуфни ҳимоя қилиш учун гўдакни ганиртиради. Бу мўъжиза Дурбек достонида батафсил ҳикоят қилинади. Тифл сўзга кириб:

Деди:— Азио, сенга айлай хабар,
Келтиру Юсуф ёқасия қил назар.

Илгаридин бўлса аломати чок,
Юсуф эрур мужриму аҳли ҳалок.

Чок агар қиласа кейинидин бадар,
Билки Зулайҳо ишидир сар-басар.

Бу сўзни эчинтағач Азиз:

Солди чу Юсуф ёқосина назар,
Бўлди ўшал чок кейиндан бадар.

Қилди Азиз ушбу аломат нигоҳ,
Билди Зулайҳодин эрур бу гуноҳ.

Шундан сўнг Куръони каримда Зулайҳо миш-мишлардан қутулиш мақсадида шаҳар хотинларини уйига тўплаб, уларга Юсуфни кўрсатади. Йигитнинг малаксимон ҳуснини кўрган хотинлар ҳайратдан ўз қўлларини пичоқ билан кесишади ва шундан сўнг Зулайҳони тинч қўйишади. Дурбек достонида бу таъриф Зулайҳо Юсуфни йўлдан оздиришга уринишидан аввал қайтарилади. Алишер Навоий қуръоний мавзуни айнаи қайтариради: «Бу иш Миср аҳли орасида иштиҳор топти. Ва Мисрнинг ашроғининг зуафоси Зулайҳоға таън тили узоттиларки, фалон Қаинъоний қулга ошиқ бўлуб, ўзин халқ тилига солибтур. Зулайҳо ул ишта мўхиқ эрканин собит қилур учун тоин ва таннозларни зиёфат қилур учун истидъо қилиб, алар ҳузурида Юсуф алайҳис-саломни мажлисда ҳозир қилди. Ва ул жамоат олдида турунж ва турунж кесарга иликларида бичоқлар эрди. Юсуф алайҳис-саломни кўргач, «Мо ҳозо башаро» деб анинг жамоли маҳидин андоқ лояъқил бўлдиларким,

турунж ўрнига иликларин кестилар. Юсуф алайхис-салом чиққаң, ўз ҳолларидан вөқиғ бўлуб, Зулайҳони маъзур туттилар». Навоий матнидаги «мо ҳозо башаро» ибораси Қуръон оятидан олинган бўлиб, «Бу — одам эмас» дегани. Яъни, Юсуфни фаришта дейишгани.

Қуръон таълифи бўйича Юсуфни барибир зиндонга ташлашади. Навоий шундай дейди: «Ва Зулайҳо эл мазаннаси дафъи учун азизга илтимос қилдиким, Юсуфни зиндоида маҳбус қилди». Дурбек достонида Зулайҳо гўдакнинг тилга кирганини Юсуф кўрсатган сеҳр, деб уни қаматтиради. Натижада Юсуф:

Куёр эди ҳажр ўтидни мудом,
Сокини зиндан эди ул субҳу шом.

Қуръон таълифи бўйича зиндонга яна икки йигитни ташлашади. Улар туи кўриб таъбирини Юсуфдан сўрашади. Юсуф йигитларининг бири шоҳнинг соқийси бўлади, иккинчиси эса ҳалок бўлади, деб башорат қиласи. Ва шоҳнинг соқийси бўлғувчисига мени унутмава ҳимоямга бир оғиз сўз айтгил, дейди. Зиндонда Юсуфга Аллоҳ тушлар таъбирини билдиради ва шу орқали унинг юксалишини уқтиради. Навоий Қуръон таълифига содик равишда ҳикоят қиласи: «Ва бу ҳибсда тенгри таоло Юсуф алайхис-саломга таъбир илмин каромат қилди. Зиндан аҳли туш кўруб, бир-бирига айтсалар эрди, таъбир қилур эрди ва ҳеч таҳаллуф қилмогондин зиндан аҳли мутаажжиб бўлур эрдилар. Малик Раён сувчиси бирла баковули анга чоғирда заҳр берур таваҳхумидин ёзгуриб, зиндонга юборди. Алар Юсуф алайхис-салом эл тушига таъбир қилурни кўриб, иттифоқ била бир-бири ёлғон туш ясад, Юсуф алайхис-саломга арз қилдилар».

Дурбек достонида Соқию Ҳаббоз шоҳга заҳар беришга урингани учун бир неча кун зиндонга ташланади. Улар Юсуфдан туш таъбирини билгач, шоҳ ҳузурига чақирилладилар. Соқийни шоҳ тирик қолдириб, яна ўзига яқинлаштиради. Ҳаббозни эса қатл этади ва шу тариқа Юсуф зиндонда башорат қилган ҳодиса юз беради. Соқий Юсуфни унутади ва 41-оятда айтилишича «(Лекин) шайтон ҳожасига зикр қилишни унинг ёдидан чиқариб, (Юсуф) бир неча йил (барибир) зинданда қолиб кетади».

Навоий Қуръон маъносини талқин этиб «Ва ул соқий етти йилгача Юсуф алайхис-саломни соғинмади», дейди.

Етти йил ўтгач Миср шоҳи туш кўради ва унинг таъбирини ҳеч ким айтиб беролмайди. Шунда унинг ҳузурида ҳозир бўлган Соқий Юсуфнинг таъбир қобилиятини эслайди ва унинг олдига келиб ёрдам сўрайди. Бу мавзу Қуръоннинг 43—50-оятларида ҳикоят қилинади. Навоий шундай дейди: «Бир кеча малик туш кўради: етти семиз ўйини етти оруқ ўй едилар ва етти тоза кўкарган хушани етти қуруқ ҳўша чирмошиб, бетароват қилди». Бу туш таъбирини Соқий Юсуфдан билиб беради. Шоҳ уни ҳузурига чақириради, аммо Юсуф «бормай эъмол қилдиким, турунж била илик кескан зуафо ишидин истиффор қилғил». Зулайҳо ҳақиқатни айтиб беради ва шоҳ Зулайҳо ва қўлини кесган таннозлар ҳикоясини билиб олади.

Қуръоннинг 55-оятида Малик Юсуфни хазина сақловчиси этиб тайинлайди. «Малик азизни азл қилиб, азизлигни Юсуф алайҳис-саломга беради. Ва малик ва хазоиннинг амини ва соҳиби ихтиёри қилди» (Тарихи анбиё, 203-бет). Дурбек бу мавзуга икки боб бағишлайди ва бирининг номи қуръоний мавзуга муносаб берилади: «Миср подшоҳи ҳазрати Юсуфни ўз ўрнига ўлтурғузуб подшоҳ кўтаргони».

Алишер Навоий қиссаларида Юсуф Зулайҳога ўйланиб, ундан икки ўғил кўради. Дурбек достонида:

Ушбу Зулайҳо ўтуб моҳу сол,
Икки ўғил, бир қизи соҳиб жамол.

Ҳар бириси дурри ягона эди,
Навбат ила шоҳи замона эди.

Сўнг Канъон — Юсуф ватанида қаҳатчилик бўлиб, акалари Мисрга ёрдам сўраб келишади. Юсуф ўзини танитмай, укаси Яминни олиб келишни буюради. Яъқуб аввалига ўғлимни юбормайман, дейди. Аммо ўғиллари Аллоҳ номи билан қасам ичғанларидан кейин Яминни Мисрга юборади. Алишер Навоий ва Дурбек Қуръон таърифига содиқ ҳолда ҳикоятларини айнан шу мазмунда қуришади. Юсуф укасини турли йўллар ишлатиб ёнида олиб қолади. Биродарлари Юсуфнинг олдига таъзим билан келишганида ўзини танитади ва отасига ўзининг кўйлагини бериб юборади. Уни кўриб, кўзи яна кўра бошлишини башорат қиласи. Дурбек достонида эса Юсуф кўйлагини Башир орқали отасига юборади. Навоий қиссасида «Юсуф алайҳиссалом ўз кўнглосин Яҳудодин Яъқуб алайҳис-саломга йиборди».

Юсуфнинг отаси Мисрға келади ва Юсуф биродарларини кечиради. Ҳаммалари бирлашиб, тутув ҳаёт кечира бошлашади. Бу борада Дурбек бир боб ёзиб, уни «Ҳазрат Яъқуб ва Юсуфнинг дуоси бирла Юсуф оғоларининг гуноҳини тенгри таоло афв қилғони», деб номлайди. Шу билан Дурбек Юсуф қиссанин хотималайди:

Бўлади ўшал васл бисотин кўруб,
Шому саҳар навбати шоди уруб.

Тенгрига айтиб бори ҳамду сипос,
Шукр қилиб шому саҳар бекиёс.

Амир Темур фарзандлари Балхни қамал қилганда айнан шу қиссани ёзилиши рамзидир. Юсуф ака-укаларининг можароси орқали Дурбек Темурийларга насиҳат қилишга уринади. Сабр-тоқат, қаноат ва авф этишга даъват этади. Қуръон тараннум этган меҳр-муҳаббат оҳангларини ўзбеклар қалбига жо этишга уринади.

Замоилар ўтди... Асрлар оша бизга етиб келган Дурбекнинг Қуръон қиссаси асосида ёзилгани гўзал «Юсуф ва Зулайҳо» достони ўзбек адабиётининг дурданаси бўлиб қолди. Қуръон сураси ва Дурбек достони ҳозирги кунларда ҳам муаммоларимизни ҳал эта оладиган қудратга эга. Дурбек ёзган мисралар башоратга айланди:

Қиссан Юсуфни тамом айла назм,
Турки тили бирла қилиб азми жазм.

Колрай замон сафҳасида ёдигор,
Сендин ўшал қисса, ўтуб рўзгор.

АЛИШЕР НАВОЙИННИНГ «ҲАЙРАТУЛ-АБРОР» АСАРИДА ҚУРЪОНӢИ МАВЗУЛАР

1936 йили Ойбек домла «Ҳайратул-аброр»нинг позитик материяси — фикрлашдир, деб таъкидлаган эди²⁴. Навойининг замондоши Ҳондамир ҳам айнан шу фазилатга эътибор берган: «бу китоб нозик ва ёрқин маънолар ва гўзал фикрлар билан тўлган»²⁵. Аммо ўзбек адабиётининг моҳиятини ислом, Қуръон, тасаввуф ва уммонга тенг Шарқ маданиятидан айри ҳолда ўрганиш Навой ижодига хос бўлган фикр теранлигидан бебахра қолиш билан баробардир.

²⁴ Ойбек. Навой гулшани.— Мақолалар тўплами. Тошкент, 1967, 73-бет.

²⁵ Ҳондамир. Макоримул-ахлоқ. Тошкент, 1967, 33-бет.

Ваҳоланки, совет даврида Навоий асарларидан ислом, Қуръон ва Аллоҳга оид на фақат сўзлар, балки айрим боблар ҳам чиқариб ташланган. Масалан, Навоийнинг 1965 йили нашр этилган асарлар тўпламиининг б-жилдига кирган «Ҳамса»нинг биринчи китоби — «Ҳайратул-аброр» (*«Яхшилар ҳайрати»*) га бошлангич ўн бир мақола киритилмагани ҳайратомуз ҳолдир. Изоҳларда айтилишича, «Устозлари каби Навоий ҳам «Ҳайратул-аброр» достони биринчи бобининг биринчи мисрасини «Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим» жумласи билан бошлайди ва бу бобда шу жумлани кенг изоҳлайди. Шундан кейин, яна ўша даврлардаги одатга кўра, бир боб ҳамд (худони мақташ), тўрт боб муножот (худога ёлвориш) ва беш боб наът (пайғамбар мадҳияси) берилади. Гарчи бу бобларда шоирнинг маълум даражада баъзи бир фалсафий, ижтимоий фикрлари акс этса-да, лекин бу боблар достонга бевосита алоқадор эмас. Оммавий нашрларда бундай бобларга эҳтиёж тушмас. Шундай мулоҳазаларга биноан, бу достоннинг ва бошқа достонларининг ҳам ушбу нашрида шундай боблари тушириб қолдирилди²⁶.

1483 йили яратилган «Ҳайратул-аброр» асарининг бошлангич ўн бир бобида ислом фалсафаси ва маданиятига оид ажойиб ва бетакрор фикрлар мавжудки, уларнинг мағзини чақиши кишига улкан маънавий озуқа беради ва айнан шу фикрлар Навоий ижодига қалит бўла олади. Навоий борлиқни Аллоҳ яратганини қўйидага мисраларда шундай таърифлайди:

Эй қилибон қаҳр ила лутфунг шиор,
Борни йўқ айламаку йўқни бор.

Йўқ эдилар ҳар неки бор айладинг,
Фаҳму хирад борига ёр айладинг.

Ҳам тўққиз афлокни чектинг рафиъ,
Ҳам кураи хокни ёйдинг васинъ.

Аллоҳ барча яратганлари орасида инсонни улур қўяди:

Барчасини гарчи латиф айладинг,
Борчадин инсонни шариф айладинг.

Биринчи сатрда «гарчи», иккинчи сатрда «инсонни» сўзларидан ўзга ҳаммаси қофия ва радиф бўлиб кел-

²⁶ Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1978, 244—245-бетлар.

моқда. Яъни, барчасини латиф айладинг, барчадин «гарчи инсонни» шариф айладинг. Оламни яратгац, Аллоҳ ўзи яратганларини тартибга келтириб:

Ани мунга, муни анга банд этиб,
Бир-бирига борчани пайванд этиб,

Воситалар бўлди аён тў-батў,
Бир-бирига боғланибон мў-бамў.

Навоий Аллоҳга ҳамду сано ўқир экан, инсон ву жудини Унга боғлайди:

Чун ясабон ҳужраи тори димоғ,
Ақлдин ул ҳужрада ёқиб чароғ.

Ришта анга тори иноят бўлуб,
Шуъла анга нури ҳидоят бўлуб.

Навоий иккичи мисрада инсон ақлини нурафшон чироққа ўхшатади. Бу нурни Аллоҳ ёққани Қуръони карим 24-сурасининг 35-оятида шундай таърифланади: «Оллоҳ осмонлар ва Ернинг нуридир (яъни, уларнинг барчасини ёритиб, кўзга кўрсатиб — йўқдан бор қилиб тургувчидур). У зот нурининг (мўмин банда қалбидаги) мисоли худди бир токча, унинг устида бир чироқ, бу чироқ бир шиша ичида, у шиша гўё бир дур юлдузга ўхшайди...» (А. Мансур таржимаси).

Навоий тадриж (ривожлантириш) усулидан фойдаланиб, 1-мисрадаги «ҳужраи тори димоғ»ни 3-мисрадаги «тори иноят» ёрдамида Худо билан боғлайди. 2-мисрадаги «чароғ»ни тўртинчи мисрадаги «нури ҳидоят»га улайди, яъни тўғри йўлга туришга ундайди. Юқорида кўрилган 35-оятда ҳам: «Оллоҳ ўзининг (бу) нурига ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур», деб айтилган.

1—2 мисраларда Навоий ички қофия («ҳужра») ва ташки қофия («димоғ—чароғ»)дан фойдалайган бўлеа, 3—4 мисралардаги ҳар бешта сўздан тўрттаси қофия дош бўлиб (анга — анга; тори — нури; иноят — ҳидоят), боз устига «бўлуб» радифи ҳам ишлатилгани ҳайратга солувчи назм низомидур.

Таносуб (параллелизм) усулидан фойдаланиб, «иноят тори»ни «ҳидоят нури»га боғлайди. «Фотиҳа» сурасининг 6-оятини эсланг: «Иҳдино-с-сиротал мустақийм» — «бизларни тўғри йўлдан бошли (ҳидоят қил)».

Шундан сўнг Навоий иноят ва ҳидоят қилувчилар учун:

Андин олиб нур кўнгул маскани,—

дэйиши билан инсон дили ва онгини Аллоҳ билан боғлайды. Тасаввуфда қалб Аллоҳга яқинлашгани сари нурга түлишини ҳам унутмайлик.

III бобнинг бошланишида Навоий фикрини давом эттириб, Аллоҳга иисбат беради:

Не бўлуб аввалда бидоят санга,
Не келиб охирда ниҳоят санга.

Аввал ўзунг, охиру мобайн ўзунг,
Борчага холиқ, борига айн ўзунг.

1-мисрадаги «аввалда» ва «бидоят» сўзлари араб тилида «бошланиш» маъносини билдиради. 2-мисрадаги «охирда ниҳоят» сўзлари ҳам бир маъно — «тамом»ни англатади. 3-мисрадаги «мобайн» сўзи араб тилида «уларнинг орасидаги»ни билдириб, аввал билан охир орасидаги нарсалар ҳам Худонинг ўзи эканлигидан далолат беради.

«Фотиҳа» сурасининг «ийюка наъбуду ва ийюка настаъни» — «сенгагина сифинамиз ва Сендангина ма-дад сўраймиз» (Ш. Бобохонов таржимасидан) ояти «Хайратул-аброр»да шундай ифодаланади:

Қатми адамдин неки мавжуд ўлуб,
Сожид ўлуб, сен анга масжуд ўлуб.

Кимки боши сажлада — масжудисен,
Кимки жони қиблада — маъбудисен.

Дарҳақиқат, барча мусулмонлар юзини қаратиб намоз ўқийдиган Макка — қибла бўлиб, мусулмонлар маъбуди — ягона Аллоҳдир.

Муҳаммад алайҳис-салом Мадинага ҳижратларидан сўнг барча мусулмонлар намоз пайти Каъбага қараб қироат қилишлари амри вожиб бўлиб, Каъба барча мусулмонлар қибласи деб эълон қилинади. Илгари эса мусулмонлар Иброҳим пайғамбар яшаган маконга эҳтиром туйғуси сифатида Қуддусга қараб намоз ўқишган. Яҳудийлар билан насронийлар ҳам ўша даврда Қуддусга қараб чўқинишган. Муҳаммад алайҳис-салом ҳаёт бўлганларида Қуддус насроний Византия ҳокимлиги остида бўлиб, насронийлар черковларининг ўриндиқлари Шарққа қаратилган: «ориентация—шарққа қаратмоқ» шундан келиб чиққан. Ҳозирги кунда эса насроний черковларида ўриндиқлар турли тарафга қаратилган²⁷.

²⁷ Abdallah Yousuf Ali., 58-бет, 147-изоҳ.

2-суранинг 114-оятида қибла ҳақида шундай дейилган: «Гоҳо юзингиз самода кезганини кўрамиз. Бас, албатта биз Сизни ўзингиз рози бўлган қиблага буюрамиз. Юзингизни Масжид-ул-ҳаром томонга буринг! Каерда бўлсангизлар юзларингизни унинг тарафига бурингиз!» (А. Мансур таржимаси).

Аммо айнаи шу Маккада ўша пайт бут—санамлар ҳам мавжуд эди. Аллоҳдан ўзга бут—санамларга сифиниш эса ширк саналади. Мұҳаммад пайғамбар бутпарат қабиладошлари — қурайшликларни иймон келтиришга ундаганида, улар рози бўлишмаган. Навоий «Ҳайратул-аброр»нинг 7-бобида пайғамбарга бағищланган наътда шундай дейди:

Куфр бийик тоғиға солиб шикаст,
Ерга бўлуб паст буту бутпарат.

Маккада дин аҳли мукинат бўлуб,
Уззи или Лотка узлат бўлуб.

Мухталиф аҳвол ўлуб аҳли қурайш,
Баъзи ўлуб ғамзада, баъзида айш.

Исломдан аввал Маккада турли бут—санамлар мавжуд бўлиб, қурайшликлар Ҳуд жангига учта санам—Узза, Лот ва Манотни кўтариб келишади. Қуръони карим 53-сурасининг 19—22-оятларида шундай дейилган: 19—20- (Эй мушриклар, ўзларингизча сифиаётган санамларингиз) — «Лот», «Ўззо» ва на учинчилари бўлмиш тубан «Манот» ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингизми?! 21. Сизлар ўша бут—санамларни ва фаришталарни «Оллоҳнинг қизлари», дейсизлар, демак эркак (жинси) сизларники-ю, аёл (жинси) У зотникими?! 22. У ҳолда бу адолатсиз тақсим-ку!» (А. Мансур таржимаси).

Мұҳаммад алайхис-салом ғалабалардан сўнг Маккадаги барча бут—санамларни синдиришади. Навоий бу ҳолатни «Ерга бўлуб паст буту бутпарат» деб тавсифлаган. Бутпаратлар бутларидан воз кечиб, Аллоҳга сажда қилганиларига ишорадир бу. Макка узра яккахудолик ўрнатилиб, тавҳид келтирмаган қурайшликларнинг қисмати эса маълум — «Мухталиф аҳвол ўлуб аҳли қурайш». Навоий «қурайш» сўзини «айш» билан қофиялаши маъно ва шакл бирлигига мисол бўла олади. Қурайшликлар пайғамбар лашкари ўстидан ғалаба қозонишларига шу қадар ишонишар эдики, Бадр жангидан олдинги тунни айш-ишратда ўтказишади. Натижада «Баъзи ўлуб ғамзада, баъзида айш».

Алишер Навоий сўзлар ва ҳарфларнинг араб ёзуви-даги шаклидан ҳам ўрили фойдаланган. Мазкур бут-лар ва бутпарастлар мавзуда IX бобда сўз ва ҳарф-лар ёзилишининг шаклига таяниб, ёжойиб шеърий рамзлар яратади:

Зуамати куфр улки бўлуб жамъ анга,
Ҳар «алифи» исломининг аро шамъ анга.

Ислом сўзидағи биринчи ҳарф «алиф»га шама қи-линиб, уни шамъга ўқишини орқали куфр зулматидаги шам мушрикларга ҳидоят, йўлини ёритиш ҳақида гапни-рлади. Ислом сўзининг биринчи ҳарфи шам синтеги барча куфр зулматини тарқатниши шеърий рамзини тараний воқелак билан Соринцдинин кўрсатмоқда. Иш-ки мазмун ҳарфнинг ёзилиши шакли рамзида очилиб, аబдай тасвир бунёд этилади.

Ислом сўзидағи кейинги ҳарф «лом» ҳам Навоий мисраларида чуқур маънио кашиф этади:

Барча миалга чу юруб ҳимматиг,
«Лом» ила «тедиқ» лат уруб милятиаг.

Лотки андии эди динга бало,
Сен ушотиб иолсини бўлди ло.

«Лом»ни Навоий қуролга ўхшатиб, унинг ёрдамида «те»ни «Лот» сўзидан уриб туширилгани ва натижада «ло» қолганига ишора қилмоқда. Яъни, Лот санами исломга қарши қурайшликлар сиринган бут бўлиб, Мухаммад алайҳис-салом унинг асосини уриб синдиради ва натижада қолган «ло» шаҳодат сўзларига ҳам-моҳандир: «ло илоҳа илло-л-лоҳа». Бу иборада асосий ургу «ло» сўзига тушмоқда. «Л» ҳарфининг рефрен бўлиб қайтарилини эса маъниони кучайтироқда. Навоий мазкур маъниога 3—4 мисраларда «бало—ло» сўзларидаги шакл ва мазмун мунтараклиги туфайли зришади.

Кейинги мисраларда Навоий Қуръонда учичи бўлиб тилга олингани «Манот» санами ҳақида сўз юритиб, унинг ҳам дафъ этилганини ажойиб рамзий тасвирда беради:

Куфр әлига улки бор эди манот,
Бўйинни сен синдирубон бўлди мот.

«Манот» сўзининг арабчада ёзилиши ўртасидаги «нун» билан «алиф»ни Навоий бўйинга ўхшатиб пай-ғамбар уни синдиргани ва натижада гердайиб турган Манот мот бўлганини уқтироқда.

Шу тариқа Навоий саккиз мисрада Мұхаммад алай-хис-саломнинг қурайшликларга қарши кураши; бутпастликий адo этиш йўлида қилган саъй-ҳаракатлари ва ўша даврнинг асосий уч санами — Узза, Лот ва Манотни яксон қилганликлари ҳақидаги маълумотларни теран шеърий шаклда нақшланига эришади. Араб имлосидаги ҳарфлар ёзилишига урғу берив, чуқур илмий тадқиқотлар ўрнини босувчи ва фикр теранлиги туфайли хаёлимизда муҳрланиб қолувчи сиймо яратадики, унда ислом тарихига оид воқелик, мушрикларга қарши кураш, санамларнинг номлари жамулжам бўлгани кишини ҳайратда қолдирмай иложи йўқ.

Айнан шу тариқа Мұхаммад алайхис-салом исмла-ри ҳам араб алифбоси ёрдамида Одам атога нисбат этилади. VII бобда:

Узга далил истаса табъи сақым,
Басдуур Одамда «алиф», «долу», «мим».

«Одам» исми араб имлосида уч ҳарфдан «-алиф», «-дол» ва «-мим»дан иборат. Иккинчи мисра шунга ишора қилиб, кейинги мисрада Пайғамбар исмида айнан шу ҳарфлар мавжудлиги таъкидланади:

Борчаси Аҳмадда топиб иззу шон,
Ўғлида уч ҳарф атодин нишон.

Пайғамбарни «Аҳмад» деб ҳам аташган. Қуръони қарим б-сурасининг б-оятида шундай дейилган: Эсланг, Исо бинни Марям: «Эй бани Йсройл, албатта мен Оллоҳнинг сизларга (юборган) пайғамбариман. (Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқлагувчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад исемли бир пайғамбар ҳақида хушхабар бергувчи бўлган ҳолда юборилганим, деган эди» (А. Мансур таржимаси).

Аҳмад исмида ҳам «алиф», «мим» ва «дол» ҳарфлари мавжуд. «-ҳо» ҳарфини эса Навоий шундай тушунтиради:

«Ҳо»и муҳаббат анга — ўқдур насиб,
Ким анн ҳақ деди ўзига ҳабиб.

«Муҳаббат» араб тилида «ҳо» ҳарфидан бошланади: «Ҳо» ҳарфидан бошланувчи «Ҳақ» ва «Ҳабиб» сўзлари эса Оллоҳнинг гўзал исмларидан ҳисобланади.

IX бобда Навоий Мұхаммад алайхис-саломга настрий тавсиф берив, шундай дейди: «Ул нубувват қўёши-нинг соясизлигининг пояси, балки қўёш бўлмоқ анинг

сөяси ва беш бармоғига қалам тутмай ақолими сабъани яққалама қылғони, балки жамиш мидал авроқиға наск қалами чеккони».

«Беш бармоғига қалам тутмай ақолими сабъани яққалама қылғони» иборасида пайғамбар Қуръоний ўзлари ёзмаганлари, вафотларидан сүнг оятлар бир Китоб ҳолатига келтирилгани таъкидланмоқда. «Ақолими сабъа — етти иқлим» ҳам қуръоний ибора бўлиб, Оллоҳнинг яратувчилик қудратига ишорадир. Дарҳақиқат, Қуръони карим қаломи барча мустаслам халқларни яққалама қилди; араб ёзувида битилган барча мусулмон халқларининг адабиётни бунга далил бўлмоқда.

Айнан шу фикр назмда ҳам ўзининг мукаммал ифодасини топган:

Итса қалам қайда ғам ўлди санга,
Чуни жаҳон яққалам ўлди санга.

Навоий тавсифидаги «жамиш мидал — барча миллатлар» ибораси ҳам назмий шаклда баркамолдир:

Қўймади гар бу қаламнинг бир нуқат,
Лек мидал насхига кўй чекди хат.

«Нуқат» — араб ёзувида ҳарфларининг тела ва пастига қўйиладиган нуқталар бўлиб, уларсиз сўзин тўғри ўқиш амримаҳол. Навоий бу ўхшатиш билан пайғамбар қалами билан бир нўқта қўймаган бўлса-да, барча миллатларга Худо сўзини етказа олганларига ишора қилмоқда. Дунёнинг қаломуллоҳга таслим бўлгани қўйидаги мисраларда муҳрланган:

Хаттингга бош қўйди Ажам то Араб,
Тутмасаңг иягингта қалам не ажаб.

Муҳаммад алайҳис-салом Маккадан Мадинаға хижрат қилингга мажбур бўлганларида, амакилари юборган душманлар етай деб қолганида, муҳожирлар бир ғорга кириб бекинишади. Уларни ҳимоя қилиш учун ғор оғзини ўргимчак ини қоплаб, ҳеч ким кирмагандек ёввойи ҳолатга келтиради. Бу ҳақда Навоий X бобда шундай тавсиф беради:

Ҳасмидин ўлғонда анига парда ғор,
Оғзида ўргамчи бўлуб пардадор.

Ривоятларга кўра ғор оғзида бир қуш ҳам ин қўяди. Навоий шуни назарда тутиб, қўйидаги мисрани ижод этади:

Айламасун деб ел ила парда сайр,
Байзасидин тутма тоқиб аида тайр.

Бу гаройиботлар ҳақида Алихонтўра Соғуний шундай маълумот беради: «Эрталаб туриб қарасалар, гор оғзида бир түп бутоглиқ ёғоч (даражат) униб чиқмишдур. У ёғочга бир жуфт ёвзойи кантар келиб уялаб, тухум солмишидир, бунинг устига ўргамчиклар қалин тўр тортиб, гор оғзини қопламанилар эди»²⁸. Мұхаммад пайгамбар ва Абу Бакр Сидиқ кетидан қувиб чиққан қурайшлак мушриклар гор оғзидаги ҳолатни кўриб, орқаларига қайтилади.

ХI бобда Навоий Мұхаммад йайғамбәр ҳәётларидан яна бир лавҳа — бир кечада Маккадан Қуддус масжидыча ва ундан Оллоҳ ҳузурига кўтарилганларни настарий баён қиласи: «Меъроҳ кечаси тарифидаким, каримаи: «Субҳоналлази асро» аига мусаддаки дурур ва «биабдихи лайлан минал-масжидил ҳароми амал масжидил-ақсо» анииг субутиға гувоҳи содиқ».

Навоий наср ишемида 17-суранинг 1-оятини көрмоқда. Наср ва назми қуръоний қборалар билан 1-оятини Навоий ижоди ва умуман ўзбек ислом адабиётини бўлиб, диний ва дунёвий адабиётлар муштараклигинидан ёрқин далолат беради. «Субҳоналлази асро» ибораси «олиб ўтган Зотга мақтовлар бўлсинким», деб ўғирилади. Яъни, бу ерда бир кечада Пайгамбарни ҳаводап оличиб ўтган Аллоҳга ҳамд ўқилмоқда. Шунинг учун ҳам «Меъроҳ» кечаси дейилади. «Субҳоналлази асро» ибораси меъроҳни тасдиқлайди. Оят давомида тилга омниаётган «масжидил-ҳаром» ва «масжидил-ақсо» эса бу тасдиқнинг «икки гувоҳи содиқ»дир. «Масжидил-ҳаром» — Маккадаги масжидидир. «Масжидил-ақсо» эса баъзи тафсирларга бинисан Қуддусдаги масжид, бошқаларига кўра эса Арши Аъюдаги масжиддир. 17-суранинг 1-ояти бундан хабар беради:

سُبْحَانَ اللَّهِ الَّذِي أَسْرَى بِنَاهْ لَلَّا مِنْ مَسْجِدٍ الْحَرَامِ إِلَى
الْمَسْجِدِ الْأَقْوَى الَّذِي بَارَكَنَا حَوْلَهُ لَنْرِيَهُ مِنْ عَيَّابَاتِنَا

«(Оллоҳ» бир кечада, Ўз бандаси (Мұхаммад)ни — унга оят — мўъжизаларимиздан кўрсатили учун (Маккадаги) Масжид-ал-Ҳаромдан (Қуддусдаги) Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжид-ал-Ақсога сайр қўйдир-

²⁸ Алихонтўра Соғуний. Тарихи Мұхаммадий. Биринчи китоб. Тошкент, 1991, 68-бет.

тан (барча айбу нүқсондан) пок зотдир...» (А. Мансур таржимаси).

Таржимада шахс ифодаси аниң әмас. Оятнинг биринчи қисмида учинчи шахс номидан гапирилади: «Субхоназиз асра биабдихи» — «ўз қулини олиб ўтган Зот мактоворларга сазовор». Оятнинг иккинчи қисмида эса бириичи шахс номидан гапирилади: «بَارَكَ اللَّهُ بِزَيْنَةِ بَرَاقَةِ الْمَسْجِدِ — Биз баракотли қылган»; «أَعْلَمُ بِالْمَسْجِدِ الْأَقْصَى — Биз унга кўрсатиш учун».

Куйидагича таржима қилиса, балқим, аслиятга яқинроқ бўлармиди: «Оғарин ул Зотгаки, кечаларнинг бирида ўз бандасини Масжид ал-Ҳаромдан Масжид ал-Ақсога олиб ўтган, ва Биз бандага ўз оятларимиз (мўъжизаларимиз)дан кўрсатиш учун унинг (Масжид ал-Ақсонинг) атрофларини баракали қылган эдик».

Жалолайн тафсирида айтилишича, «баракали» дегани тури мевалар ва дарёлар билан жиҳозладик дегани. Шу билан бирга «Масжид-ал-Ақсо» айрим олимлар томонидан Арши Аълодаги мачит деб ҳам изоҳланади. Боз устига 30-сурада Фаластин ери فی اذنی الْأَرْض — яқин срда» деб таърифланади. Навоий ҳам «Масжид-ал-Ақсо»га Куддусдаги масжидга нисбат бериб:

Қосиди құдсей чу салом айлабон,
Хақ соридин арзи паём айлабон,—

дейди. Аммо шу билан бирга агар «қосиди құдсий»ни муқаддас деб олсак, ва ундан олдинги мисра билан боғлаб талқин этсак, бу ибора арши аълодаги масжидни кўрсатмоқда деган хулоса ҳам чиқариш мумкни:

Пўяда кўк сайрича ором анга,
Ердии ўлуб кўккача бир гом анга.

Инглиз тилига Қуръонни таржима қылган Юсуф Али изоҳида айтилишича, Ҳадисларда Пайғамбар аввалига илк ваҳий этилган жой — Қуддусга олиб ўтилади, сўнгра эса етти осмондан арши аълога кўтарилади, ва шу туфайли инсон руҳининг замон ва макон узра саёҳати тавсифланади. Мадрид университетининг арабшунос профессори Мигуэл Асин айтишича, мазкур меъроҳ кечасига оид адабиёт Оврупонинг ўрта асрлар адабиётiga ва хусусан Дантенинг буюк «Илоҳий комедияси»га сингиб ўтган ва Ғарб адабиётiga шу тариқа улкан таъсир этган²⁹. Узбек адабиётида Меъроҳ қиссаси кенг талқин этилиб, Пир Яссавий, Боқирғоний, Сўфи Оллоёр ва Машраб ижодида муносаб ўрин эгаллаган. Шу та-

²⁹ Abdallah Yousuf Ali., 691-изоҳ.

риқа диний адабиёт ва фақат ислом адабиёти, балки насроний адабиёти ва маданиятига ҳам муҳим таъсир ўтказгани кўришиб турибди.

Илоҳий қаломнинг Муҳаммад алайҳис-саломга нозил бўлиб, Қуръоннинг мўъжизакорлиги Навоий томенидан X бобда шундай таърифланади:

Эй нафасинг моян эъжоз ўлуб,
Рұҳи қудус иутқунгга ҳамроҳ ўлуб.

Гоҳи такаллум саңға мұъжиз қалом,
Назми қаломнинг бори мұъжиз низом.

«Такаллум» арабчада «айтилган» маъносини билдириб, Оллоҳнинг Пайғамбариға ўз фариштаси Жаброил орқали Қуръонни сўзлаб, ёд олдиртиргани ҳақида маълумот беради. Қуръоннинг мўъжизавий назм ва низом этилиши ҳақида Навоий берған тавсиф Қуръонга асосланган. Муҳаммад алайҳис-салом илк оятларни қурайшликларга қироат қила бошлаганида мушриклар уларни масхара қилиб, ҳайдагани ва жиннига чиқаргани тарихдан маълум. Муҳаммад алайҳис-салом қурайшилик мушрикларга ўзлари Қуръон сураларига биттагина ўхшашини таълиф этишни, ва қурблари етмаса сифинадиган бут—санамларидан мадад сўрашларига даъват этганини эслайлик. Аммо Қуръон оятларига ўхшаш мўъжизакор назм таърифини ҳеч кимса тополмайди. Шу тариқа оятларнинг мўъжизакорлиги исботланади. Шунинг учун ҳам Навоий мадҳини давом эттириб, шундай дейди:

Нутқ аро чун зөхир ўлуб мұъжизинг,
Ахли фаеоҳат бўлубой ожизинг.

Х бобда Навоий Қуръони карим сураларининг мўъжизавий кучини шундай таърифлайди:

Сура дема, «қоғ» ила «нун» ёки «сад»,
Яъники ҳар ҳарфиға онинг савод.

Шу тариқа Навоий Қуръони каримнинг 38—«Сод», 50—«Қоғ» ва бошқа ҳарфлар номи билан аталган сураларига ишора қилиб, Қуръоннинг ҳар бир ҳарфи ортида олам-олам маъно борлигйини таъкидлайди. Жалолайнини тафсирида ҳарфларнинг асл маъносини фақат Оллоҳ билиши изоҳланади. Шу билан бирга баъзи уламолар «Сод»—«Содиқ», «Қоғ»—«Қодир», яъни Оллоҳнинг гўзал исмларининг бошланғич ҳарфлари деб ҳисоблайди.

Пайғамбарнинг таваллудини Навоий VII бобда бир нур оламга тушганига ўхшатади:

Тонти азад субҳи чу базминг чароғ,
Не тоңг ағар ёруса юз минг чароғ.

Одам ва Пайғамбар тавсиғида Навоийнинг одамнинг тупроқдан яратилганлиғи ва унга нур тушганлигини Қуръонга монанд ҳолда шундай ифодалайди:

Айлади чун одами хокий зуҳур,
Солди анга партавин ул пок нур.

Бобнинг ниҳоясида Навоий нурағшонлик ғоясиний шундай сўзлар билан тугаллади:

Эмдикি рафъ этти юзидин ниқоб,
Тұғмади андоқ яна бир офтоб.

Еам тунини нур сиришт айлади,
Ер юзини боғи биҳишт айлади.

Ички қофия «сиришт—биҳишт» «айлади» радифи ёрдамида ойдинлашиб, шу тариқа маъно ва шакл тे-раишлиги зуҳур тонмоқда. Навоий ижодига хос тун зулмати ва субҳ нағосатию нурағшонлик мавзуи асли қуръоний бўлиб, бир нечта сураларга асосланади. Тун зулмати ёмонлигини Парвардигор субҳ нурила тарқатишини Навоий VI бобда қўйидагича ёритади:

Лутф қўёшиға чу берлинг зуҳур,
Меҳр ила қилдинг бори зулматни нур.

Ислом нури ўзбек адабиётини асрлар давомида ёритиб келгани барча алломаларимиз ижодида ўз аксими тонган. Халқимиз қисматига зулматли тунлар ҳам тушган, аммо донм яратувчилик саъии уни тарқатишига эришган. Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» асаридаги айрим қуръоний мавзуларининг юқоридаги таҳлили бўяга даил ва мисол бўла олади.

Хулоса қилиб айтганда, Қуръони карим мавзуларининг ўзбек адабиётига таъсири улкан бўлиб, уни атрофлича ўрганиш келгусидаги вазифаларданdir.

МУНДАРИЖА

Кириш ўрнида	3
Куръон ва ўзбек ислом адабиёти	4
Амир Темурнинг Куръонда фол очилин — диний ва дунёвий адабиётлар муштараклиги	16
Туркий адабиётлар сарчашмаси «Қутадғу биллиг»да қуръоний мавзулар талқини	31
Аллоҳга мафтун Пир Ясавий ҳикматлари	38
Куръоннинг энг гўзал қиссаси ва Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо» достони	62
Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» асарида қуръоний мавзулар	

Караматов Ҳамидулла Сагдуллаевич

КОРАН И УЗБЕКСКАЯ ЛИТЕРАТУРА

*На узбекском языке
Ташкент, «Фан»*

*Ўзбекистон Республикаси ФА илмий-оммабон адабиётлар таҳрир
ҳайъати томонидан нашрга тасдиқланган*

Муҳаррир *Ф. Тошматотова*
Мусаввир *Б. А. Хайдуллин*
Техмуҳаррир *Л. П. Тюрина*
Мусаҳҳиҳ *С. Зокирова*

ИБ № 6271

Теришга берилди 11.02.93. Босишга рухсат этилди 27.04.93. Қозоз бичими 84×108 $\frac{1}{2}$. Газета қоғози. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма ш., 5,04. Ҳисоб нашриёт т. 5,0. 29 буюртма, 50000 нусха. Келишилган нарх.

УзР ФА «Фан» нашриёти: 700047, Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.
УзР ФА «Фан» нашриётининг босмахонаси: 700170, Тошкент, акад. Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 70.



